

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



**МАХСУС ФАНЛАР ЦИКЛИ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЛИНМАЛАРИ ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГ  
ОФИЦЕРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА ҶАБУЛ ҚИЛИНГАН ХОДИМЛАРНИ  
БОШЛАНГИЧ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЎҚУВ КУРСИННИГ  
“ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГ ФАОЛИЯТИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ – 2023**

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Илмий Кенгашининг 2023 йил “\_\_\_” даги йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган. “\_\_\_” - сонли баённома.

**Тузувчи:**

**Б.Б.Турғунбаев**

Махсус фанлар цикли ўқитувчиси, подполковник

**Тақризчи:**

**А.К. Янгибаев**

ИИВ Академияси Маъмурий хукуқ кафедраси бошлигининг ўринбосари юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент., подполковник

**Тақризчи:**

**Ж.С. Мухторов**

Махсус-касбий фанлар кафедраси доценти,  
подполковник

Ўқув-услубий мажмуа Ички ишлар органлари хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари инспектор-психолог офицерлик лавозимларига қабул қилинган ходимларни бошланғич касбий тайёргарлик ўқув курсининг “**инспектор-психолог фаолияти**” номли модул бўйича тайёрланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуий бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилганлиги кенг ёритилган.

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасалари тингловчи, курсант, докторант ва мустақил изланувчилари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек ички ишлар органларининг амалиёт ходимлари учун мўлжалланган.

УДК \_\_\_\_\_

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023.

## Мундарижа

<b>Кириш.....</b>	6
<b>Модул бўйича дарслар тақдимоти .....</b>	7
<b>1-мавзу.</b> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг мазмuni ва моҳияти.....	10
<b>2-мавзу.</b> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотлар.....	23
<b>3-мавзу.</b> Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари.....	31
<b>4-мавзу.</b> Инспектор-психолог лавозими жорий этилишининг хукуқий асослари.....	40
<b>5-мавзу.</b> Ўзбекистон Республикаси 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг мазмун-моҳияти.....	47
<b>6-мавзу.</b> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сонли Қарорининг мазмун-моҳияти.....	70
<b>7-мавзу.</b> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4342-сон Қарорининг мазмун-моҳияти.....	89
<b>8-мавзу.</b> Инспектор-психологнинг хукуқбузарликлар умумий ва виктимологик профилактиласини амалга ошириш фаолияти.....	101
<b>9-мавзу.</b> Инспектор-психологнинг хукуқбузарликлар маҳсус профилактиласини амалга ошириш фаолияти.....	117
<b>10-мавзу.</b> Инспектор-психолог лавозими жорий этилишининг хукуқий асослари.....	131
<b>11-мавзу.</b> Профилактик ҳисобга олиш асослари, тартиби, ички ишлар органларида юритиладиган профилактик ҳисоблар ва уларнинг турлари.....	142
<b>12-мавзу.</b> Хотин-қизларга нисбатан тазиик ва зўравонликнинг олдини олиш бўйича фаолият.....	151
<b>13-мавзу.</b> Вояга етмаганларни Марказларга қабул қилиш ва улардан чиқариш асослари.....	162
<b>14-мавзу.</b> Жиноят, ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар билан ишлаш тартиби.....	170
<b>15-мавзу.</b> Маъмурий хукуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилотларга тақдимнома киритиш тартиби.....	187
<b>Тахминий тест саволлари.....</b>	197
<b>Глоссарий .....</b>	206
<b>Холоса.....</b>	215
<b>Асосий адабиётлар.....</b>	216

## **КИРИШ**

Мазкур ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 15-апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2021-йил 15-майдаги “Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Малака ошириш институти Уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сонли ва 2021-йил 27-августдаги “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сонли буйруқларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ички ишлар органларининг узлуксиз ўқув-карера жараёни тизимини амалга ошириш ва ички ишлар органларига хизматга янги қабул қилинган ходимларни тизимли равишда бошланғич касбий тайёргарликдан ўтказишни назарда тутади.

Ушбу дастурга кўра, ходимларни бошланғич касбий тайёрлаш ўқув жараёни блок-модул тизимида асосланган бўлиб, машғулотларда инновацион педагогик технология, интерфаол метод ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва касбий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини юксалтиришга қаратилган.

### **Ўқув курсининг мақсади**

Ўқув курсининг **асосий мақсади** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари инспектор-психолог лавозимларига қабул қилинган ходимларда (бундан буён матнда тингловчилар деб юритилади) ҳуқуқий ва хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун касбий билимларини шакллантириш, жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича амалий қўникма ва маҳоратларини оширишни узлуксиз таъминлашдан иборат.

### **Ўқув курсининг асосий вазифалари**

Ўқув курсининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларга қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб берадиган юксак касбий маҳоратини ривожлантириш;

тингловчиларнинг блок-модул тизими асосида бошланғич касбий тайёрлашни сифатли ва тизимли ташкил этиш;

ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларини, инновацион технологияларини, шу жумладан аниқ вазиятлар таҳлили машғулотларида ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илфор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

тингловчиларни юксак даражадаги ватанпарварлик, мустақиллик гояларига садоқат руҳида тарбиялаш;

юқори даражада жанговар ва жисмоний, маънавий-ахлоқий ва руҳий тайёргарликни ҳар томонлама таъминлаш ва такомиллаштириб бориш;

тингловчиларни хизмат фаолиятини амалга ошириш жараёнида тузиладиган хужжатлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари ва вазифалари билан таништириш;

хизмат вазифаларни бажаришда, назария ва амалиётда учраётган барча ўзгаришларга етарли даражада аниқ баҳо бера олиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш;

тингловчиларда тезкор ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва баҳолашнинг замонавий усулларини ўргатиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши қурашишда ички ишлар органларининг мавжуд куч, восита ва усулларидан самарали фойдаланиш қўникмаларини шакллантириш;

мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимиға кирувчи асосий фаолият йўналишларидан бўлган жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва тергов қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш бўйича тўпланган илғор иш тажрибасини ўргатишдан иборат.

### **Тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

Тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар бошланғич касбий тайёрлаш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

#### **Тингловчи:**

“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни, яъни ўз хизмат бурчини сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмада эканлигини англаши;

миллий мафкура, маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримиз, миллий ва маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мафкуравий иммунитет, шунингдек, ахборот хуружи ва оммавий маданият каби омил ва жараёнларнинг мазмун-моҳиятини;

Ўзбекистон Республикасининг Конститусияси, унда шахснинг ҳуқуқий мақоми, инсон ҳуқуқлари, давлат органлари тизими, уларни ташкил этиш, ваколати ва фаолият шакллари, қонунчилик соҳасидаги ислоҳотлар талабларини;

хизмат соҳаси фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи норматив хужжатлар талабларини;

қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий хужжатларининг ижросини ўз вақтида, бир хилда ва тўлиқ бажарилишини;

Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишни улуғ ва олижаноб мақсад деб биладиган, хизмат қийинчиликларига (экстремал ҳолат, руҳий оғир ва қийин вазиятлар) руҳий бардошли бўладиган касбий қўникма ва маҳоратга;

ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини; ички ишлар органлари ходимларнинг фуқаролар билан муомала маданият қоидаларини;

бўйсунувчанлик, бўйсунувчиларга юқори талабчанлик, бўйсунувчиларнинг иш натижаларини ҳолисона баҳолаш ва уларга ғамхўрлик қилишни;

ўзига бириктирилган табел қуроли ва маҳсус воситаларидан тўғри фойдаланиш асослари ва тартибини;

ўз иш кўрсаткичларига танқидий қарашни;

ижрочилик интизомига риоя этиш ва уни ташкил этиш асосларини;

ахборотларни тўплаш, таҳлил қилишни;

ички ишлар органлари ходимларининг хуқуқий мақоми, вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишларини;

хизмат фаолияти мобайнида турли этник ижтимоий гурӯхлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда ўзига хос жиҳатларини ҳурмат қилиш ижтимоий барқарорликка миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўз фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашни;

хизмат соҳалари фаолиятида мавжуд бўлган замонавий маҳсус техника воситаларидан фойдаланиш қоидаларини;

алоқа воситаларининг тушунчаси, вазифаси, турлари ва улардан фойдаланиш тартибини;

ички ишлар органларида ходимларнинг хизмат кийимини кийиш маданиятини билиши керак.

Ватан равнақи учун хизмат қилишдек улуғ ва олийжаноб мақсадга интилиш, жасурлик ва фидойилик билан эл-юртга хизмат қилиш;

ўз фаолиятини режалаштириш;

ўз фаолиятига тааллуқли ахборот билан ишлаш;

ахборот-таҳлил фаолияти методларини аниқлаш;

иш юритиши ва маҳфийлик тартибига риоя этиш;

фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

Ҳукуқбузарликлар профилактикасининг турларини амалиётда қўллаш;

Ҳудудларда “Маҳаллабай”, “Оилабай” ва “Фуқаробай” ишлаш;

Ҳукуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳамда уларни бартараф этиш;

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

Назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш ва уларни қабул қилиш;

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўкув тарбия муассасасига жойлаштириш;

Вояга етмаганларни ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш;

Маъмурий хукуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилотларга тақдимнома киритиш;

профилактик хисоб ҳамда маъмурий назоратда турган шахслар билан ишлаш;

жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқиш;

маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш;

хизмат фаолиятида мавжуд бўлган техник воситалардан самарали фойдаланиш;

маъмурий худудда криминоген вазиятни аниқлаш ва унга тўғри баҳо бериш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш;

жароҳатлар ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

қон кетиши ва қон йўқотиш ҳақида тушунча ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

таянч ҳаракат системаси жароҳатларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

ўзига бириктирилган табел қуролидан, маҳсус воситалардан қонунда белгиланган тартибда фойдаланиш;

хизмат фаолиятида мавжуд бўлган техник воситалардан самарали фойдаланиш;

хизмат вазифаларини бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ атвордан ўзини тийиш, шунингдек, ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишга сабаб бўладиган вазиятларга йўл қўймаслик;

ҳар қандай вазиятда фуқароларга ҳурмат билан мурожаат қилиш, муносабатларда вазмин бўлиш, муомала маданияти ва қонунийликка қатъий риоя қилиш;

доимий равишда ўз билим ва касбий қўникмаларини такомиллаштириб бориш, малака ва хукуқий маданиятини ошириш бўйича қўникмаларига эга бўлиши лозим.

Мураккаб шароитларга тез мослашиш, кескин вазиятларда энг мақбул қарорлар қабул қилиш;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган ариза ва шикоятларни мазмунан кўриб чиқиш ва қонун доирасида ҳал қила олиш;

фуқароларнинг мурожаатларига холисона ва вижданан ёндашиш, айниқса, болалар, аёллар, кексалар ва нуронийларга алоҳида эътибор қаратиш;

фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатларга, қонунга хилоф равишда жисмоний куч ишлатишга, ҳақорат қилиш ёки қийноққа солишга йўл қўймаслик;

хизмат интизоми, қонунийлик ва инсон хуқуқларига қатъий амал қилган ҳолда хизмат вазифалари самарали ижро этилишини таъминлаш;

ходимларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш ва ўз устида мунтазам ишлаш;

янги инновацион ғояларни хизмат фаолиятига жорий этиш;

саф қоидаларини ҳамда қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатларини, ўқотар қуролдан фойдаланиш ва кўллашда хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилиш;

илгор иш тажрибаси ва услубини амалиётда кўллаш;

соҳавий хизматлар фаолиятини ташкил этишда ахборотлар билан таъминлаш ва алмашиш;

фаолиятига таалуқли ҳукуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш малакаларига эга бўлиши зарур.

Шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;

ички ишлар органлари фаолиятини режалаштириш;

хукуқбузарликдан жабрланганга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хукуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хукуқбузарлик содир этган шахсларга ҳукуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш;

жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида хукуқбузарликдан жабрланган шахслар билан ишлаш;

хукуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хукуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хукуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳукуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларини амалга ошириш;

иш фаолиятида юзага келган турли зиддиятли ҳолатлар ва муаммоларни ҳал этиш ҳамда тегишли бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш;

самарали иш юритиш ва ҳужжатлар айланишини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш;

илфор иш тажрибаси ва услубларини амалиётга тадбиқ этиш компетенсияларига эга бўлиши лозим.

### **Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унда қўлланиладиган инновацион педагогик технологиялар**

Машғулотлар замонавий таълим методлари ва инновацион технологияларга асосланиб ўтказилади.

Ўқув машғулотларда тингловчилар ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари фаолиятини одатий ва мураккаб шароитларда ўташ, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Ўқув машғулотлар давомида тингловчиларга ўқитувчилар томонидан “Ақлий ҳужум”, “Кейс-стади”, “Кичик гурухларда ишлаш”, “Муаммоли вазият” ва бошқа интерфаол методлари орқали машғулотлар олиб борилади.

Ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирган, якуний назорат ва якуний имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилади.

## Модул бўйича машғулот тақсимоти:

№	Модул мавзуси	Аудитория ўқув юкламаси, соат					Мустакил тальим
		Жами	Аудитория соати	Маъруза	Семинар	Амалий машғулот	
1.	Ўзбекистон Республикасининг «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги қонунининг мазмуни ва моҳияти	6	4	2	2		2
2.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотлар	6	4	2	2		2
3.	Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари	6	4	2	2		2
4.	Инспектор-психолог лавозими жорий этилишининг хукуқий асослари	8	6	2	2	2	2
5.	Ўзбекистон Республикаси 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг мазмун-моҳияти	8	6	2	2	2	2
6.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиши янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сонли Қарорининг мазмун-моҳияти	8	6	2	2	2	2
7.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги “Ихтисослаштирилган ўқутарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4342-сон Қарорининг мазмун-моҳияти	8	6	2	2	2	2
8.	Инспектор-психологнинг хукуқбузарликлар умумий ва виктимологик профилактикасини амалга ошириш фаолияти	6	4	2	2		2
9.	Инспектор-психологнинг хукуқбузарликлар маҳсус профилактикасини амалга ошириш фаолияти	4	2	2	-	-	2
10	Инспектор-психологнинг хукуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш фаолияти	4	2	-	-	2	2
11	Профилактик ҳисобга олиш асослари, тартиби, ички ишлар органларида юритиладиган профилактик ҳисоблар ва уларнинг турлари	4	2	-	-	2	2
12	Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш бўйича фаолият	4	2	-	-	2	2

13	Вояга етмаганларни Марказларга қабул қилиш ва улардан чиқариш асослари.	4	2	-	-	2	2
14	Жиноят, ходисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар билан ишлаш тартиби	4	2	-	-	2	2
15	Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шартшароитларни бартараф этиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилотларга тақдимнома киритиш тартиби	8	6	2	2	2	2
	<b>Жами:</b>	<b>88</b>	<b>58</b>	<b>20</b>	<b>18</b>	<b>20</b>	<b>30</b>


**1-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ 2014 ЙИЛ  
14 МАЙДАГИ «ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ  
ТҮҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ.  
Маъруза машғулоти. (2 соат)**

**РЕЖА:**

1-савол.“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси түғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва аҳамияти. Асосий тушунчалар.

2-савол.Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи хамда иштирок этувчи идоралар.

3-савол.Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари.



**1-савол: “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси түғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва аҳамияти. Асосий тушунчалар.**

Ички ишлар органлари профилактика хизматлари тизимида амалга оширилган ислоҳатларни амалга ошириш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамиятга эга, лекин Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси түғрисидаги қонун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу кунгача қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг алоҳида соҳаларини белгилаб берган.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси түғрисида»ги қонуни вояга

етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси, ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган вояга етмаган, ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган оила, назоратсиз, якка тартибдаги профилактика иши, қаровсиз, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг тушунчаларига таъриф бериб, ушбу соҳадаги хуқуқбузарликларни олдини олиш йўналишларини белгилаб берди. Масалан, қонуннинг 10-моддасида ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактиказини ўз ваколатлари доирасида амалга оширишлари, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактиказини амалга оширувчи маҳсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан иборат эканлиги белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонун асосан алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу Қонун фуқароларнинг соғлигини, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлигини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг заарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий - оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва хуқуқий шартшароитларини яратишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни комплекс тартибга согани билан бир қаторда бу борадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Қонун **7 та боб, 51 та моддадан** иборат бўлиб, унда умумий қоидалар, хуқуқбузарликлар профилактиказининг асосий вазифалари, асосий принциплари, турлари, хуқуқбузарликлар профилактиказини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари, якуний қоидалар белгилаб берилган.

### Мазкур қонуннинг қабул қилинишининг бир қанча омиллари бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

- хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти қонун билан тартибга солинмаганлиги;
- хуқуқбузарликлар профилактиказининг аниқ субъектлари ва уларнинг ваколатларининг белгиланмаганлиги;
- хуқуқбузарликлар профилактиказида иштироок этувчи орган ва муассасаларнинг ваколатлари белгиланмаганлиги;
- хуқуқбузарликлар профилактиказининг турлари ва чора-тадбирларини турлича таърифланганлиги;

➤ хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг ҳамкорлигини мустахкам механизмининг яратилмаганлиги ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи тузилманинг мавжуд эмаслиги ҳамда назоратининг йўқлиги;

➤ хукуқбузарликлар профилактика бўйича ҳисоботлар умумлаштирилмаслиги ва таҳлил этилмаслиги ва бошқалар.

➤ Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг хукуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда ўз вақтида бартараф этиш, ушбу соҳадаги ишларни тўғри ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда қуйидаги аҳамиятга эга бўлди:

➤ хукуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг қонун асосида ташкил этилишига олиб келганлиги ва қонуний асосларга эга бўлганлиги;

➤ хукуқбузарликлар профилактикаси бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасалар ҳамда уларнинг ваколатларининг аниқ белгилаб берилганлиги;

➤ хукуқбузарликлар профилактиканинг турлари ва уларнинг чоратадбирлари ҳамда амалга ошириш тартиблари белгилаб берилганлиги;

➤ хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг ҳамкорлигини механизми яратиланлиги ва уларнинг фаолиятини назорат қилувчи тузилма, яъни хукуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва хукуқбузарликлар профилактиканни бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари хузурида хукуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилиши тартибга солинганлиги;

➤ хукуқбузарликлар профилактиканни бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг алоҳида соҳалар бўйича хукуқбузарликлар профилактиканинг натижалари юзасидан таҳлилий ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш йўлга қўйилганлиги ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисда”ги қонуни **7 та боб, 51 та моддадан** иборат.

**1-боби умумий қоидалар** бўлиб, ушбу бобнинг 1-моддаси қонуннинг мақсади, 2-моддаси хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, 3-моддаси асосий тушунчалар, 4-моддаси хукуқбузарликлар профилактиканинг асосий вазифалари, 5-моддаси хукуқбузарликлар профилактиканинг асосий принциплари, 6-моддаси хукуқбузарликлар профилактиканинг турлари кўрсатиб ўтилган. Қонуннинг 3-моддасида хукуқбузарликлар профилактикасига оид қуйидаги тушунчалар кўрсатиб ўтилган, жумладан;

**ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш** – хукуқбузарликтан жабрланганга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хукуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хукуқбузарлик содир этган шахсларга ҳукуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга,

шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

**ғайриижтимоий хулқ-атвор** – шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

**хуқуқбузарлик** – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли, ғайрихукуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

**хуқуқбузарликтан жабрланувчи** – жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида хуқуқбузарликтан жабрланган шахс;

**хуқуқбузарликлар профилактикаси** – хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг хуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;

**хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс** – ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли хуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

**Хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:**

шахснинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш;

жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

хуқуқбузарликтан жабрланувчиларни, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан, илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

жисмоний шахсларнинг хуқуқбузарликтан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

**Хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:**

- ❖ қонунийлик;
- ❖ инсонпарварлик;
- ❖ тизимлилик;
- ❖ ишонтириш усулининг устуворлиги;

❖ таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш.

## **2-савол: Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда иштирок этувчи идоралар.**

**Қонуннинг 2-бобида** хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари берилган.

хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларни икки гурухга бўламиз:

*Биринчи гурухга: хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириувчи органлар.*

**Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимиға қуйидагилар киради:**

- ✓ Ички ишлар органлари;
- ✓ Прокуратура органлари;
- ✓ Давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги;
- ✓ Адлия органлари;
- ✓ Давлат божхона хизмати органлари;
- ✓ Давлат солиқ хизмати органлари;
- ✓ Мехнат органлари;
- ✓ Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- ✓ Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг худудий бўлинмалари.



Қонунда ушбу органлар ва муассасаларнинг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари алоҳида моддаларда аниқ белгилаб берилди.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари.

### **Ички ишлар органлари:**

- ҳуқуқбузарликлар профилактиkasига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактиkasига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга оширади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактиkasини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;
- ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;
- ушбу Конуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;
- фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гурухларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан чора-тадбирлар кўради;
- паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўқотар қуролни сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;
- жиноятларни фош этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидирудида иштирок этади;
- ижтимоий реабилитация килиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;
- ҳуқуқбузарликлар профилактиkasини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласади.

Ички ишлар органлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **Шунингдек қонунда:**

- ✓ Прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактиkasи соҳасидаги ваколатлари
- ✓ Давлат хавфсизлик хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактиkasи соҳасидаги ваколатлари
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактиkasи соҳасидаги ваколатлари

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари
- ✓ Адлия органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари
- ✓ Давлат божхона хизмати органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари
- ✓ Давлат солиқ хизмати органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари
- ✓ Мехнат органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари
- ✓ Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари
- ✓ Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари хам тўлик кўрсатиб ўтилган.

**Иккинчи гурӯҳга: хукуқбузарликлар профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хукуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчилар.**



Қонуннинг 7-8 моддаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилган бўлиб, ушбу субъектларни назорат қилувчи ҳамда хукуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи орган ва муассасалар тизимиға киритишмиз мумкин.

21-моддада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг хукуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки ҳам белгилаб берилган.



### **З-савол: Хукуқбузарликлар профилактикасининг турлари**

**Қонуннинг 3-боби** хукуқбузарликларнинг умумий профилактикаси, 4-боби хукуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси, 5-боби хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, 6-боби

хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси тушунчаси ва уларнинг чора-тадбирлари бериб ўтилган.

Профилактика хизматларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини самаравали ташкил этишни таъминлаш учун энг аввало ушбу соҳани хуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар кандай хуқуқбузарликка карши олиб борилаётган фаолият конун доирасида олиб борилиши керак. Қонунга асосланмаган ҳар кандай фаолият нафақат хуқуқий демократик давлат принципларига зид, балки амалда хуқуқ-тартиботни таназулга олиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни профилактика хизматлари фаолиятини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, қонуннинг 10-моддасида ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари қўйидагича белгилаб берилган:

хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга оширади;

хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

хуқуқбузарликларни, уларни содир этган шахслар ва хуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳисобини юритади, ушбу маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;

ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;

фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан чора-тадбирлар кўради;

паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўқ отар қуролни сақлаш қоидалари ва тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди, жиноятларни фош этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидирувида иштирок этади;

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласида.

Юқорида ички ишлар органларига белгилаб берилган вазифаларда келиб чиқиб, профилактика хизматлари хизмат фаолиятини ташкил этади ва амалга оширади. Албатта фаолиятни ташкил этишда қонуннинг белгилаб берган принципларига түлиқ риоя этилиши шарт. Қонуннинг 6-моддасида хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси; маҳсус профилактикаси; якка тартибдаги профилактикаси; виктимологик профилактикаси белгиланган йўналишларда ташкил этилиши лозим. Қонуннинг 23-моддасига асосан хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қўйидаги йўналишларда ташкил этилади ва чора-тадбирлари кўлланилади:

• хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

• аҳоли ўртасидаги хуқуқий тарғибот;

• хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Қонуннинг 24-моддасига асосан айрим турдаги хуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган маҳсус тадбирларни амалга оширади.

*Илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси бўйича қўйидаги чора-тадбирларни ташкил этади ва амалга оширади (қонуннинг 25-моддаси):*

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш;

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

- озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитацияга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича маҳсус тадбирларни амалга ошириш;

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.



*Алкоголни иистеъмол қилувчи ёки гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни иистеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳукуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси бўйича қуийдаги чора-тадбирларни ташкил этади ва амалга оширади:*

- гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равища мумомалада бўлишининг, улар иистеъмол қилинишининг, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равища ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- мастлик ҳолатида, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳукуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўtkазиш;

- гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Қонуннинг 29-моддасига асосан ҳукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг чора-тадбирларини ташкил этади ва амалга оширади:

- профилактика сухбати ўтказиш;
- расмий огоҳлантириш;
- ҳукуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитлар ҳақида хабардор қилиш;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- профилактик ҳисобга олиш;
- мажбурий даволанишга юбориш;
- маъмурий назорат.

Қонуннинг 43-моддасига асосан ҳукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасининг чора-тадбирларини қуийдаги йўналишларда ташкил этади ва амалга оширади:

- ҳукуқбузарликлардан жабрланганларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

- аҳолига, шу жумладан ҳукуқбузарликдан жабрланганларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;

- ҳукуқбузарлиқдан жабрланганларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўриш;

- ҳуқуқбузарлиқдан жабрланғанларга профессионал ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам күрсатадиган реабилитация марказларини ташкил этиш;

- ҳуқуқбузарлиқдан жабрланғаннинг жисмоний ва психологияк хавфсизлигини таъминлашга қаратилган маҳсус кенг кўламли чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

- ғайриижтимоий хулқ-атвортан нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (худудларни) муентазам равишда назорат қилиш;

- ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;

- ғайриижтимоий хулқ-атвортан, тайёрланаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш;

- профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш.

**Конуннинг 7-боби** яқунловчи қоидалар бўлиб ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ваколатлари ҳамда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг молиявий ва моддий-техник таъминоти ҳамда бошқа бир қатор масалалар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Демак, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуни ички ишлар органлари профилактика хизматлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда ҳамда куч ва воситаларни тўғри тақсимланишини таъминлашда ҳамкорликдаги ишларни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

*Ички ишилар органларининг профилактика хизмати фаолиятини тартибга солувчи, айниқса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириши, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, шунингдек ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этишига мойил бўлган шахслар билан якка тартибдаги профилактик ишиларни ташкил этиши каби вазифаларни амалга оширишини белгилаб берди.*



### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунини ўқиб ўрганиш.

### **Назорат учун саволлар:**

1-савол.Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бўйича қандай чора-тадбирларни ташкил этади ва амалга оширади?

2-савол.Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимига қайсилар киради?

### **1-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2014 ЙИЛ 14 МАЙДАГИ «ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИНГ МАЗМУНИ ВА МОХИЯТИ.**

#### **Семинар машғулоти. (2 соат)**

Ушбу ўқув машғулоти “*Кичик гурухларда ишилаш*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гурухларда ишилаш” методининг босқичлари

**«Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг  
мазмuni ва моҳияти**



**Гурухларга топшириқлар:**

1-гурухга топшириқ. Хукуқбузарликлар профилактиkasини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар ҳамда уларниг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари.

2-гурухга топшириқ. Хукуқбузарликлар профилактикасиning асосий принциплари, уларни амалиётда қўллаш.

3-гурухга топшириқ. Хукуқбузарликлар профилактикасиning турлари, уларни амалиётда қўллаш.

4-гурухга топшириқ. Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари.

## **2-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР.**

### **Маъруза машғулоти. (2 соат)**

#### **РЕЖА:**

1-савол. Ички ишлар органларининг тизими ва хуқуқий мақоми.

2-савол. Ички ишлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш.

3-савол. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш.

#### **1- савол: Ички ишлар органларининг тизими ва хуқуқий мақоми.**

**Ички ишлар органларининг тизими:** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар (вилоят) ИИББ, вилоятлар ИИО ФМБ, туманлар ва шаҳарлар ИИБ (бўлимлари), транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти, жазони ижро этиш департаменти, ИИОнинг ўта муҳим ва тоифаланган обьектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишлар бўлинмалари ва хукуқ тартибот масканлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинмалар ва ташкилотлардан иборатdir. Ички ишлар органлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда хукуқлар ва имтиёзлардан фойдаланадиган қоровул қўшинлари хамда ҳалқaro аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар ҳам киради. Ички ишлар органларининг фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқариш Ўзбекистон Республикаси ИИВга юклатилган.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги** - ички ишлар органлари тизими фаолиятига умумий раҳбарлик қиласидан ва мувофиқлаштирадиган республика давлат бошқарув органи ҳисобланади. Вазирлик бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига, қонунда кўзда тутилган айрим масалалар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади.

Вазирлик юридиқ шахс ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўзининг номи ёзилган муҳрга эга бўлади, шунингдек Вазирлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган ўз рамзига эга.

**Ички ишлар органларининг хуқуқий асоси** - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз хукуки доирасида юқорида кўрсатилган хуқуқий хужжатлар асосида ва уларни бажариш учун буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномалар чиқаради ва қоидалар ўрнатади. Унинг ваколатига киритилган масалаларга оид норматив хужжатларининг Ўзбекистон худудида жойлашган ички ишлар органлари томонидан

бажарилиши мажбурийдир. Зарур ҳолларда Ички ишлар вазирлиги бошқа вазирлик ва органлар билан биргалиқда норматив хұжжатлар чиқаради.

**Ички ишлар органларининг  
мансабдор шахсларини тайинлаш ва  
лавозимидан озод этиши.**



Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси Баш вазири нинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимиға тасдиқланади ва лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимиға тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси ИИВ билан келишилганды қолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимиға тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Вилоятлар ИИО ФМБ бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимиға тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Туман ва шаҳар ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси ИИВнинг, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ўринбосари — Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг, вилоятлар ИИО ФМБнинг бошлиқларининг тақдимномалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан лавозимиға тайинланади ва лавозимидан озод этилади.



**ИИОларида тизимида амалга  
оширилаётган ислоҳотлар**

Мустақиллик йилларидан бошлаб ИИВ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ўрганиш учун шартли 4та босқичга бўлсак мақсадга мувофиқ бўлади:

**➤ 1-босқич: 1991-2000 йиллардаги ислоҳотлар бунда:**

Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли «Ўзбекистон Республикаси ИИВлиги Низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 1993 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси ИИОда хизмат ўташ ҳақидағи Муваққат Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 16-сонли қарори.

Ўз. Рес. ИИВнинг 1993 йил 26 январдаги «ИИОда хизматни ўташ тўғрисидаги вақтингчалик муваққат Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 25-сонли буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси В.Мнинг 1999 йил 12 апрелдаги 170-40 сонли «Тошкент шаҳрида жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш тӯғрисидаги Концепцияси» фармойиши қаби норматив хуқуқий хужжатлар қабул қилинган.

➤ **2-босқич 2001-2015 йиллардаги ислоҳотлар бунда:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартағи «Ўзбекистон Республикаси ИИО фаолиятини такомиллаштириш тӯғрисида»ги ПФ 2822-сон;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ИИО фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тӯғрисида»ги ПФ 3264-сон.

➤ **3-босқич 2016-2020 йиллардаги ислоҳотлар бунда:**

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тӯғрисида”ги № ЎРҚ-407-сонли қонуни,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлагини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тӯғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тӯғрисида”ги ПК-2883-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “ИИОда кадрлар билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тӯғрисида”ги ПК-3413-сонли Қарорлари ва х.к.

➤ **4-босқич 2021 йилда бошланган ислоҳотлар бунда:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора тадбирлари тӯғрисида”ги ПФ 6196-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ‘Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора тадбирлари тӯғрисида”ги ПК 5050-сонли Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ‘Ички ишлар органлари учун профессианал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш бўйича чора тадбирлари тӯғрисида”ги ПК-5076-сонли Қарори ва ҳ.к

**Бу ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад қўйидагилардан иборат:**

1. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги механизmlарни жорий этишда Ички ишлар органларининг роли ва маъсулиятини янада ошириш;
2. ИИВ тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш
3. Худудий ИИОни тузилмаси ва раҳбар лавозимларини мақбуллаштириш;
4. ИИО учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш;
5. Куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интелектуал

ва профессианал салоҳиятини янада ошириш ва ҳ.к.

*ИИОларини ислоҳот қилиши борасида талабларнинг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиши қуидагиларга юклатилган:*

1. ИИВазирига, ИИВазирининг соҳавий хизматлар бўйича ўринбосарларига
2. Вазирлик таълим муассасалари, Барча ИИОлари раҳбарларига
3. Махсус ишчи гурӯҳ ва комиссияларга.

## **2- саволи: Ички ишлар вазирлилиги фаолиятини ташкил этиш.**

Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тасдиқланадиган ва лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод этиладиган **Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири** бошчилик қиласи. Ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилиши ва штат сонининг энг юқори чегараси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.



**Вазир:** Ички ишлар органлари тизимиға умумий раҳбарликни таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кўриб чиқиши учун ташкилий-штатлар, молиявий-иктисодий, моддий-техник ва ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан таклифларни ўрнатилган тартибда киритади,

бир йилда икки маротаба Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ахборот беради, Вазирлик ва унинг бўлинмалари тузилмасига уларнинг жами чекланган штатлар сони доирасида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритади, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва қонунда назарда тутилган бошқа фаолият йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар асосида тушадиган маблағлар ҳисобидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Вазирликнинг тегишли бўлинмалари ходимларининг қўшимча штат бирликларини киритади, ўз ваколати доирасида Вазирлик бўлинмаларининг ташкилий тузилмаларини тасдиқлайди улар тўғрисидаги низомларни, шунингдек худудий ИИОлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлайди, давлат органлари, ташкилотлари ва ахоли, шунингдек ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Вазирлик номидан иш кўради;

Вазирликка берилган ваколатлар доирасида буйруқлар, фармойишлар ва бошқа хужжатлар чиқаради, уларнинг бажарилиши назоратини ташкил этади, ўзининг ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлайди, Вазирлик тизимиning бошқа мансабдор шахслари ваколатларини, Вазирликнинг айrim участкалари фаолияти ва ички ишлар органлари ишига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ҳамда бошқа мансабдор шахсларнинг жавобгарлик даражаларини белгилайди, худудий ички ишлар органлари

бошлиқларининг қонунчилик талабларини бузган ҳолда қабул қилған қарорларини (ёзма кўрсатмаларини) бекор қиласди, ички ишлар органлари ходимларига ўрнатилган тартибда маҳсус унвонлар беради, Ўзбекистон Республикаси Президентига ички ишлар органлари генераллари таркибига унвонлар бериш ҳақида тақдимнома киритади, Вазирлик стипендиясини таъсис этади, Вазирликнинг олий таълим муассасалари тингловчилари ва курсантларига бундай стипендия миқдорини ва тўлаш шартларини белгилайди, ички ишлар органлари ходимлари, Вазирликнинг олий таълим муассасалари тингловчилари ва курсантларини рағбатлантириш ҳамда уларга нисбатан интизомий жазолар қўллаш масалаларини ҳал этади, Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва давлат мукофотларига тақдим этади, Вазирлик зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

*Вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод этиладиган саккиз нафар ўринбосар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга.*

Вазир бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини биринчи ўринбосар бажаради. Мажбуриятлар тақсимотига мувофиқ вазир ўринбосарлари Вазирлик фаолиятининг аниқ йўналишларига раҳбарлик қиласди. Вазирнинг топшириғи бўйича унинг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида фармойишлар ва кўрсатмалар чиқаради.

*Вазир меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосарига менглаштирилган маслаҳатчига эга.*

Вазир маслаҳатчиси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

**Вазир маслаҳатчиси:** ички ишлар органлари фахрийларини муносиб ижтимоий ҳимоя қилиш;

ички ишлар органлари тизимида ҳурмат ва обрў-эътиборга эга бўлган ходимларнинг ижобий хизмат тажрибаси, амалий кўнижаси ва малакасини ёш ходимларга етказиш орқали уларда юксак ахлоқий ва касбий маҳоратни шакллантириш, ички ишлар органларининг ёш ходимларида Ватанга ҳамда хизмат вазифаларига нисбатан садоқат ҳиссини шакллантириш учун масъулдир;

*Вазирликда вазир (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек Вазирликнинг асосий фаолият йўналишларини амалга ошируви таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.*

Ҳайъат аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Вазирнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат ушбу Низомда белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни қўриб чиқади. Ҳайъат мажлисларига Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларни қўриб чиқиш учун бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари таклиф этилиши мумкин. Ҳайъат унинг мажлисда таркибининг ярмидан

кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Вазир ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчилик пайдо бўлган тақдирда вазир мустақил равишда қарор қабул қиласди, келиб чиқсан келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот беради. Ҳайъатнинг фаолияти тартиби унинг ҳайъат тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

*Вазирликда ички ишлар органлари фаолиятини таомиллаштириши масалаларини комплекс ҳал этиши учун кенгаилар ва комиссиялар тузилиши мумкин. Кенгаилар ва комиссиялар таркиби, шунингдек уларнинг низомлари Вазир томонидан тасдиқланади.*

**Худудий ички ишлар органлари** - юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Вазир томонидан тасдиқланадиган низомларга асосан амалга оширади.

Худудий ички ишлар органларига Вазир томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошликлар раҳбарлик қиласди, (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан вазир билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири бундан мустасно). Худудий ички ишлар органлари жойлардаги давлат ҳокимияти органларидан мустақил ва бевосита Вазирликка бўйсунади.

### **3-савол: Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196 сонли фармони билан ислоҳотларнинг янги босқичига қадам ташланди ва ушбу фармоннинг қисқача мазмuni қуйидагича:

**Ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида** муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш, “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш, ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

**Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқук-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилади.**

Профилактика инспекторларига масофавий мурожат этиш шунингдек уларнинг ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи “**Smart маҳалла**” ахборот дастури ишлаб чиқилди.

ИИО раҳбарлари томонидан **ҳар ой яқуни бўйича** аҳолига интернет тизимида криминоген вазият юзасидан “**профилактик-огоҳлантирувчи мурожаат**” қилиб бориш амалиёти жорий этилди.

Тошкент шаҳридаги **24 та** раҳбарлик лавозимлари мақбуллаштирилиб, бўшатилаётган штат бирликлари пойтахт ИИОнинг профилактика ва тергов-тезкор тузилмаларига йуналтирилди;

Куйидагилар ташкил этилди:

Жиноят қидирав бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирав ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган **Тезкор-қидирав департаменти**;

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сакқаш бош бошқармаси, Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл харакати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган **Жамоат хавфсизлиги департаменти**;

Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси, Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқаштириш бошқармасини ўз ичига оладиган **Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти**;

Кадрлар бош бошқармаси, Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси, касбий тайёргарлик бошқармасини ўз ичига оладиган **Маънавий- маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти**.

Жазони ижро этиш бош бошқармаси ИИВ хузуридаги **Жазони ижро этиш департаменти** этиб қайта ташкил этилди.

#### **Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:**

- Жазони ижро этиш департаменти бевосита ички ишлар вазирига буйсунади ва вазирнинг зиммасига ички ишлар органларининг жиной жазоларни ижро этиш тизимини ривожлантириш ва унда қатъий интизомни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юкланди;

- ички ишлар органларининг барча тергов ҳибсоналари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал буйсунувидан чиқарилиб, Жазони ижро этиш департаменти буйсунувига ўтказилади;

- тергов ҳибсоналари ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Жазони ижро этиш департаменти тизимида ташкил этиладиган **6** та мінтақавий мувофиқлаштириш марказлари томонидан амалга оширилади.

Ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмаси ва раҳбар лавозимларини мақбуллаштириш орқали мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида:

#### **Куйидаги лавозимлар тугатилсин:**

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг жамоат тартибини сақлаш буйича ўринбосари;

Қоракалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг ўринбосари - ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси (булими) бошлиғи;

вилоят ички ишлар бошқармаси (бош бошқармаси) бошлиқларининг пробация ва жазони ижро этиш масалалари буйича ўринбосари;

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг ўринбосари - Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи лавозими жорий этилсин ва қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

- патруль-пост ва йул-патруль хизмати булинмалари фаолиятини, шунингдек, маҳаллалар ва жамоат жойларида манзилли профилактик тадбирлар ўтказилишини мувофиқлаштириш;

- муқаддам судланган ва пробация ҳисобига олинган шахслар билан ишлаш хамда ички ишлар органларининг **тунги хизматини ташкил этиши**.

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта ги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196 сонли фармонини ўқиб ўрганиш.

### **Назорат учун саволлар:**

1-савол Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида нималар босқичма-босқич ташкил этилади?

2-савол Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Жазони ижро этиш департаменти тизимида ташкил этиладиган неча миңтақавий мувофиқлаштириш марказлари томонидан амалга оширилади?

## **2-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР.**

### **Семинар машғулоти. (2 соат)**

Ушбу амалий машғулоти «*Блиц-сўров*» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўtkазилади.


«Блиц-сўров» (инглизча «бліц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг муракқаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

### **Машғулотларда ушбу методни қўллаш қўйидагича кечади:**

Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий  
қисмлар мөхиятини очиб беришни талаф этадиган  
саволларни ишлаб чиқиб, тингловчилар  
эътиборига хавола қиласди

Тингловчилар берилган  
саволга қисқа муддатда лўнда, аниқ жавоб беради

Гурух (жуфтлик)да ишлашда бир нафар тингловчи берилган саволга  
жавоб қайтаради, унинг гурухдошлари жавобни тўлдиради (бироқ фикрлар  
такрорланмаслиги лозим)



1-савол. Ички ишлар органларининг тизимини айтиб беринг?

2-савол. Ички ишлар органларининг қандай хуқуқий асослари мавжуд?

3-савол. Ички ишлар органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби.

4-савол. Ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад нималардан иборат?

5-савол. Ҳудудий ички ишлар органлари деганда нимани тушунасиз?

6-савол. Жазони ижро этиш бош бошқармаси ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти этиб қайта ташкил этилиб қандай ўзгартиришлар киритилди?

7-савол. ПФ-6196 сонли фармони билан қандай лавозимлар тутатилди?

8-савол. Жамоат хавфсизлиги департаменти таркибига қандай хизматлар киради?

### **Мустақил тайёргарлик учун саволлар:**

1-савол. Тезкор-қидирав департаменти таркиби.

2-савол. Транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти таркиби.

3-савол. Маънавий- маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти таркиби.

4-савол. ИИОларини ислоҳот қилиш борасида талабларнинг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш кимларга юклатилган.

## **З-МАВЗУ: ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ.**

### **Маъруза машғулоти. (2 соат)**

#### **РЕЖА:**

1-савол. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси фаолияти.

2-савол. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” амалга ошириладиган чора тадбирлар.

#### **1-савол: Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси фаолияти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори билан;

❖ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси;

❖ Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси; (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 02.12.2022 йилдаги ПФ-258-сон Фармонига асосан чиқарилган)

- ❖ Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси; (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПФ-5894-сонли Фармонига асосан чиқарилган*)
- ❖ Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси; (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувидаги коррупциявий омилларни кескин камайтириши ва бунда жамоатчилик шитирокини кенгайтириши чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан чиқарилган. Коррупцияга қарши курашиши агентлиги ташкил этилди*) ташкил этилди.

### **Хозирги кунда ушбу идоралараро комиссияларнинг биттаси ўз**

*Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиши бўйича республика идоралараро комиссияси;*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги” низом тасдиқланди.**

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Комиссия раиси ҳисобланади.

Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

Комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорлар барча вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

Комиссия ўз фаолиятини давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, туманлар (шаҳарлар)да хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича худудий комиссиялар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

### **Комиссиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:**

- қонунийлик ва хукуқ-тартиботни, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини, юридик шахслар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини хукуқбузарликлардан ҳимоя қилишни таъминлаш;

- хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини

ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

- ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолиятини уларнинг фаолияти самарадорлигини, яқиндан ҳамкорлиги ва иш үйғунынг таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш;
- хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;
- жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш амалиётини ўрганиш;
- жиноятлар фош этилишини ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яширган шахсларнинг қидиувини таъминлаш мақсадида тезкор-қидиув ва профилактика тадбирларининг самарадорлигини ошириш;
- тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни хуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;
- ваколатли органлар ва муассасаларнинг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек хуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги маълумотларни тўплаш, саклаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;
- худудий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

### **Комиссия қўйидаги хуқуқларга эга:**

vakolatli organlar va muassasalarning faoliyati samadarligini oshiriшга қaratilgan қarorlar қabul қiliш;

Комиссия vakolatiga kirodigan masalalarni bўyicha vakolatli organlar va muassasalar rahbarlari ning xisobotlari ni eshitish;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалalariда қонун ҳужжатlari va Komissiya қarorlari bажарilmaganligi учун тегишли давлат ҳокimiyati va boшқaruvli organlari, boшqa tashkilotlarda уларнинг mansabdor shahslarini javobgarlikka tortishi haқida takliflar kiritiш;

Комиссия vakolatiga kirodigan masalalarni bўyicha давлат ҳokimiyati va boшқaruvli organlari, жамоат birlashmalari va boшqa tashkilotlardan belgilangan tarbiда maъlumotlarni sўraш va oliш;

Комиссия aъzosi xisoblannaydigani давлат ҳokimiyati va boшқaruvli organlari, жамоат birlashmalari va boшqa tashkilotlarning mansabdor shahslarini Komissiya yifiiliшlariiga taklif этиш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш iшlari aхволini ўрганиш учун iшchi комиссиялар va (ёки) эксперт guruhlari

ташкил этиш, шунингдек ушбу комиссия ва гурухлар ишига мутахассисларни жалб қилиш;

жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ва хуқуқий маданиятни юксалтириш, шунингдек хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фаол иштирок этган шахсларни рағбатлантириш ташаббуси билан чиқиши.

Комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **Комиссия қўйидагиларга мажбур:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш бўйича қарорларини ижро этиш;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назорат ва мониторингни амалга ошириш.

Комиссия зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **Комиссиянинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.**

Худудий комиссиялар раис (ички ишлар органи раҳбари), раис ўринbosари ва аъзолардан иборат таркибда тузилади. Худудий комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек меҳнат, таълимни давлат томонидан бошқариш, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари киритилади.

Комиссия ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва мажлисларини заруратга қараб, аммо чоракда камида бир марта ўтказади.

### **Комиссия раис томонидан бошқарилиб, у:**

Комиссия фаолиятига раҳбарлик қиласи;

Комиссия йиғилишларини чақиради ва уларга раислик қиласи;

Комиссия йиғилишлари кун тартибини тасдиқлади;

Комиссия иш режаларини тасдиқлади.

### **Комиссия ишчи органи функциясини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бажаради.**

Ваколатли органлар ва муассасалар ўз ваколатлари доирасида Комиссияга ҳар чорақда:

жиноятчилик ва хуқуқбузарликлар аҳволи тўғрисидаги ҳисоботларни;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги ҳисоботларни;

жиноятлар ва хуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шартшароитларини бартараф этиш бўйича таклифларни тақдим этишади.

Комиссия қарорлари Комиссия аъзоларининг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия қарорлари йиғилишда иштирок этган Комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган ва Комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади. Баённомани имзолашда Комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини ёзма равишда билдириш ҳукуқига эгадир.

Комиссия қарорлари тегишли ваколатли органлар ва муассасаларга, шунингдек манфаатдор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, бошка ташкилотларга юборилади. Уларнинг раҳбарлари Комиссия қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши учун жавобгардир.

Комиссия қарорларини сифатли бажариш мақсадида ваколатли органлар ва муассасалар раҳбарлари томонидан уларнинг ижро этилиши юзасидан мониторинг ва назорат ташкил этилади.

Комиссия иш режалари унинг аъзоларидан келиб тушган таклифлар асосида ҳар ярим йилга тузилади, Комиссия йиғилишида кўриб чиқилади ва Комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сонли қарорининг 2-иловасига мувофиқ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши қурашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби қўйидагича**

-	Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Комиссия раиси
-	Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари, Комиссия раисининг ўринбосари
-	Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
-	Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари
-	Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари
-	Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари
-	Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари
-	Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
-	Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари
-	Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари
-	Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари
-	Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари
-	Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси
-	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши қурашиш департаменти бошлиги
-	Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазири
-	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғи, ишчи орган масъул тузилмасининг раҳбари.

## **2-савол: “Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни” амалга ошириладиган чора тадбирлар**



Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2017 йил 14 мартдаги  
ПҚ-2833-сонли қарори билан ҳафтанинг  
**ҳар пайшанба куни**  
**«Хуқуқбузарликлар профилактикаси**  
**куни»** этиб белгиланди ва ушбу кунда  
куйидаги тадбирларни амалга оширишга  
aloҳида эътибор қаратилди:

хуқуқбузарликларга муросасизлик маданиятини шакллантириш, хуқукий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик хулқ-авторини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички ишлар органлари таянч пунктлари, хукуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида **«очик эшиклар куни»**ни ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

қонунийлик аҳволини ва хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини атрофлича муҳокама қилиш учун жойларда, биринчи навбатда криминоген вазият номақбул бўлган ҳудудларда фуқароларнинг сайёр қабулларини ҳамда давлат идоралари ва ташкилотлари вакилларининг аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш;

ижтимоий аҳамияти муҳим бўлган суд муҳокамалари бўйича сайёр суд мажлисларини ўтказиш;

аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, хуқуқбузарлик содир этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида уйма-уй юришларни ташкил этиш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшлиши;


маҳсус телекўрсатув ва радиоэшиттишларда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари, жамоатчилик иштирокида жойларда жиноятчилик аҳволи, хуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитлари, жиноятларни фош этиш ва айборот шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг натижаларини муҳокама қилиш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида мақолалар, шарҳлар ва бошқа материаллар чоп этилишини ташкил этиш.



## Хуқуқбузарликлар профилактикаси қуни доирасида тадбирларни ташкил этиши.

### СХЕМАСИ



### Мустақил тайёргарлик учун топширик:

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа үқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чукурроқ үзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотта мүлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятычиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарорини ўрганиш ва тегишли бандларини конспектлаштириш.

### Назорат учун саволлар:


1-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сонли қарорининг 2-иловасига мувофиқ Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятычиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркибиға қайси орган ва муассасалар киради ?

2-савол. Комиссия нималарга мажбур?

### **3-МАВЗУ: ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ.**

#### **Семинар машғулоти (2 соат)**

Ушбу ўқув машғулоти “*Кластер*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.



### **Мустақил тайёргарлик учун саволлар:**

1-савол.Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари.

2-савол.Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг хуқуқлари.

3-савол.Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби.

### **3-Мавзу: ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ.**

#### **Амалий машғулоти (2 соат)**

##### **РЕЖА:**

**Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни” амалга ошириладиган чора тадбирлар.**

Тингловчилар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни доирасида тадбирларни ташкил этиш схемасини тузади. Схемани тузиш давомида тадбирларни ўтказиш жойлари, тадбир турлари, амалга ошириладиган ишлар ва қатнашчилар кўрсатилади. Тингловчилар ўзларининг хизмат олиб борадиган худудларининг криминаген вазиятидан келиб чиқиб схемани тузадилар.

### **4-МАВЗУ: ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГ ЛАВОЗИМИ ЖОРӢЙ ЭТИЛИШИННИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.**

#### **Маъруза машғулоти (2 соат)**

##### **РЕЖА:**

1-савол. Инспектор-психолог лавозими жорӣ этилиши.

2-савол. Инспектор-психологларнинг асосий вазифалари.

#### **1-Савол: Инспектор-психолог лавозими жорӣ этилиши.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелда “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори тасдиқланди.

##### **Мазкур қарорнинг олтинчи хатбошисида:**

6. Ички ишлар вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг «Хавфсиз таълим муассасаси» тамойили асосида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича манзилли чораларни назарда тутувчи қуидаги таклифлари маъқуллансин:

туман, шаҳар ички ишлар органлари таркибида 2 000 та штат бирликларидан иборат вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-

психолог лавозимларини жорий этиш ҳамда уларнинг бевосита хизмат ўташ жойи этиб умумий ўрта таълим муассасаларини белгилаш;

инспектор-психологлар зиммасига ҳар бир ўқувчи кесимида умумий ўрта таълим муассасаларида психологик мухитни яхшилаш, вояга етмаганлар орасида қонунбузилишларга муросасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш вазифаларини юклаш.

Белгилаб қўйилсинки, 2021 йилда умумий ўрта таълим муассасаларининг 2 000 та психолог штат бирлигини жорий йилнинг 1 июлидан қисқартириш эвазига 1 100 та инспектор-психолог штат бирлиги киритилади ва 2022 йилда қўшимча 900 та штат бирлигини киритиш орқали уларнинг сони

2 000 тагача етказилади.

Молия вазирлиги 2021 йил 1 декабрга қадар құшымча киритилаётган 900 та инспектор-психолог штат бирлигини молиялаштириш манбаларини аниклайды.

Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги (А.И. Икрамов) 2021 йил 1 сентябрга қадар инспектор-психологлар учун умумий ўрта таълим муассасаларида маҳсус жиҳозланган хизмат хоналарини ташкил этиш чораларини кўради, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасига уларнинг фаолиятини тартибга солувчи низомни ва самарадорлик индикаторларини тасдиқлаш учун киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтиоий-хуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сон Қарори тасдиқланди.



**Мазкур қарор билан:**  
**2021 йил 1 сентябрдан**  
**эътиборан қаровсиз болалар билан**  
**ишилаш тизимида шундай тартиб**  
**жорий этилсинки, унга мувофиқ:**

а) вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлигини аниқлаш бўйича:

вояга етмаганлар масалалари бўйича **инспектор-психологлар** томонидан - таълим муассасаларида, профилактика инспекторлари томонидан - хизмат ҳудудида, маҳалла фуқаролар йигинлари раислари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан — оиласарда ўрганиш (кузатиш) ва профилактика тадбирларини амалга ошириш жараёнида қаровсиз болалар аникланади;

Марказ томонидан ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширилган боланинг ўқиши, хулқ-атвори ва оиласидаги мухит бир йил давомида вояга етмаганлар масалалари бўйича **инспектор-психологлар** томонидан маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш органлари билан биргаликда мониторинг қилиб борилади;

мониторинг давомида боланинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда қолаётганлиги қузатилса, уни белгиланган тартибда Марказга қайтариш чоралари кўрилади;

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 31 август куни «**Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида»**ги **318-сон** буйруғи тасдиқланди.

**Мазкур буйруқнинг:**

З-боби. Инспектор-психологлар фаолиятини ташкил этиш масалалари белгилаб берилди.

**2-Савол: Инспектор-психологларнинг асосий вазифалари.**

**Қуйидагилар инспектор-психологларнинг асосий вазифалари ҳибланди:**

вояга етмаганлар орасида хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш;

*мактабгача таълим, умумий ўрта ва профессионал таълим муассасаларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаши борасида тадбирларни ташкил этиши;*

таълим муассасалари психологлари билан ҳамкорликда вояга етмаганларда қонунбузилишларга муросасиз бўлиш ҳиссини шакллантириш;

муаммоли ўқувчилик билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштироқида манзилли ишлаш;

ахборот-психологик хуружларнинг хавфи, Интернет жаҳон ахборот тармоғининг салбий таъсири, ўқувчилар тарбиясига хавф солаётган “оммавий маданият”нинг кириб келиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

ўқувчилардаги барча салбий ҳолатлар ва мойилликларнинг олдини олиш бўйича таълим муассасалари психологлари билан ҳамкорликда педагог ходимлар ва ота-оналар учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

*инспектор-психолог фаолият олиб бораётган маҳаллалардаги ҳулқида ва юриши-туришида ўзгариши қузатилган ўқувчиларнинг оиласидагилар билан индивидуал сұхбатлар олиб бориш ҳамда уларга психологик тавсиялар бериш, уларга хар ойда камида бир марта психологик маслаҳат бериш ишларини ташкил этиши;*

турли давлатлардан инсонпарварлик аксияси доирасида Ўзбекистон Республикасига қайтарилиган болалар ҳамда ўқувчилар билан тизимли ишлаш ва уларга психологик ёрдамлар кўрсатиш;

ўқувчиларнинг тенгдошлари ва катталар билан ўзаро муносабатларида психологик шикаст етказувчи омилларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш;



ўқувчилар ўртасидаги хукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб бориладиган профилактика ишларида иштирок этиш;

умумий ўрта таълим мактабида ички назоратида ўқувчилар билан тизимли ишлаш ҳамда ушбу ўқувчиларни ички назоратдан чиқариш;

таълим муассасалари психолглари билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида сицид ҳолатларига мойилликни барвақт аниқлаш, ушбу ҳолатнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ҳамда сицид ҳолатларига мойил ўқувчилар билан коррекцион машғулотларни олиб бориш;

ўқувчилар хулқ-атворидаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш, руҳий зарба, низо, салбий эмоционал кечинмалар ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш;

мутасадди идора ва ташкилотлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ва бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини жалб этган ҳолда, ота-оналар билан учрашувлар, сұхбатлар, семинар-тренинглар, мунозаралар ва очик мuloқotлар ташкил этиш, тақдимотлар ва видеофильмлар намойишларини ўтказиш;

таълим муассасалари психологлари билан ҳамкорликда тарбиясида салбий ҳолатлар мавжуд бўлган ўқувчилар билан коррекцион ишларни амалга ошириш;

вояга етмаганлар томонидан ҳукуқбузарлик, ғайриижтимоий хатти-харакат содир этилишининг олдини олиш, бунга сабаб бўлган сабаблар ва шароитларни аниқлаш;

вояга етмаганларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилишни бевосита таълим муассасаси ходимлари томонидан амалга оширилишини ташкил этиш;

дарсларга сабабсиз мунтазам равища қатнашмаётган вояга етмаганларни, аниқлаш, дарсларга қатнашмаслик сабабалини ўрганиш, вояга етмаганнинг таълим олишга тўсқинлик қилаётган омилларни мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бартараф этиш чораларини кўриш;

вояга етмаганнинг психологик-педагогик хусусиятларини, унинг микро мухитини ўрганиш (оиласида ташриф буориши, ўсмир ва ота-оналар билан индивидуал сұхбатлар), ўқувчилар кизиқиши ва эҳтиёжларни, қийинчиликлар ва муаммоларни, зиддиятли вазиятларни аниқлаш (анкеталар, ўқувчи, синф раҳбари ва бошқа ходимлар билан индивидуал сұхбатлар);

ўқувчиларнинг ижтимоий портиретини тузиш (ўқувчилар билан тренинглар, индивидуал сұхбатлар, тузатиш машғулотларини ўтказиш);

ўқувчилар оиласининг индивидуал психологик-педагогик ҳаритасини тузиш (оиладаги шахслараро муносабатлар, ота-оналар ва бола ўртасидаги мuloқotни коррекциялаш, индивидуал консультациялар, тест сўровномалар ўтказиш);

ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан ўзаро алоқаларни амалга ошириш, зарурый ҳолларда вояга етмаган билан ишлаш учун тегишли хизматларни жалб қилиш;

таълим муассасаларини ўқувчиларнинг психологик-педагогик коррекция натижалари тўғрисида хабардор қилиш;

ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича таълим муассасалари йиғилишларида қатнашиш, рўйхатдан чиқариш бўйича таклифлар киритиши.

Инспектор-психологлар имкон қадар уларга бириктирилган камида 5 та таълим муассасаларида фаолият олиб бориши учун қулай шароит яратилган хизмат хонаси билан таъминланади.

Инспектор-психолог хизмат кўрсатадиган таълим муассасалари ТШ ИИО бошлиғи томонидан мазкур шаҳар ёки туман халқ таълими бўйимлари бошлиқлари билан келишган ҳолда белгиланиб, ТШ ИИО бошлиқлари буйруғи билан тасдиқланади.

Инспектор-психолог хизмат хонасида фуқаролар учун ариза, шикоят ва таклифлар ёзиш намуналари, инспектор-психологларининг фаолиятини тартиба солувчи қонун хужжатлари нормаларидан кўчирмалар, давлат рамзларига, ҳукуқбузарликлар профилактикасига оид плакатлар ва эслатмалар, замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланади.

### **Инспектор-психологлар хизмат фаолиятини амалга ошириш вақтида қўйидагилар бўлиши шарт:**

- хизмат гувоҳномаси;
- шахсий рақамли маҳсус жетон;
- алоқа воситаси (телефон, планшет, рация);
- хуштак ва фонарь;
- хизмат сумкаси;
- фаолият натижаларини расмийлаштириш учун зарурый хужжат бланкалари;
- тикилган, рақамланган ва ички ишлар органининг канцеляриясидан рўйхатдан ўтказилган иш дафтари.

Инспектор-психологлар хизмат зарурати бўлган ҳолатларда бошқа маҳсус ва техник воситаларни амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда олиб юриши ва улардан фойдаланиши мумкин.

Инспектор-психологлар хизмат фаолиятини ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган маҳсус хизмат кийимида олиб боради.

Инспектор-психологлар хизмат фаолияти ички ишлар органи ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари бошлиқлари томонидан халқ таълими бўйими бошлиғи билан келишилган ҳолда белгилаб берилади.

Инспектор-психологлар фаолиятини белгилашда унинг хизмат ва дам олиш кунлари, меҳнат таътилига чиқиш вақти, шунингдек маъмурий худудда хизмат олиб бориш вақти ва йўриқнома ўтказиладиган жой, ички ишлар органи тезкор навбатчисига алоқага чиқиш вақтлари белгилаб берилади. маърифат, жисмоний, хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотларига қатнашиш вақти ва тартиби ички ишлар органлари бошлиқлари томонидан тасдиқлаб берилади.

Инспектор-психологлар маърифат, жисмоний, хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотлари бўйича ИИВнинг амалдаги идоравий норматив-хукуқий хужжатлари талабларига мувофиқ синовлар топширади.

Инспектор-психологлар жисмоний тайёргарлик машғулотларини ўзи мустақил равишда, ёшларни ўзи спортга жалб қилган ҳолда таълим муассасалари спорт иншоатларида ёки майдонида бажаради.

Инспектор-психолог ўзига бириктирилган таълим муассасасини профилактик кўздан кечиришни ҳар куни амалга оширади.

Инспектор-психологлар вояга етмаганлар томонидан хуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар, интернет кафелар, тунги қўнгил очиш (дам олиш) жойларини ҳамда хуқуқбузарлик содир этишга мойил вояга етмаганлар яшайдиган тураг-жойларни доимий равишда назорат қилиб боради.

Инспектор-психологлар фуқаролар тураг-жойларига (хонадон, уй, хона) ва обьектларга ташрифи вақтида лавозимини, унвонини, фамилиясини айтган ҳолда ўзини таништиради. Фуқаронинг талаби бўйича хизмат гувоҳномасини очик ҳолда (гувоҳномани ходимдан беришни талаб этиш тақиқланади) қўрсатади, ташрифининг мақсадини маълум қиласди.

Инспектор-психологлар хизмат қилаётган таълим муассасаларидағи шунингдек, улар жойлашаган маҳаллалардаги барча маълумотларга эга бўлиш мақсадида фуқаролар йиғини раиси, фаоллари имкониятидан унумли фойдаланган ҳолда аҳолининг турмуш тарзини ўрганади, тезкор қизиқиши уйғотувчи маълумотлар олинган тақдирда уларни зудлик билан билдириги орқали тегишлилиги бўйича ички ишлар органи бошлиғига тақдим этиб боради.

Таълим муассасаларидағи жамоат тартибиға ва хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг кучайиши ёки мураккаблашиши ҳолатларида инспектор-психологлар зудлик билан ички ишлар органи навбатчилик қисмiga ҳамда ички ишлар органи бошлиғига ахборот беради ҳамда қўшимча кучларга бўлган эҳтиёжни маълум қиласди.



**Инспектор-психологларнинг  
иш юритиш ва ҳужжатлар  
 билан ишлаш фаолияти.**

Инспектор-психологлар иш юритиш фаолияти – жисмоний ва юридик шахсларнинг хизмат фаолиятига оид мурожаатларини кўриб чиқиши, вояга етмаганлар томонидан содир этилган маъмурий хуқуқбузарликлар, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва уларнинг оилалари билан олиб бориладиган якка тартибдаги профилактика ишлари, шунингдек хизмат хоналарида китобларни ҳамда ҳужжатларни юритиш, вояга етмаганларни Марказга ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига қабул қилиниши борасидаги ишларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талаблари асосида юритилиши ва бошқа тадбирларни ташкил этишдан иборат.

Инспектор-психологларнинг ҳужжатлар билан ишлаш фаолияти – иш юритиш билан боғлиқ процессуал ҳамда расмий ҳужжатларни қабул қилиш, сақлаш, уларни мазмун ва шакли бўйича мазкур Низомда белгиланган талаблар асосида расмийлаштиришдан иборат.

**Инспектор-психологлар хизмат хоналарида куйидаги китобларни юритади:**

- ❖ профилактика сухбатини қайд этиш китоби;
- ❖ назоратсиз юрганлиги учун олиб келинган таълим олувчиларни қайд этиш китоби;

- ❖ таълим муассасасида ўтказилган профилактик тадбирларни қайд этиш китоби;
- ❖ Конун хужжатларига мувофиқ бошқа китоблар ҳам юритилиши мумкин.

### **Инспектор-психологларнинг фаолият самарадорлигини белгиловчи индикаторлар қўйидагилардан иборат:**

таълим муассасаси ички назоратида ва вояга етмаганлар комиссияси ҳисобида бўлган ўқувчилар сонининг камайиши;

вояга етмаганлар ўртасида турли ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар, улардаги аддиктив ва асоциал хулқ-атвор, суицидал хулқ-атвор, жиноятчилик даражасининг пасайиши;

синфдан ташқари, жамоат ишларига жалб қилинган ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганлар сонининг камайиши;

ёзда соғломлаштириш, дам олиш ва иш билан тъминлашнинг уюшган турлари билан қамраб олинган ўқувчилари сонининг кўпайиши.

### **Якуний қоидалар**

Туман, шаҳар ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлари давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотларга вояга етмаганлар томонидан хуқуқбузарлик содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт–шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритади.

Вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлинмалар ходимлари ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга жалб этилиши қатъяян тақиқланади.

Вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлинмалар штат бирликларини қисқартириш ёки ўзгартириш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири руҳсати олингандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараённида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 31 август «Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 318-сон буйруғини ўқиб ўрганиш.

### **Назорат учун саволлар:**

1-савол. Инспектор-психологлар хизмат хоналарида қандай китобларни юритади?

2-савол. Инспектор-психологлар хизмат фаолиятини амалга ошириш вақтида нималар бўлиши шарт?

## **4-МАВЗУ: ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГ ЛАВОЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИННИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.**

### **Семинар машғулоти. (2 соат)**

Ушбу семинар ўқув машғулоти “Сұхбат” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сұхбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан құшимча саволлар бериш, ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг фикрлашға ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида рухий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

#### **Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:**

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни метод моҳияти билан таништиради

Ўқитувчи мавзу юзасидан ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўзлаштиришлари лозим бўлган масалалаға оил саволларни ишлаб чиқали

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар саволлар билан таништирилади

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар саволлар юзасидан мулоҳаза юритиб, масала моҳиятини ёритишга киришади (агар ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг жавоблари қониқарли деб топилса, навбатдаги савол берилади; борди-ю, жавоб қониқарли деб топилмаса, у ҳолда ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)  мана шу масалани ойдинлаштиришга ёрдам берадиган  савол беради)

Ўрганилаётган масаланинг моҳияти тўла ёритилгач, сұхбат жараёнига якун ясалади

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг фаолиятини баҳолаб, машғулотга якун ясади

#### **Ўқув машғулоти саволлари:**

1-савол. Инспектор-психолог лавозими жорий этилишининг ҳуқуқий асосларини ёритинг.

2-савол. Вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлигини аниқлаш.

3-савол. Инспектор-психологлар томонидан маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш органлари билан биргалиқда мониторинг қилиб борилади.

4-савол. Инспектор-психолог лавозими жорий этилиши.

## **Мустақил тайёргарлик учун саволлар:**

1-савол.Инспектор-психологларнинг асосий вазифалари?

2-савол.Инспектор-психологлар хизмат фаолиятини амалга ошириш вақтида нималар бўлиши шарт?

3-савол.Инспектор-психологларнинг иш юритиш ва хужжатлар билан ишлаш фаолияти.

### **5-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ 2010 ЙИЛ**

**29 СЕНТЯБРДАГИ “ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ.**

#### **Маъруза машғулоти (2 соат)**

##### **РЕЖА:**

1-савол. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий тушунчалари, вазифалари ҳамда принциплари.

2-савол. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ва уларнинг ваколатлари.

**1-Савол; Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий тушунчалари, асосий вазифалари ҳамда принциплари.**

Ушбу Қонуннинг мақсади - вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун хужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### **Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;**



**вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси** — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, хукукий, тиббий ва бошқа чоратадбирлар тизими;



**ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган вояга етмаган** — вояга етмаганинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф түғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд хукуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

**ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган оила** — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

**назоратсиз** — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмагани таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-автори назоратсиз қолган вояга етмаган;

**якка тартибдаги профилактика иши** — ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;

**қаровсиз** — аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган;



**ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар** — вояга етмаганинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишлилик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-

ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

### **Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари.**

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шартшароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

вояга етмаганларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-авторини шакллантириш;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш;

вояга етмаганларни хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш.

### **Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари**

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари қуидагилардан иборат:

- ✓ қонунийлик;
- ✓ инсонпарварлик;
- ✓ тизимлилик;
- ✓ оиласи қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- ✓ ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига якка тартибда ёндашиш.

### **Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятни ахборот билан таъминлаш.**

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар:

прокуратура органларини — вояга етмаганларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида;

вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларро комиссияларни — вояга етмаганларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида, шунингдек вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида;

васийлик ва ҳомийлик органларини — етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёхуд ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ёхуд таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган болалар тўғрисида;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини — ижтимоий жихатдан хавфли аҳволда бўлган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтоҷ бўлган вояга етмаганлар ва оиласалар аниқланганлиги тўғрисида;

ички ишлар органларини — ижтимоий жихатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласалар, хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган вояга етмаганлар тўғрисида, шунингдек вояга етмаганларни хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд уларга нисбатан бошқа ғайрихуқуқий қилмишлар содир этаётган ота-оналар ва ўзга шахслар ҳақида;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини — мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши оқибатида тиббий текширувга, кузатувга ёки даволанишга муҳтоҷ бўлган вояга етмаганлар тўғрисида;

таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларини — ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини ёки бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этган ёхуд таълим муассасаларидағи машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтоҷ бўлган вояга етмаганлар тўғрисида зудлик билан хабардор қилади.

**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасида ота- она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироқи.**

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва хукуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиши вақтида ресторонлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик, бундан мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши мустасно;

вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик;

вояга етмаганларнинг хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг ресторонлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

**2-Савол: Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ва уларнинг ваколатлари.**

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимиға қўйидагилар киради:

- ❖ вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссиялар;
- ❖ ички ишлар органлари;
- ❖ таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- ❖ васийлик ва ҳомийлик органлари;
- ❖ соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- ❖ меҳнат органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ҳамда муассасалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

### **Ички ишлар органлари.**

Ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи маҳсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан (бундан буён матнда ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази деб юритилади) иборатdir. Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

### **Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари.**

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради;

қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир чоратадбирларни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда уларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органларга ёки муассасаларга юборади;

вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайрихуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чикади;

хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органлар ва муассасаларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлайди;

вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлари фактлари, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларни хабардор қиласди;

хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ички ишлар органларига олиб боради, бу ҳақда зудлик билан баённома тузади ҳамда вояга етмаганлар келтирилганлиги ҳақида уларнинг ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни хабардор қиласди;

вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиши (иш) жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўғараклар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тегишли давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этади;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатларнинг, вояга етмаганларни таъминлаш,

тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқатворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳисобини юритади, шунингдек статистика ҳисботини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йиғади ва умумлаштиради;

етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда васийлик ва ҳомийлик органларига кўмаклашади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳукуқий ёрдам кўрсатиш марказлари.**

Ижтимоий-ҳукуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ўз ваколатлари доирасида:

уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг шахсини аниқлаш, ҳаёти, соғлигини муҳофаза қилиш ёки улар томонидан такроран ҳукуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни кечакундуз қабул қилишни ҳамда вақтинча сақлашни таъминлади;

олиб келинган вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, ҳукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бу ҳақда тегишли давлат органларини ва бошқа ташкилотларни хабардор қилади;

вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига олиб боради, шунингдек ушбу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширади.

Ижтимоий-ҳукуқий ёрдам кўрсатиш марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ижтимоий-ҳукуқий ёрдам кўрсатиш марказларига куйидаги вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин:

назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарқ этганлар;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўн олти ёшгача бўлганлар;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб этишга қодир бўлмаганлар, агар вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш ёки улар томонидан такроран ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш зарур бўлса, шунингдек уларнинг шахси аниқланмаган ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшамаётган бўлса;

маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган хукуқбузарликларни содир этганлар, агар уларнинг шахси аниқланмаган бўлса ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари хукуқбузарликлар содир этган Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшамаётган бўлса;

ўзининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши тўғрисидаги масаланинг суд томонидан кўриб чиқилишини вақтинча кутиб турганлар;

суднинг ажримига кўра ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига юборилаётганлар.

Вояга етмаганни ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш учун суднинг ажрими асос бўлади.

Вяга етмаган ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказига ички ишлар органи ёки ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлигининг ёхуд унинг ўринбосарининг қарори асосида жойлаштирилиши мумкин. Бу ҳолда вояга етмаганни ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириш заруратини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган марказга жойлаштирилганидан кейин 48 соатдан кечиктирмасдан судга юборилади.

Ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганнинг ушбу марказга жойлаштирилганлиги тўғрисида мазкур марказ жойлашган ердаги прокурорни ва вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияни зудлик билан, лекин 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қиласди.

Вояга етмаганлар ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказида уларни жойлаштириш учун зарур бўлган энг кам вақт давомида, лекин кўпи билан ўттиз кун бўлиши мумкин. Алоҳида ҳолларда бу муддат суднинг ажрими асосида ўн беш қунгача узайтирилиши мумкин.

Ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказида вояга етмаганнинг бўлиши муддатига қуйидагилар кирмайди:

ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказида соғлиқни сақлашни бошқариш органи томонидан эълон қилинган карантин даври;

вояга етмаганнинг соғлиқни сақлаш муассасасининг хужжати билан тасдиқланган ва уни оиласа қайтаришга ёки тегишли муассасага юборишга тўсқинлик қилаётган касаллиги даври;

суднинг илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ажрими устидан берилган шикоятнинг (протестнинг) кўриб чиқилиш вақти.

Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади.



**Таълимни бошқариш органлари ва  
таълим муассасалари.**

Таълимни бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-авторини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг, шунингдек вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди ҳамда уларнинг ҳисобини юритади, уларнинг умумий ўрта ва ўрта маҳсус, таълим олишига доир чора-тадбирларни кўради;

вояга етмаганларга ўз ҳаёт йўлини ва касб-ҳунар танлашида уларнинг қобилияти, қизиқиши, мойиллиги ҳамда соғлигининг ҳолатига мувофиқ психологик ёрдам кўрсатади;

ривожланишида ёки хулқ-авторида нуқсони бўлган вояга етмаганларни аниқлайдиган, уларни комплекс текширувдан ўтказадиган ҳамда уларнинг келгусидаги таъминоти, тарбияси ва таълими шаклларини белгилаш бўйича тавсиялар тайёрлайдиган психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тузади;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;

таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил этилишини ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишга жалб этишни таъминлади, вояга етмаганларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишда қатнашади.

Умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда бошқа таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

ривожланишида ёки хулқ-авторида нуқсони ёхуд ўқишида муаммолари бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-психологик ҳамда педагогик ёрдам кўрсатади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди, уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга доир чора-тадбирларни кўради;

таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил қиласди ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишга жалб этади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни аниқлайди ҳамда ушбу оилаларга ўз болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-авторини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни амалга оширишга доир чора-тадбирларни кўради.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларнинг ота-онаси вафот этган, уларнинг ота-оналари ота-оналиқ хуқуқидан маҳрум этилган, улар ота-оналарининг ота-оналиқ хуқуқи чекланган, ота-онаси муомалага лаёқатсиз деб топилган, ота-онаси касал бўлган, ота-онаси узоқ муддат бўлмаган, ота-онаси болаларини тарбиялашдан ёки уларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда, шу жумладан ота-онаси ўз болаларини таълим муассасаларидан, соғлиқни сақлаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва бошқа муассасалардан олишдан бош тортган тақдирда, шунингдек болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш, уларга таълим бериш, келгусида уларни жойлаштириш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қабул қиласи;

кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг вояга етмаган болаларини, фақат отаси ёки онаси бор бўлган вояга етмаганларни ушбу оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш учун қабул қиласи;

мазкур муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади.

Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари.**

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари киради.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ўн бир ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтоҷ вояга етмаганлар қўйидаги ҳолларда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилиши мумкин, агар улар:

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб этишга қодир бўлмаган бўлса;

айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган бўлса;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган бўлса.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалариға жойлаштириш учун қўйидагилар асос бўлади:

ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган вояга етмаганларга нисбатан ушбу Қонунга мувофиқ чиқарилган суд ажрими;

ушбу модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисида кўрсатилган вояга етмаганларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ чиқарилган суд ажрими.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари га ушбу муассасаларда сақлаш, тарбиялаш ва таълим беришга тўсқинлик қиласдиган касаллиги бўлган вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин эмас.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида сақлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга тўсқинлик қиласдиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларни ўқитишни, уларнинг касб-хунар тайёргарлигини ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширади;

вояга етмаганларни сақлашнинг мазкур муассасалар худудини қўриқлашни, вояга етмаганларнинг шахсий хавфсизлигини ва салбий таъсирлардан ҳимояланганлигини, ушбу муассасалар худудига бегона шахсларнинг эркин киришини, бу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг эркин чиқишини чеклашни ўз ичига олган маҳсус шартшароитларини таъминлайди;

вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларни ўзбошимчалик билан тарк этиши ҳолатлари тўғрисида ушбу муассасалар жойлашган ердаги ва вояга етмаганларнинг яшаш жойидаги ёки турган жойидаги ички ишлар органларини хабардор қиласди ҳамда ички ишлар органлари билан биргаликда уларни топиши ва мазкур муассасаларга қайтаришга доир чора-тадбирларни кўради;

вояга етмаганларнинг яшаш жойидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга вояга етмаганларнинг ушбу муассасалардан чиқарилаётганлиги тўғрисидаги хабарномаларни, шунингдек вояга етмаганларга оид тавсифномаларни уларни чиқаришдан камида бир ой олдин юборади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари мазкур муассасалар жойлашган ердаги вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга қўйидаги масалалар юзасидан тақдимномалар киритади:

вояга етмаганларни бошқа ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалариға ўтказиш;

вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларда бўлишини суд томонидан белгиланган муддат ўтишидан олдин, агар улар хулқ-атвори тузалганлиги сабабли ушбу таъсир чорасини қўллашни давом эттиришга муҳтож бўлмаса ёки соғлиғи ҳолатига кўра бу муассасаларда бўла олмаса, тугатиш;

вояга етмаганларни ўқитишни тамомлаш зарур бўлган тақдирда, уларнинг ушбу муассасаларда бўлиш муддатини узайтириш.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

### **Васийлик ва ҳомийлик органлари.**

Васийлик ва ҳомийлик органлари ўз ваколатлари доирасида:

етим болаларни, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганликнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, болаларни жойлаштириш шаклларини танлайди, шунингдек уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитлари устидан назоратни амалга оширади;

қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни белгилашга доир чоратадбирларни кўради;

ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш хуқукини чеклаб қўйиш ёки уни бу хуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қиласи, бундан вояга етмаганнинг белгиланган тартибда тўла ҳажмда муомала лаёкатини олиши ҳоллари мустасно;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;

ота-оналий хуқукини чеклаш ёки ота-оналий хуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъволар қўзғатади;

ота-оналий хуқукини чеклаш ёки ота-оналий хуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги, шунингдек ота-оналий хуқукини тиклаш ҳақидаги ишларни судларда кўриб чиқишида иштирок этади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари.**



Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ўртасида санитария-гиgiene билимларини кенг ёйишни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади;

вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиши, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик ҳамда уларнинг хулқ-атворидаги шу билан боғлиқ нуқсонларнинг профилактикаси бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиши, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг тарқалиши тўғрисида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларни хабардор қиласи;

уч ёшгача бўлган адашиб қолган, ташлаб кетилган ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа болаларни кеча-кундуз қабул қилиш ҳамда парваришилашни амалга оширади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларга, шунингдек вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга маслаҳат ёрдамини кўрсатади;

алкоголь таъсирида маст ҳолатда бўлган ёки гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсири этувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган вояга етмаганларни кеча-кундуз қабул қилишни амалга оширади ва уларга тиббий ёрдам кўрсатади;

ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони бўлган вояга етмаганларга ихтисослаштирилган ташхис ҳамда даволаш-тиклаш ёрдамини кўрсатади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига юборилаётган вояга етмаганларнинг соғлиғи тўғрисида белгиланган тартибда хulosалар тайёрлайди;

спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсири этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ташкил этади;

жинсий йўл билан юқтириладиган касалликларнинг манбаларини аниқлаш, ушбу касалликларга чалинган вояга етмаганларни текшириш ва даволашни ташкил этади.

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оиласаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилишнинг замонавий услублари ва технологияларидан фойдаланади;

вояга етмаганларнинг дам олишини, ижтимоий муассасаларда ташкил этилган тўгаракларда ёки марказларда ижодий қобилиятини ривожлантиришини ташкил этишда иштирок этади;

ногирон болаларни тиббий-ижтимоий ёрдам билан таъминлайди, ногирон болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматларининг комплекс тармоқларини ривожлантиради;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади.

Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **Мехнат органлари.**

Мехнат органлари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларни ишга жойлаштиришга, касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашади, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади.

Меҳнат органлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикасида маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотларнинг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг иштироки.**

Маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

фаолияти вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган болалар ва ёшлар жамоат бирлашмалари, ижтимоий муассасалар, жамоат фондларига ҳамда бошқа ташкилотларга ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганларни ўқитишини, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишда иштирок этади;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-авторини ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда шакллантириш бўйича фаолиятни амалга оширади.

Маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштироки.**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳукуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оиласарга ёрдам кўрсатади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қиласади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## **Якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш.**

Ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб бориладиган шахсларнинг тоифалари.

Якка тартибдаги профилактика иши қуйидаги вояга етмаганларга нисбатан олиб борилади:

назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;

ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этганлар;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки ижтимоий-хуқуқий ёрдам қўрсатиш марказларида сақланаётганлар;

таълим муассасаларида машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равища қатнашмаётганлар;

маъмурӣ ҳуқуқбузарликлар содир этганлар;

амнистия акти асосида ёки қилмиш ёхуд шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ёхуд ярашилганлиги муносабати билан, шунингдек вояга етмагани жазо қўлламасдан туриб тузатиш мумкин деб эътироф этилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлар ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланища ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равища англаб этишга қодир бўлмаганлар;

жиноят содир этганликда айбланиб, қамоқقا олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланганлар;

мажбурлов чоралари қўлланган ҳолда жиноий жазодан озод қилинганлар;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод қилинганлар, шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан ёхуд амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилинганлар;

хукмнинг ижроси кечикирилганлар;

шартли ҳукм қилинганлар, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо турларига ҳукм қилинганлар;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келганлар;

руҳий ҳолатининг бузилганлиги туфайли соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳисобда турганлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлганлар.

Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган оиласарга нисбатан ҳам олиб борилади.

## **Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш асослари.**

Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш учун ушбу Қонуннинг 20-моддасида назарда тутилган ҳолатлар, агар улар қуйидаги ҳужжатларда қайд этилган бўлса, асос бўлади:

вояга етмаганинг ёхуд унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва

хукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ваколатига кирадиган масалалар юзасидан ўзига ёрдам қўрсатиш тўғрисидаги аризасида;

суднинг ҳукми ёки ажримида;

вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссиянинг, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарорида;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи муассасаларга вояга етмаганларни жойлаштириш учун зарур бўлган хужжатларда;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи орган ёки муассаса раҳбари шикоятлар, аризалар ёки бошқа хабарларни текшириш натижалари бўйича тасдиқлаган хulosада.

### **Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш муддатлари.**

Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий ва бошқа ёрдам қўрсатиш учун зарур бўлган муддатларда, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигига, хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитлар бартараф қилингунига ёки вояга етмаганлар ўн саккиз ёшга тўлгунинг ёхуд қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар юзага келгунига қадар олиб борилади.

### **Якка тартибдаги профилактика иши олиб борилишини ташкил этиш.**

Ички ишлар органлари ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини унинг шахси ва ён-атрофидагиларнинг ўзига хос хусусиятларини, содир этилган хукуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг хусусиятини, оиласиёй тарбия шароитларини ҳисобга олган ҳолда олиб боради. Ушбу ҳолатлар вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, бошқа шахслар билан профилактика сухбатлари ўтказиш, вояга етмаганни унинг яшаш, ўқиш (иш) жойига бориб кўриш, тавсифловчи материалларни ўрганиш давомида аниқланади.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш давомида:

вояга етмаганнинг турмуш тарзи, алоқалари ва нияти аниқланади;

вояга етмаганга хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг оқибатлари тушунтирилади;

вояга етмаганнинг хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этиши сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади ҳамда уларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар кўрилади;

вояга етмаганни хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этаётган шахслар аниқланади ва уларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга доир чора-тадбирлар кўрилади;

вояга етмаганга ижобий таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахслар жалб этилади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда вояга етмаганни сақлаш, тарбиялаш, унга таълим бериш, унинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиш масалалари ҳал этилади.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиласалар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш давомида:

оиладаги муҳитни соғломлаштиришга, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг болаларга салбий таъсир кўрсатишни бартараф этишга доир тадбирлар амалга оширилади;

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, болаларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатганлик ёхуд улар билан шафқатсиз муомалада бўлганлик оқибатлари тушунтирилади;

оилани яшаш жойига бориб кўриш, тавсифловчи материалларни ўрганиш, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари вакиллари, бошқа шахслар билан сухбатлар ўtkазиш орқали ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг турмуш тарзи ҳамда нияти аниқланади;

уларга ижобий таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахслар жалб этилади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиш масалалари ҳал этилади;

вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга белгиланган тартибда таклифлар киритилади.

**Ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётган шахсларнинг ҳуқуқлари.**

Ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётган вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлар билан таъминланади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси ёки ижтимоий-ҳукуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақланаётган вояга етмаганлар белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқлар билан таъминланади:

ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни вояга етмаганлар мазкур муассасаларга олиб келинганлиги ёки жойлаштирилганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг қарорлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга, прокуратура органларига ёки судга шикоят қилиш;

одамнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмайдиган инсоний муомалада бўлиш;

чекланмаган миқдорда телефонда сўзлашувлар, бошқа алоқа воситалари орқали мулоқотлар ҳамда учрашувлар воситасида оиласи билан алоқада бўлиш, посылкалар, бандероллар, йўқловлар олиш, хат ва телеграммалар олиш ҳамда жўнатиш;

белгиланган нормалар бўйича бепул овқат, кийим-кечак, пойабзал ва ашёвий таъминотнинг бошқа буюмларини олиш.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларининг ижтимоий-ҳукуқий ёрдам кўрсатиш Марказлари тўғрисида”ги Низомини ижросини таъминлаш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги

6-сонли буйруғини мазмун ва моҳиятини ўрганиб, таҳлил этган ҳолда буйруқ дафтарларига конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар:**

1-савол. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимини айтиб беринг?

2-савол. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари.

### **5-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2010 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРДАГИ “ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ.**

#### **Семинар машғулоти. (2 соат)**

**1-савол.** Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг умумий ва маҳсус профилактик фаолияти

**2-савол.** Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг якка тартидаги ва виктимологик профилактик фаолияти.

**3-савол.** Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан инспекторлари фаолиятини ташкил этиш тартиби.

**Ақлий ҳужум саволлари:**

**Савол: Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари нималардан иборат?**

**Савол: Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари нималардан иборат?**

**5-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ 2010 ЙИЛ**

**29 СЕНТЯБРДАГИ “ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТҮҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИНИГ МАЗМУН-МОХИЯТИ.**

**Амалий машғулоти. (2 соат)**

**РЕЖА:**

**Вояга етмаганни анкетасини тўлдириш тартиби.**

Вояга етмаган Ражабов С.Анинг муқаддам содир этган хуқуқбузарлиги учун уни профилактик йиғма жилдни расмийлаштиришни амалга оширишлари лозим.

**6-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ З АВГУСТДАГИ “ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА” ГИ 490-СОНЛИ ҚАРОРИНИНГ МАЗМУН-МОХИЯТИ.**

**Маъруза машғулоти. (2 соат)**

**РЕЖА:**

1-савол. Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари.

2-савол. Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари.

3-савол. Марказга қабул қилинган болаларни ҳамда ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жойлаштирилган вояга етмаганларнинг таъминоти.

**1-савол: Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари.**

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратисиз ва қаровисиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оиласаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича фаолиятни самарали ташкил этиш, шунингдек, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари, улар

фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқариш тартиби, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни марказга қабул қилиш, рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби, вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш ва уларни марказдан чиқариш тартибини назарда тутувчи:

*Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;*

*Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қабул қилинганд болалар биринчи навбатда юбориладиган ихтисослаштирилган таълим муассасалари рўйхати **2-иловага** мувофиқ;*

*Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қабул қилинганд болаларни озиқ-овқат, бирламчи кийим-кечак ва ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаши меъёрлари **3-иловага** мувофиқ;*

*Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жойлаштирилган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оиласаларда яшаётган ва давлат ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларни кийим-кечак, пойабзал ва ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаши меъёрлари **4-иловага** мувофиқ;*

*Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиши **5-иловага** мувофиқ;*

*Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган айрим қарорлари; **6-иловага** мувофиқ тасдиқланди.*


### **Марказлар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:**

-қаровсиз болаларнинг шахсини аниқлаш, уларнинг ўқиши ва хулқ-атворини, оиласидаги муҳитни ҳамда қаровсиз қолишига сабаб бўлган омилларни тўлиқ ўрганиш;

-қаровсиз болаларнинг ижтимоий-хуқуқий ҳолатига баҳо бериш ва тиббий текширувдан ўтказиш натижасига кўра уларни ота-онасига (ота-она ўрнини босувчи шахсларга) топшириш ёки тегишли муассасалар (ихтисослаштирилган таълим, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия, болалар ёки соғлиқни сақлаш муассасалари)га жойлаштирилишини ташкил этиш;

-қаровсиз болаларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, уларни озиқ-овқат, бирламчи кийим-кечак ва ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш, вақтинча сақлаш ва касб-хунарга ўргатиш тадбирларини ташкил этиш.

**2021 йил 1 сентябрдан эътиборан қаровсиз болалар билан ишлаш тизимида шундай тартиб жорий этилди, унга мувофиқ:**



*a)вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлигини аниқлаши бўйича:*

- вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар томонидан - таълим муассасаларида;
- профилактика инспекторлари томонидан - хизмат ҳудудида;
- маҳалла фуқаролар йигинлари раислари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан - оиласларда ўрганиш (кузатиш) ва профилактика тадбирларини амалга ошириш жараёнида қаровсиз болалар аниқланади;
- ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оиласларда яшаётган вояга етмаганларни аниқлаш ва улар билан манзилли ишлаш йўналишидаги ишларга фуқаролар йигинлари раислари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари масъул этиб белгиланиб, улар зиммасига маҳаллаларда қаровсиз қолган болаларнинг ўз вақтида аниқланмасдан қолиш ҳолатлари бўйича шахсий жавобгарлик юкланди;
- вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлиги давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқланган ҳолларда улар бу тўғрисида профилактика инспекторига хабар беради;

*б) қаровсиз болаларни Марказга қабул қилиши ва вақтинча сақлаши бўйича:*



- профилактика инспектори қаровсиз бола аниқланганлиги ҳақида туман (шахар) ички ишлар органлари бошлигининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи (Тошкент шахар туманлари ички ишлар органлари бошлиғининг хукуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосари)га навбатчилик қисми орқали хабар беради;
- профилактика инспектори боланинг шахсини аниқлаш ҳамда унинг ўқиши ва хулқ-атворини, оиласидаги муҳитни, қаровсиз қолишига сабаб бўлган омилларни бирламчи ўрганиш бўйича тадбирларни амалга оширади, агарда боланинг қаровсиз қолмаганлиги тўғрисида хulosaga келса, далолатнома тузиш орқали уни ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширади;
  - профилактика инспектори бирламчи ўрганиш натижаларига қўра бола қаровсиз қолганлиги тўғрисида хulosaga келса, ушбу хulosani туман (шахар) жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғига тақдим этади, у эса, хulosani кўриб чиқиб, болани Марказга қабул қилиш ҳақида йўлланма тайёрлайди ва уни Марказга юборади;

Марказ ходимлари 5 соат ичидаги маҳсус автотранспорт воситасида қаровсиз бола сақланади. Марказ ходимлари 5 соат ичидаги маҳсус автотранспорт воситасида қаровсиз бола сақланади. Марказ ходимлари 5 соат ичидаги маҳсус автотранспорт воситасида қаровсиз бола сақланади.

Марказ бошлиғи ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарининг ўринбосари - жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи (Тошкент шахар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари - Хукуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи)га қаровсиз бола қабул қилинганлиги ҳақида навбатчилик қисми орқали хабар беради;

Марказ бошлигининг сўровига асосан худудий соғлиқни сақлаш муассасаси мутахассислари З соат ичида Марказга етиб келиб, қаровсиз болани белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтказади;

тиббий текширув хулосасига кўра қаровсиз боланинг даволанишга муҳтоҷлиги (ақлий ва руҳий ривожланишда ёшига нисбатан ортда қолган, тан жароҳати, касаллиги, ҳомиладорлиги) аниқланган ҳолларда у даволаниш учун тегишли соғлиқни сақлаш муассасасига ёки ақлий ва руҳий ривожланишда ёшига нисбатан ортда қолаётган болаларга мўлжалланган муассасага жойлаштирилади;

Марказ томонидан 48 соат ичида қаровсиз боланинг шахси аниқланади, унинг ўқиши ва хулқ-авторини, оиласидаги муҳитни ҳамда қаровсиз қолишига сабаб бўлган омиллар тўлиқ ўрганилади, боланинг ижтимоий-хукуқий ҳолатига баҳо бериш натижасига кўра ижобий хулосага келинса, бола ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширилади;

Марказ томонидан ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширилган боланинг ўқиши, хулқ-автори ва оиласидаги муҳит бир йил давомида вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар томонидан маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар органлари билан биргалиқда мониторинг қилиб борилади;

мониторинг давомида боланинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда қолаётганлиги кузатилса, уни белгиланган тартибда Марказга қайтариш чоралари кўрилади;

боланинг ижтимоий-хукуқий ҳолатига баҳо бериш натижасига кўра унинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилада яшайдганлиги ва давлат ёрдамига муҳтоҷлиги тўғрисида хулосага келинса, Марказ ушбу болани 48 соатдан ортиқ, бироқ 30 кундан (зарурат бўлганда 45 кундан) кўп бўлмаган вақт давомида Марказда сақлаш ҳақида судга илтимоснома киритади;

ушбу илтимоснома 24 соат ичида Марказда сайёр ёки онлайн шаклда ўтказиладиган ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади;  
суд илтимосномани кўриб чиқиши жараёнида қаровсиз боланинг ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар) рози бўлмаган ҳолда ҳам уни Марказга ва келгусида ихтисослаштирилган таълим муассасасига қабул қилиш масаласини кўриб чиқади;

қаровсиз боланинг доимий яшаш жойи бошқа минтаقا худудида бўлса, Марказ 48 соат ичида уни тегишли худуддаги Марказга олиб бориб топширади;

**в) қаровсиз болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасасига жойлаштириши ва ўқиши давомида хулқ-авторини назорат қилиши бўйича:**

худудий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлигининг сўровига асосан уч кун ичида Марказда Болалар масалалари бўйича худудий комиссиянинг сайёр ёки онлайн шаклдаги йиғилиши ўтказилади ҳамда қаровсиз болани унинг хулқ-автори, психологик қиёфаси, ёши, иқтидори, қобилияти, қизиқишлари ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасасига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади ҳамда қарор нусхаси тегишли вазирлик ёки идорага юборилади;

тегишли вазирлик ёки идора уч кун ичида Болалар масалалари бўйича худудий комиссиянинг қарорига мувофиқ болани ўқишга қабул қилиш тўғрисида йўлланмани ўзига бевосита бўйсунувчи ихтисослаштирилган таълим муассасасига, йўлланманинг нусхасини - Марказга юборади;

Марказ йўлланмага мувофиқ 48 соат ичида болани тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасасига олиб бориб топширади;

ихтисослаштирилган таълим муассасаси ўқув йили давомида (тегишли синфлар учун белгиланган ёшларга мувофиқ равища) ўзи бевосита бўйсунувчи вазирлик ёки идоранинг йўлланмасига мувофиқ қаровсиз болани қабул квотасидан ташқари 5 фоиз миқдорида ажратилган қўшимча квоталар доирасида синов ва имтиҳонларсиз ўқишга қабул қиласди;

ихтисослаштирилган таълим муассасаси раҳбарининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари қаровсиз болаларга жамоат тарбиячиси сифатида бириктирилади ҳамда уларнинг ўқиши ва хулқ-авторини доимий равища назорат қилиб боради;

қаровсиз қолган болалар билан ишлаш, уларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жойлаштириш ва ўқиш жараёнларининг самарадорлигини ошириб бориши ишларига Халқ таълими вазирлиги бевосита масъул этиб белгиланиб, бу борадаги ишларни ташкил этишда уларнинг худудий органлари раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юкланди;

ўқиш давомида қаровсиз болага худудий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлифи - умумий мураббий, ихтисослаштирилган таълим муассасасида хизматни ўтайдиган вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог индивидуал мураббий сифатида бириктирилади ҳамда қаровсиз боланинг ўқиши ва хулқ-авторини кунлик назорат қилиб боради;

ихтисослаштирилган таълим муассасасида қаровсиз боланинг ўқиши ва хулқ-авторини кунлик назорат қилиб борища, шунингдек, уларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатилишини ташкил этишда худудий ички ишлар органлари хукуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлигининг ёшлар хукуқбузарликлари профилактикаси бўйича ўринбосари (ўғил болалар учун) ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари (қиз болалар учун) бевосита кўмаклашади;

*г) қаровсиз болалар ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқишини тамомлаганидан кейин уларнинг бандлигини таъминлаш ва меҳнат фаолиятини мониторинг қилиш бўйича:*

ихтисослаштирилган таълим муассасаси қаровсиз боланинг ўқиши тамомланишига уч ой қолганда бу ҳақда Марказга хабар беради;

худудий жамоат хавфсизлиги хизмати ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқишини тамомлаган қаровсиз вояга етмаган шахснинг профессионал ёки олий таълим муассасасига умумий тартибда ўқишга киришида кўмаклашади;

профессионал ёки олий таълим муассасасига ўқишга кириш истаги бўлмаган ёки ўқишга кира олмаган қаровсиз вояга етмаган бир ой ичида худудий меҳнат органлари томонидан ишга жойлаштирилади;

ихтисослаштирилган таълим муассасаларини тамомлаётган қаровсиз болалар тегишли таълим муассасаси йўлланмаси бўйича «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларида Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан бепул ўқитилади;

профессионал ёки олий таълим муассасасига ўқишга кириш истаги бўлмаган ёки ўқишга кира олмаган чақирилиш ёшидаги қаровсиз болани чақирувни амалга оширувчи комиссиялар навбатдаги чақирувда биринчилар қаторида қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда муддатли ҳарбий хизматга юбориш чораларини кўради;

қаровсиз вояга етмаганларнинг иш шароити, меҳнатига ҳақ тўланиши ва ижтимоий мослашуви билан боғлиқ масалалар ҳудудий ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати, меҳнат, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органлари, «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар ишлари агентлиги бўлинмаларининг вакиллари иштирокида тузилган ишчи гурух томонидан бир йил давомида жадвал асосида мониторинг қилиб борилади ҳамда уларга зарур амалий ва ҳукуқий ёрдам кўрсатилади.

**Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳукуқий ёрдам кўрсатиш тизими самарадорлиги учун қуйидагиларни назарда тутувчи жавобгарлик тизими жорий этилди:**

а) қаровсиз болалар билан ишлаш тизимининг барча бўғинларида мазкур қарорга мувофиқ янги тартибининг тўлиқ жорий этилиши ва самарали қўлланилиши учун - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, шунингдек, ўзининг тизимида ихтисослаштирилган таълим муассасаси фаолият кўрсатаётган бошқа вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари;

б) қаровсиз болаларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қуйидагилар:

боланинг қаровсиз қолганлиги аниқланган вақтдан бошлаб Марказга қабул қилингунига қадар - маҳаллий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи;

Марказга қабул қилинган вақтдан бошлаб ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқиши тамомлагунига қадар - ҳудудий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи;

ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқиши тамомлаганидан кейин бир йил давомида - ҳудудий ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати, меҳнат, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар органлари, Ёшлар ишлари агентлиги бўлинмалари бошлиқлари шахсан жавобгар хисобланади.

## **2-савол: Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳукуқий ёрдам кўрсатиш марказлари.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 490-сон қарорининг 1-иловасида **Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳукуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида Низом тасдиқланди.**

Мазкур Низом 13 та боб 84 банддан иборат бўлиб, Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

*1-боб. Умумий қоидалар*

*2-боб. Марказларнинг асосий вазифалари, функциялари ва ваколатлари*

*3-боб. Вояга етмаганларни Марказларга қабул қилиши ва улардан чиқарии асослари*

*4-боб. Назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаши ва уларни қабул қилиши тартиби*

*5-боб. Марказда вояга етмаганларни саклаш тартиби*

*6-боб. Марказда вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиши тартиби*

*7-боб. Вояга етмаган шахсни ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга топшириши*

*8-боб. Вояга етмаган шахсни республика ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши*

*9-боб. Вояга етмаган шахсни «Мөхрибонлик» уйига ёки ихтисослаштирилган таълим муассасасига жойлаштириши*

*10-боб. Вояга етмаган шахсни кузатиб бориши*

*11-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиши тартиби*

*12-боб. Марказнинг фаолиятини молиялаштириши, унинг мол-мулки ва молияхўжалик фаолияти*

*13-боб. Якунловчи қоидалар*

Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Вояга етмаганларни ички ишлар органлари вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қабул қилиш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъект	Бажариш механизми	Бажариш муддатлари
1-босқич	Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи орган ва муассасалар томонидан ўтказилган тадбирлар ёки бевосита хизмат фаолияти жараёнида ёхуд тегишли маълумотлар асосида назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар аниқланади. 2. Аниқланган назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар ички ишлар органлари таянч пунктига олиб келиб, улар тўғрисида зудлик билан васийлик ва хомийлик органларига хабар берилади.	Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи орган ва муассасалар томонидан ўтказилган тадбирлар ёки бевосита хизмат фаолияти жараёнида ёхуд тегишли маълумотлар асосида назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар аниқланади. 2. Аниқланган назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар ички ишлар органлари таянч пунктига олиб келиб, улар тўғрисида зудлик билан васийлик ва хомийлик органларига хабар берилади.	Аниқланганда зудлик билан

2-босқич	Васийлик ҳомийлик органлари ва	<p>Васийлик ва ҳомийлик органлари олинган хабарлар бўйича З соат ичида вояга етмаганни қабул қилишнинг қуидаги турларидан бири бўйича ички ишлар органларига хulosса тақдим қиласди:</p> <p>ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга топширилади;</p> <p>васийлик ёки ҳомийликка олган шахсларга топширилади;</p> <p>оила тартибида (патронат) қабул қилинади;</p> <p>ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи ёхуд васийлик ва ҳомийликка олган шахсларда уларни қабул қилиш имкони мавжуд бўлмаган холларда Марказга қабул қилинади.</p>	3 соат ичида
3-босқич	Ички ишлар органлари, Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази (кейинги ўринларда Марказ)	<p>Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан вояга етмаганни ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчига ёхуд васийлик ва ҳомийликка топширишнинг имкони мавжуд бўлмаганлиги учун Марказга қабул қилиш бўйича тақдим этган хulosага кўра, зудлик билан вояга етмаганни Марказга қабул қилиш бўйича қарор чиқариб, уни Марказга олиб борилишини таъминлайди.</p>	3 соат ичида
4-босқич	Марказлар	<p>Ички ишлар органлари томонидан васийлик ва ҳомийлик органлари хulosасига кўра олиб келинган Низомнинг 11-бандида келтирилган З ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларни кеча-кундуз қабул қиласди ва 30 кунгача, айрим холларда яна 15 кун саqlанишини таъминлайди.</p>	Кеча-кундуз қабул қилиб 30 кунгача (кўшимча 15 кун) саqlайди
5-босқич	Марказлар	<p>Марказга қабул қилинган З ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар тўғрисида 24 соат ичида Марказ вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ва Болалар масалалари бўйича худудий комиссия хабардор қилинади.</p>	24 соат ичида
6-босқич	Марказлар	<p>Марказга қабул қилинган З ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларни 48 соат ичида ота-онасига ёки уларнинг</p>	48 соат ичида

ўрнини босувчи ёхуд васийлик ва  
ҳомийликка топшириш чорасини  
кўради.

7-босқич	Марказлар хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ва муассасалар билан ҳамкорликда	<p>1. Марказга қабул қилинган 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларни 30 кун ичида (ёки айрим ҳолларда 15 кун қўшимча муддатда) улар билан хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ва муассасалар Низомнинг 28-бандига мувофиқ профилактика ишлари амалга оширилади.</p> <p>2. Олиб борилган профилактика ишлари натижасида вояга етмаганларни ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчига ёхуд васийлик ва ҳомийликка топшириш имкони бўлмаган ҳолларда уларни қабул қилишнинг қўйидаги чораларини кўради:</p> <p>республика ўкув-тарбия муассасаларига қабул қилиш чораларини кўради; вазирлик ва идоралар хузуридаги умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасаларига юборади.</p>	30 кун (қўшимча 15 кун ҳам кириши мумкин) ичида

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 авгуустдаги 490-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қабул қилинган  
болалар биринчи навбатда юбориладиган ихтисослаштирилган таълим муассасалари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Худудлар	Муассасалар номи		
		Ўғил болалар учун	Қиз болалар учун	Ўғил ва қиз болалар учун
1.	Фарғона вилояти	Фарғона «Темурбеклар мактаби» ҳарбий- академик лицейи	Андижон тумани 7- сон мусиқага ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Фарғона Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази. Фарғона шаҳар 4-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати. Кува тумани 62-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати.
2.	Андижон вилояти			Андижон Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази. Асака шаҳар 25-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати. Шаҳриҳон тумани 2-сон ихтисослаштирилган давлат

				умумтаълим мактаб-интернати.
3.	Наманган вилояти			Наманган Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази. Давлатобод тумани 3-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати. Давлатобод тумани 18-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати.
4.	Самарқанд вилояти			Самарқанд Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази. Пастдарғом тумани 1-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати. Оқдарё тумани 52-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати.
5.	Қашқадарё вилояти	Шахрисабз «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи	В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби	Қарши шаҳар 2-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати. Шахрисабз тумани 6-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати.
6.	Сурхондарё вилояти			Термиз Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази. Денов тумани 2-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати. Музработ тумани 7-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати.
7.	Бухоро вилояти			Фиждувон тумани 8-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати. Олот тумани 31-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати.
8.	Навоий вилояти	Нукус «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи	A. Фитрат номидаги Бухоро маком санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Навоий Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази. Навбаҳор тумани 37-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати. Қизилтепа тумани 39-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати.
9.	Хоразм вилояти		P.M. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби	Ҳазорасп тумани 1-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати. Урганч шаҳар 6-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати.
10.	Қорақалпоғистон Республикаси			Нукус Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш

				маркази. Элликқалъа тумани 13-сон республика ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати.
11.	Жиззах вилояти			Жиззах Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази. Жиззах шаҳар «Умид» ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати.
12.	Тошкент шаҳри	Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернати;  Тошкент «Темурбеклар мактаби» ҳарбий- академик лицейи;  Қибрай «Темурбеклар мактаби» ҳарбий- академик лицейи.	Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази. Чирчиқ Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази. Гулистон Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази. Ангрен шаҳар ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати. Боёвут тумани 1-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати. Гулистон тумани ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати.

**З-Савол: Марказга қабул қилинган болаларни ҳамда  
ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жойлаштирилган вояга  
етмаганларнинг таъминоти.**

**Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қабул қилинган  
болаларни озиқ-овқат, бирламчи кийим-кечак ва ашёвий таъминот буюмлари билан**

#### ТАЪМИНЛАШ

#### МЕЪЁРЛАРИ

#### **I. Озиқ-овқат билан таъминлаш меъёрлари**

*(бир кииши ҳисобига кунига граммда (брутто))*

T/p	Озиқ-овқат маҳсулотларининг турлари	3 — 6 ёшли болалар учун	7 — 13 ёшли болалар учун	14 — 18 ёшли болалар учун
1.	1-навли буғдой noni	300	400	600
2.	Буғдой уни	20	30	40
3.	Картошка уни	3	3	3
4.	Дуккаклилар ёрмаси, макарон маҳсулотлари	50	80	100
5.	Қанд, шакар	50	80	100
6.	Қандолатчилик маҳсулотлари	20	20	25
7.	Сариёғ	20	30	40
8.	Ўсимлик ёғи	15	20	20
9.	Сут, сут-қатиқ маҳсулотлари	300	400	500
10.	Қаймоқ	15	20	20
11.	Творог	30	40	50

12.	Пишлоқ	10	15	15
13.	Гүшт, парранда гүшти	100	130	175
14.	Колбаса маҳсулотлари	20	25	30
15.	Балиқ	50	70	90
16.	Тухум	1 дона	1 дона	1,5 дона
17.	Картошка	300	350	400
18.	Сабзавотлар, кўкатлар (шу жумладан, томат (3 гр.)	200	300	455
19.	Мева, сабзавот шарбатлари	150	200	250
20.	Куруқ мевалар, (шу жумладан, наъматак (5 гр.)	10	15	15
21.	Чой	0,2	0,3	0,5
22.	Какао	1	1	1
23.	Йодланган туз	5	10	12
24.	Ачитқилар	1	1	1

\* Мазкур озиқ-овқат маҳсулотлари улар учун ажратиладиган маблағлар доирасида асосий моддалари бир-бираiga тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан алмаштирилиши мумкин.

### II. Бирламчи кийим-кечак ва пойабзал буюмлари билан таъминлаш меъёрлари\*

T/р	Кийим-кечак ва пойабзал буюмлари	Ўлчов бирлиги	Ўғил болалар учун (сони)	Қиз болалар учун (сони)
1.	Тунги пижама	дона	1	1
2.	Дастрўмол	дона	1	1
3.	Ички кўйлак	тўплам	1	1
4.	Майка	дона	1	1
5.	Ип пайпоқ	жуфт	2	2
6.	Жун пайпоқ	жуфт	2	2
7.	Шиппак	жуфт	1	1

\* Мазкур бирламчи кийим-кечаклар марказда 48 соатдан ортиқ сақланадиган вояга етмаганларга ажратилади.

### III. Бошқа бирламчи ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш меъёрлари\*

T/р	Буюмларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Ўғил болалар учун (сони)	Қиз болалар учун (сони)
1.	Атир совун (100 гр)	дона	1	1
2.	Шампунь (200 гр)	дона	1	1
3.	Тиш пастаси (50 гр)**	тюбик	1	1
4.	Тиш чўткаси	дона	1	1
5.	Ҳожатхона қофози**	ўрам	1	1
6.	Қиз болалар учун шахсий гигиена воситаси (қистирма)	Тўплам (10 дона)	-	1
7.	Соқол олиш буюми (бритва), бир марталик**	дона	1	1
8.	Момик (пахта) (200 гр)	тўплам	-	1

\* Мазкур бирламчи буюмлар марказда 48 соатдан ортиқ сақланадиган вояга етмаганларга ажратилади.

\*\* Марказда 20 кундан ортиқ сақланадиган вояга етмаганларга қўшиимча 1 тадан ажратилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 490-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жойлаштирилган, ижтимоий жиҳатдан  
хавфли аҳволдаги оиласаларда яшаётган ва давлат ёрдамига муҳтоҷ бўлган вояга  
етмаганларни кийим-кечак, пойабзал ва ашёвий таъминот буюмлари билан  
таъминлаш**

**МЕЪЁРЛАРИ\***

**I. Кийим-кечак ва пойабзал буюмлари билан таъминлаш меъёрлари**

T/r	Кийим-кечак ва пойабзал буюмларининг номи	Ўлчов бирлиги	Ўғил болалар учун (сони)	Қиз болалар учун (сони)	Фойдаланиш муддати (йил)
1.	Қишки пальто/куртка	дона	1	1	2
2.	Мавсумий пальто, куртка	дона	1	1	2
3.	Мактаб формаси	тўплам	1	1	1
4.	Ўғил болалар учун костюм (галстук билан)	тўплам	2	-	2
5.	Ўғил болалар учун жунли костюм (байрам учун)	тўплам	1	-	2
6.	Ўғил болалар учун ип газламадан мактаб кўйлаги	дона	3	-	1
7.	Ўғил болалар учун ип газламадан устки кўйлак	дона	3	-	1
8.	Қиз болалар учун кўйлак (юбка, блузка)	дона	-	3	1
9.	Қиз болалар учун уй халати/ кўйлаги	дона	-	2	1
10.	Қиз болалар учун қишки кўйлак	дона	-	1	1
11.	Жун свитер (жемперлар)	дона	2	2	2
12.	Қиз болалар учун ёзги кўйлак	дона	-	3	1
13.	Ёзги бош кийим	дона	1	1	1
14.	Қишки бош кийим	дона	2	2	1
15.	Қиз болалар учун трико ва шим	дона	-	4	1
16.	Дастрўмол	дона	6	6	1
17.	Ўғил болалар учун шимнинг камари	дона	1	-	1
18.	Шарф	дона	1	1	2
19.	Қўлқоп	жуфт	2	2	1
20.	Ички кўйлак	тўплам	4	4	2
21.	Спорт формаси, кроссовка	тўплам	1	1	1
22.	Қиз болалар учун бюстгальтер	дона	-	3	1
23.	Калта спорт иштони	дона	2	2	1
24.	Майка	дона	6	6	1
25.	Ип пайпоқ	жуфт	9	9	1
26.	Жун пайпоқ	жуфт	6	6	1
27.	Ботинка, туфли	жуфт	3	3	1
28.	Шиппак	жуфт	4	4	1
29.	Қишки этик, ботинка	жуфт	1	1	1
30.	Калиш	жуфт	1	1	1

31.	Ярим жун спорт костюми	дона	1	1	1
32.	Тунги пижама	дона	2	1	1
33.	Киз болалар учун колготка	дона	-	5	1
34.	Чўмилиш кийими	дона	1	1	1
35.	Резина шапка	дона	1	1	2
36.	Иш кийими	тўплам	1	1	2
37.	Портфель, сумка	дона	1	1	1
38.	Шахсий буюмларни сақлаш учун рюкзак/сумка	дона	1	1	3

**П. Бошқа ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш меъёрлари  
(бир йил учун)**

T/р	Буюмларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Ўғил болалар учун (сони)	Қиз болалар учун (сони)
1.	Атир совун (100 гр)	дона	24	24
2.	Хўжалик (кир) совуни (100 гр)	дона	12	12
3.	Шампунь (200 гр)	дона	12	12
4.	Тиш пастаси (50 гр)	тюбик	12	12
5.	Тиш чўткаси	дона	3	3
6.	Тароқ	дона	2	2
7.	Бадани ювиш учун губка	дона	2	2
8.	Пойабзal мойи	тюбик	6	6
9.	Ҳожатхона қофози	ўрам	24	24
10.	Қиз болалар учун шахсий гигиена воситаси (қистирма)	тўплам (10 дона)	-	12
11.	Кир ювиш кукуни (400 гр)	упаковка	12	12
12.	Тоғора (пластмасса) (сифими 10 л) (фойдаланиш муддати 3 йил)	дона	1	1
13.	Соқол олиш буюми (бритва), бир марталик	дона	12	5
14.	Соқол олиш воситаси (соқол олиш кўпиги, лосьон) (100 — 150 гр)	флакон	6	-
15.	Дезодорант (аэрозоль)	дона	6	6
16.	Момиқ (пахта) (200 гр)	тўплам	-	4

\* Мазкур меъёрлар ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг мавжуд меъёрларида назарда тутилмаган кийим-кечак, пойабзal ва бошқа ашёвий таъминот буюмларига нисбатан татбиқ этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 авгуstdаги 490-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги 110-сон қарори билан тасдиқланган «Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақида»ги Низомнинг 12-банди қуйидаги таҳxирда баён этилсин:

«12. Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар уларнинг шахси аниқлангунга ва зарур хужжатлар расмийлаштирилгунга қадар қонунчилик хужжатларида

белгиланган тартибда вақтинча вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига қабул қилинади ҳамда етти кун мобайнида тегишли маълумотлар ички ишлар органлари томонидан болалар яшайдиган ҳудуддаги туман (шахар) васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 октябрдаги 880-сон қарорига 2-илованинг «Кийим-кечак ва пойабзal буюмлари билан таъминлаш меъёрлари» деб номланган II бўлимида:

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 авгуstdаги 490-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб  
эътироф этилаётган айrim қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2010 й., 11-сон, 63-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сон қарори)» 2017 йил 16 июнданги 385-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 й., 6-сон, 103-модда) 1-илованинг 7-банди.

**Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чукуррок ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 авгуstdаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 490-сон қарорини ўқиб ўрганиш.

**Назорат учун саволлар:**

1-савол. Марказлар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб нималар белгиланди?

2-савол. Мазкур Низом неча боб ва неча банддан иборат бўлиб, Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди?

**6-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ З АВГУСТДАГИ “ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ИЖТИМОЙ-ХУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА” ГИ 490-СОНЛИ ҚАРОРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ.**

**Семинар машғулоти. (2 соат)**

Ўқув машғулоти “*Кичик гуруҳларда ишлаш*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

**“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари**



**Ўқув машғулотининг гуруҳларга топшириқлари:**

1-гурухга топшириқ. Назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш ва уларни қабул қилиш.

2-гурухга топшириқ. Назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни хужжатлаштириш.

3-гурухга топшириқ. Вояга етмаганларни Марказларга қабул қилиш ва улардан чиқариш асослари.

4-гурухга топшириқ. Марказлар фаолиятининг асосий йўналишлари.

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гурухга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гурух бошқа гурухнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гурух ҳисобига ёзилади. Гурухларни ҳар бир

гурӯҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

### **Мустақил тайёргарлик учун саволлар:**

1-савол. Марказлар ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш доирасидаги ваколатлари.

2-савол. Марказлардан вояга етмаган шахсни чиқариш учун асослар.

3-савол. Вояга етмаганни ташқи куриқдан ўтказиш.

4-савол. Вояга етмагандан тушунтириш хати олиш.

### **6-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИННИНГ 2021 ЙИЛ З АВГУСТДАГИ “ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ИЖТИМОЙ-ХУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ГИ 490-СОНЛИ ҚАРОРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ.**

**Амалий машғулоти. (2 соат)**

### **Режа:**

**1-савол. Туманда ёшлар жиноятчилигини олдини олиш мақсадида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотнома расмийлаштириш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 19-январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такоминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида маҳалларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича туманда ёшлар жиноятчилигини олдини олиш мақсадида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотномани расмийлаштиришни амалга ошириш.



**7-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
2019 ЙИЛ 29 МАЙДАГИ «ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯ  
МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ТҮҒРИСИДА»ГИ ПҚ-4342-СОН ҚАРОРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ.**

**Маъруза машғулоти. (2 соат)**

**РЕЖА:**

1-савол. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш.

2-савол. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши.

3-савол. Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримини ижро этиш.

**1-Савол: Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш.**

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия вояга етмаганга нисбатан келиб тушган унинг айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб рад қилинган ёки тугатилган жиноят иши материалларини ёхуд ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилган вояга етмаганнинг ҳуқуқбузарлиги ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлари тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиб, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ёки бошқа таъсир чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қиласди. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, ички ишлар органлари бу ҳақда зудлик билан хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 4342-сонли қарори билан республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Гулзоробод» маҳалласи манзилида, республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Баҳт шаҳри «Тадбиркор» маҳалласи манзилида жойлаштирилди.

Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига;

Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига бириктирилди.

Республика ўқув-тарбия муассасаларига 14 ёшга тўлган ва 18 ёшдан ошмаган вояга етмаганлар жойлаштирилади.

**Республика йўкув-тарбия муассасаларига қўйидагилар жойлаштирилади:**

■-ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланища ўз ёшига нисбатан орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаган;

■-айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарлиқдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса;

■-Республика йўкув-тарбия муассасалари жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган вояга етмаганлар;

■-якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай муентазам равишда хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган вояга етмаганлар суд қарори асосида жойлаштирилади.

Ички ишлар органлари вояга етмаганни ихтисослаштирилган йўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун зарур бўлган материалларни **ўн кун ичида** вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия учун тайёрлаши шарт.

Ички ишлар органлари тегишли давлат органларига ва бошқа ташкилотларга зарур хужжатларни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади. Сўровлар олинган кундан эътиборан беш кун ичида бажарилиши керак.

Соғлиқни сақлаш муассасалари вояга етмаганни ихтисослаштирилган йўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлигини аниқлаш учун уни тиббий текширувдан ўтказади.

Тиббий текширув вақтида вояга етмаганда унинг ихтисослаштирилган йўкув-тарбия муассасасида сақланиши, тарбияланиши ва таълим олишига тўсқинлик қиласидан касалликлар аниқланган тақдирда, унга тааллуқли материаллар бошқа таъсир чораларини қўллаш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга топширилади.

Ўзига нисбатан ихтисослаштирилган йўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш ҳақидаги материаллар тайёрланаётган вояга етмаган ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилиши ёхуд ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг назоратига топширилиши мумкин бўлиб, улар вояга етмаганнинг муносиб хулқ-атворда бўлишини ва суднинг чақиравига биноан келишини таъминлаши шарт. Судга келишдан бўйин товлаётган ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган вояга етмаганлар мажбурий келтирилиши мумкин.

Вояга етмаганлар, агар жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган ёки жиноят иши тугатилган ёхуд жиноий жазодан озод қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, ихтисослаштирилган йўкув-тарбия муассасасига жойлаштирилмайди.

Ихтисослаштирилган йўкув-тарбия муассасасига йўлланадиган ҳар бир вояга етмаган бола учун ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида

хукуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори томонидан ичкисишлиар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам қўрсатиш маркази ходими кўмагида шахсий ҳужжатлар йиғма жилди учун қўйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

- ❖ жиной ишлар бўйича туман (шаҳар) судининг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ҳақидаги ажрими;
- ❖ туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;
- ❖ маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар (мавжуд бўлса);
- ❖ ўқишидан маълумотнома ва тавсифнома; яшаш жойидан маълумотнома ва тавсифнома;
- ❖ вояга етмаганнинг яшаш ва тарбияланиш шароитларини текшириш далолатномаси;
- ❖ тегишли маълумотномалар билан бирга тиббий карта;
- ❖ соғлиқни сақлаш муассасасининг вояга етмаган шахснинг соғлиғи ва уни ихтисослаштирилган мактабга жойлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси;
- ❖ вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг Илтимосномаси.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига йўлланаётган етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларида юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қўйидаги ҳужжат-лар ҳам бўлиши лозим:

етим болалар ҳамда ота-она қаровисиз қолган болаларга нисбатан васийлик белгилаш ёки таълим муассасасига жойлаштириш ҳақидаги туман (шаҳар) ҳокими қарорининг нусхаси;

ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар (паспортлар ёки ота-онаси ўлганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, суд ҳукмлари ёки қарорлари, ота-онанинг узоқ вақтдан буён касаллиги тўғрисидаги маълумотнома ва ота-онаси йўқлигини ёки уларнинг ўз болаларини тарбиялашга имкони йўқлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар);

яқин қариндошларининг борлиги ва уларнинг яшаш жойлари тўғрисидаги маълумотнома;

вояга етмаганнинг ота-онасидан қолган мол-мулки (агар мол-мулк мавжуд бўлса) рўйхати, мол-мулкнинг жойлашган жойи, унинг сақланишини таъминлаш учун қандай чора-тадбирлар кўрилгани, унинг сақланиши учун жавобгар шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

тураг жойнинг вояга етмаганга биркитиб қўйилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (ордер, уй дафтари, тураг жой тарихи, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан тураг жойнинг эгаси ва тураг жойни хусусийлаштириш факти тўғрисидаги маълумотнома);

пенсия олаётган вояга етмаганнинг пенсия дафтарчаси, суднинг бола фойдасига алимент ундириш тўғрисидаги қарори нусхаси, жамғарма дафтарчаси.



*Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига ўн тўрт ёйдан ўн саккиз ёшгача бўлган, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим берии учун алоҳида шароитларга муҳтож вояга етмаганлар қуийдаги ҳолларда жойлаштирилиши мумкин, агар улар:*

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг моҳиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаган бўлса;

кўриб чиқиши учун материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга берган ҳолда уларнинг айбордлиги масаласини ҳал қилмасдан жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса;

уларни ихтисослашган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тарзидаги мажбурий чоралар қўлланган ҳолда жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган бўлса.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига ўқув-тарбия муассасасига йўлланадиган ҳар бир вояга етмаган бола учун ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хукуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори томонидан ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходими қўмагида шахсий ҳужжатлар йиғма жилди учун қуийдаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

- жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судининг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ҳақидаги ажрими;
- туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;
- маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар (мавжуд бўлса); ўқиш жойидан маълумотнома ва тавсифнома;
- яшаш жойидан маълумотнома ва тавсифнома;
- вояга етмаганнинг яшаш ва тарбияланиш шароитларини текшириш далолатномаси;
- тегишли маълумотномалар билан бирга тиббий карта;
- соғлиқни сақлаш муассасасининг вояга етмаган шахснинг соғлиғи ва уни ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига жойлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси;
- вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг Илтимосномаси (судга).

Ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига йўлланаётган етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларида юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қўйидаги ҳужжатлар ҳам бўлиши лозим:

етим болалар ҳамда ота-она қаровисиз қолган болаларга нисбатан васийлик белгилаш ёки таълим муассасасига жойлаштириш ҳақидаги туман (шаҳар) ҳокими қарорининг нусхаси;

ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар (паспортлар ёки ота-онаси ўлганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, суд ҳукмлари ёки қарорлари, ота-онанинг узоқ вақтдан буён касаллиги тўғрисидаги маълумотнома ва ота-онаси йўқлигини ёки уларнинг ўз болаларини тарбиялашга имкони йўқлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар);

яқин қариндошларининг борлиги ва уларнинг яшаш жойлари тўғрисидаги маълумотнома;

вояга етмаганнинг ота-онасидан қолган мол-мулки (агар мол-мулк мавжуд бўлса) рўйхати, мол-мулкнинг жойлашган жойи, унинг сақланишини таъминлаш учун қандай чора-тадбирлар кўрилгани, унинг сақланиши учун жавобгар шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

тураг жойнинг вояга етмаганга биркитиб қўйилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (ордер, уй дафтари, тураг жой тарихи, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан тураг жойнинг эгаси ва тураг жойни хусусийлаштириш факти тўғрисидаги маълумотнома);

пенсия олаётган вояга етмаганнинг пенсия дафтарчаси, суднинг бола фойдасига алимент ундириш тўғрисидаги қарори нусхаси, жамғарма дафтарчаси.

Ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув тарбия муассасасига жойлаштириш юзасидан тайёрланадиган материаллар тўлиқ ва асосланган бўлиши лозим.

Ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун **вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қўйидаги ҳужжатларни юборади**:

вояга етмаганнинг ўқиши (иш) жойидан маълумотнома ва тавсифнома; вояга етмаганнинг оиласвий-маиший турмуш шароитларини

текшириш далолатномаси;

ички ишлар органининг вояга етмаган томонидан содир этилган ҳукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар ҳамда шу сабабли кўрилган таъсир чоралари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган маълумотномаси;

соғлиқни сақлаш муассасасининг вояга етмаганнинг соғлиғи ҳолати ҳамда уни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлиги ҳақидаги хulosаси.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни олгач, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани олинган

хужжатларни, шунингдек жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган ёки тугатилган жиноят иши материалларини илова қилган ҳолда уч суткадан кечиктиримай судга юборади.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ички ишлар органлари томонидан тақдим этилган хужжатлар билан биргаликда Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия томонидан судга тақдим этилиши тартиби ва муддатлари аниқ белгилаб берилган.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома комиссия томонидан вояга етмаганлар бўйича ички ишлар органлари томонидан тайёрланган ва тақдим этилган хужжатлар тўлиқ ўрганиб чиқилгандан сўнгина судга юборилиши лозим, чунки ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасига жойлаштирилаётган вояга етмаганнинг ҳукуқ ва эркинликлари бузилмаслиги талаб этилади. Қачонки комиссия вояга етмаганнинг хатти-ҳаракатлари уни ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасига жойлаштирилиши талаб этилганда гина ҳамда уни алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтожлиги исботланганда гина судга илтимоснома киритиши керак.

Хусусан, комиссия котиби ички ишлар органлари томонидан тақдим этилган хужжатларни ва комиссия раиси имзолаган Илтимосномани алоҳида чиқиш китобига қайд этган ҳолда судга юборилишини таъминлайди.

## **2-савол: Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши.**

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия уни тақдим этган пайтдан эътиборан 24 соат ичida вояга етмаганнинг яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шахар) судининг судьяси томонидан ёпик суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт. Илтимосномани кўриб чиқишида ички ишлар органининг вакили ва адвокат иштирок этиши мумкин.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вакилининг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш зарурлигини асослаб берадиган маърузасидан бошланади. Сўнгра прокурор, ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, адвокат, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эштилади, тақдим этилган материаллар ўрганилади. Ажрим судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш түғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига мазкур мажбурлов чорасини қўллаш муддатини кўрсатган ҳолда жойлаштириш түғрисида;

вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштиромай туриб тузалиши мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар ёки уни мазкур муассасага жойлаштиришга тўскенилик қиласиган сабаблар судья томонидан аниқланган ҳолларда, илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш ва материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга вояга етмаганга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўллаш учун юбориш түғрисида.

Судъяниг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш түғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришсиз қолдириш түғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дархол ижро этилиши лозим.



Судъяниг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш түғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими дархол мазкур ажримни ижро этишни таъминловчи органлар ва муассасаларга юборилади, вояга етмаганга, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга, васийлик ва ҳомийлик органига, адвокатга, агар у суд мажлисида иштирок этган бўлса, маълумот учун юборилади.

Судъяниг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш түғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими устидан судья мазкур ажримни чиқарган қундан эътиборан ўн кун ичida жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судига вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда адвокат томонидан шикоят берилиши ёки прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судининг судьяси вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш түғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоятни (протестни) шикоят (протест) келиб тушган қундан эътиборан **ўн кун ичida кўриб чиқади ва қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради:**

- ❖ судъяниг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантиришсиз қолдириш түғрисида;
- ❖ судъяниг ажримини ўзгартириш түғрисида;

❖ судьянинг илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш ҳақида;

❖ судьянинг илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажримини вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш масаласини ҳал қилган ҳолда бекор қилиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги «Судъялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судъяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади» деб қўрсатилган. Мазкур қоидага асосан вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши амалга оширилади.

Шунингдек, ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия вакилларининг суд мажлисида иштирок этишини ҳамда уларнинг фикр ва мулоҳазаларини эшитган ҳолда ажрим чиқариши талаб этилади.

Суд ишни кўриб чиқиш жараёнида иш материалларини тўлиқ ўрганиб чиқиши, қўшимча далил ва ашёларни талаб этиши, вояга етмаганнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланишини, камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, ишни кўриб чиқишда қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаши мухим аҳамият касб этади.

«Судлар тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасида «Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади» деб белгиланган, лекин шарҳланаётган нормада суд материалларни ёпиқ кўриб чиқиши кўрсатиб ўтилганки, бунинг асосий сабаби ихтисослаштирилган ўкув тарбия муассасасига жойлаштирилаётган вояга етмаганнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатмаслигини таъминлайди.

**З-савол: Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримини ижро этиш.**

Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримининг ижросини қуидагилар таъминлайди:

вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия – вояга етмаганга нисбатан ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа таъсир чораларини қўллашга тааллукли қисмини;

ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази – вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига олиб боришга тааллуқли қисмини;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси – вояга етмаганни мазкур муассасада сақлаш муддати мобайнида унинг тузалиши ва ижтимоий-педагогик реабилитация қилинишини таъминлашга тааллуқли қисмини.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг

5-моддасида «Суд хужжатлари барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт», деб белгилаб ўтилган.

Мазкур норма суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ёки илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш ва материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга вояга етмаганга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўллаш учун юбориш тўғрисидаги ажрими чиқарилганда уларнинг ижроси маълум субъектлар томонидан таъминланиши шартлигини кўрсатади.

Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримини ижро этиш вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар ва Ички ишлар органларининг Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта қабул қилинган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **2833-сонли қарори** билан тасдиқланган вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги Низомда кўрсатилган ваколатлар доирасида комиссия қўйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

вояга етмаганларни ишга жойлаштириш ва уларнинг майший яшаш шароитини яхшилашда ёрдам кўрсатиш, давлат ёрдамига муҳтоҷ бўлган бошқа вояга етмаганларни жойлаштириш шаклларини аниқлашда кўмаклашиш, шунингдек вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилишга доир қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ишларни амалга ошириш;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилмасдан бошқа таъсир чораси қўлланиши белгиланган суднинг ажрими асосида вояга етмаганларнинг хулқ-атворини кузатиб боришни ташкил этади ушбу тоифадаги вояга етмаганларнинг ҳисобини олиб боради;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ҳамда етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун мўлжалланган таълим муассасаларида сақлаш, тарбиялаш ва таълим олиш шароитлари, болаларнинг истиқомат жойларида маданий дам олишлари уюштирилиши, зарур ҳолларда, умумтаълим мактабларида, бошқа таълим муассасаларида, маданий-маърифий муассасалар ва спорт ташкилотларида вояга етмаганлар билан тарбиявий ишлар олиб борилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида тарбиявий ишлар, умумий таълим ва қасб-хунар ўқувларининг олиб борилиши, уларни сақлаш ва меҳнатининг тўғри ташкил этилиши юзасидан доимий назоратни амалга оширади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида вояга етмаганларни сақлаш ва тарбиялаш шароитларини, шунингдек ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш профилактикаси бўлинмаларидағи ишларнинг ҳолатини текширади. Конун нормалари асосида бошқа вазифаларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 2019 йил 29 майдаги **4342-сонли қарори** асосида марказлар вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига олиб боради, шунингдек ушбу муассасаларда сақланётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 2019 йил 29 майдаги 4342-сонли қарори ўқиб ўрганиш.

### **Назорат учун саволлар:**

1-савол. Республика ўқув-тарбия муассасаларига кимлар жойлаштирилади?


2-савол. Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўrsatiш маркази ходими кўмагида шахсий ҳужжатлар йигма жилди учун қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?

**7-МАВЗУ:ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2019 ЙИЛ 29 МАЙДАГИ “ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПҚ-4342-СОН ҚАРОРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ.**

### **Семинар машғулоти. (2 соат)**

Ушбу ўқув машғулоти **“Давра сухбати”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра сухбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра сухбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра

сухбатида ўқитувчи мавзуни бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айланга бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1-савол. Республика ўқув-тарбия муассасаларига кимлар жойлаштирилади.

2-савол. Профилактикаси инспектори томонидан ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходими кўмагида шахсий ҳужжатлар йигма жилди учун қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?

3-савол. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қандай ҳужжатларни юборади.

4-савол. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья қандай ажримлар чиқаради?

### **Мустақил тайёргарлик учун савол:**

1-савол. Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходими кўмагида шахсий ҳужжатлар йигма жилди учун расмийлаштириладиган ҳужжатлар.

2-савол. Илтимосномани кўриб чиқиша ички ишлар органининг вакилининг иштирок этиши.

3-савол. Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримининг ижроси.

4-савол. Вояга етмаганнинг яшаш ва тарбияланиш шароитларини текшириш.

## **7-МАВЗУ:ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2019 ЙИЛ 29 МАЙДАГИ ‘ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА’ГИ ПҚ-4342-СОН ҚАРОРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ.**

**Амалий машғулоти. (2 соат)**

### **РЕЖА:**

**1-савол. Вояга етмаганнинг яшаш ва тарбияланиш шароитларини текшириш далолатномаси расмийлаштириш тартиби.**

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш учун вояга етмаганнинг яшаш ва тарбияланиш шароитларини текшириш тўғрисида далолатнома расмийлаштириш.

## **8-МАВЗУ: ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГЛАРНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ВА ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИ.**

**Маъруза машғулоти. (2 соат)**

### **РЕЖА:**

1-савол.Ҳуқуқбузарликлар умумий ва виктимологик профилактикасини ҳуқуқий асослари.

2-савол.Инспектор-психологлар умумий ва виктимологик профилактик фаолиятининг асосий йўналишлари ва чора-тадбирлари.

3-савол.Инспектор-психологлар умумий ва виктимологик профилактик фаолиятини ташкил этиш.

### **1-савол. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактик фаолиятининг ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни комплекс тартибга солгани билан бир қаторда бу борадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Қонун 7 та боб, 51 та моддадан иборат бўлиб, унда умумий қоидалар, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари, асосий принциплари, турлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари, якуний қоидалар белгилаб берилган.

Қонунийлик, инсонпарварлик принциплари билан бир қаторда тизимлилик, оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига якка тартибда ёндашишнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари этиб белгиланганлиги унинг ўзига хос хусусиятларга эгалигини кўрсатади.

Қонуннинг 3-боб **22-моддаси ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси** – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасидир.

Қонуннинг **8-моддасида** вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизими сифатида қўйидагилар белгиланган:

- ✓ вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар;
- ✓ ички ишлар органлари;
- ✓ таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- ✓ васийлик ва ҳомийлик органлари;
- ✓ соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;



✓ меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари.

Ушбу органлар вояга етмаганлар йўтасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга оширадилар.

Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактик фаолиятини белгилаб берувчи яна бир хуқукий асоси сифатида Ўзбекистон

Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги 2008 йил 17 апрель қонунини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқdir.

Қонуннинг **5-моддасида** одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари тизими қуидагича белгилаб берилган:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консулийк мусассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Қонуннинг **7-моддасида** эса одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари сифатида одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиной уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг хуқуқни муҳофaza қилувчи органлари билан ҳамкорликни амалга оширишлари, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиной уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларига ахборот тақдим этишлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи, оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг миқёсда огохлантириш-профилактика ишларини ўтказишлари каби умумий профилактик чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2013 йил 7 октябрь) қарорининг қабул қилиниши маҳалла, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари профилактика хизматлари, шу жумладан ҳудудий профилактика (катта) инспекторлари билан доимий равишда ҳамкорликда иш олиб борувчи жамоат тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 151-сонли буйруғи асосида профилактика инспекторларининг хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби

белгилаб берилган.

Хулоса қиласынан бўлсак, профилактика инспекторининг умумий профилактик фаолияти қонун ва қонун ости ҳужжатлари асосида фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя филишга қаратилган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувафиқ.

Маъмурий худудларда аҳоли ҳақидаги демографик маълумотларни таҳлил қилиш, уларни тоифаларга ажратишни табақалаш эмас балки улар билан амалга оширилиши режалаштирилиш лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб олишни таъминлайди.

Шу жумладан фуқароларнинг алоҳида тоифалари билан виктимологик профилактикані амалга ошириш зарурати аниқланади. Ҳукуқбузарликлар содир этилишида қўп ҳолларда жабрланувчиларнинг айбордлигини аниқлаш мумкин. Шу сабабли ҳукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ҳақида фикр юритишдан олдин «виктимология» сўзининг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш мақсадга мувофиқdir, энциклопедик ва изоҳли луғатларда «виктимология» лотинча «victim» – жабрланган, жабрланувчи ва юонча «logos» – таълимот яъни, жабрланувчилар ҳақидаги таълимот, деган маънени англатади.

Шу билан бир қаторда илмий тадқиқотларда виктимлик деган тушунчалар ҳам киритилган бўлиб, бу инсоннинг ҳукуқбузарликдан жабрланиш имконияти эмас, балки инсоннинг ҳукуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолати ҳисобланади ҳамда виктимликнинг айболи ва айбсиз турлари ажратилган.

**Айболи виктимлик** - потенциал қурбоннинг салбий, ҳукуқ ва ахлоқ нуқтаи назаридан номуносиб ҳулқидан иборат бўлиб, у жиноят содир этилишига имкон берадиган омил ҳисобланади. Масалан, йўл-транспорт ҳодисаларидан фуқароларнинг қўргина қисми йўл қоидаларига риоя қилмаганликлари оқибатида жабрланадилар.

**Айбсиз виктимлик** - умуман ҳаётда, хусусан, жиноятдан аввалги вазиятда ижтимоий маъқул ахлоққа эга бўлган муайян шахснинг (масалан, инкассатор, маҳалла посбони) меҳнат ёки жамоат фаолиятининг хусусияти ёхуд психофизиологик жиҳатлари (масалан, бола, қария, беморлиги кабилар) билан боғлиқ.

Шу ўринда виктимлик даражалари мавжудлигини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада виктимликнинг қуйидаги уч даражаси мавжудлиги қўзга ташланади:

**1 виктимлик даражаси кам бўлган шахслар** – жисмонан бақувват, воқе-лика тўғри ёндашувчи ва бошқалар;

**2 виктимлик даражаси ўртacha бўлган шахслар** – нейтрал шахслар, яъни ўзи низоли ҳолатни келтириб чиқармайдиган, лекин ноҳақликка чидолмайдиган шахслар;

**3 виктимлик даражаси юқори бўлган шахслар** – касби, ижтимоий мақоми, биофизиологик хусусияти, моддий аҳволи, маънавий-рухий белгилари кабилар билан боғлиқ ҳолда ҳукуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган шахслардир.

Виктимликни келиб чиқиши манбаига кўра объектив ва субъектив омилларга ажратиш мумкин, яъни:

**объектив омиллар** – маънавий ва жисмоний жиҳатдан ожизлар, аёллар, қариялар, ёш болалар, ногиронлар, пассив характерга эга бўлганлар (қўрқоқлар, журъатсизлар);

**субъектив омиллар** – ишонувчилар, беътиборлар, мақтанчоқлар (бойлигини, ўзини кўз-кўз қилувчилар), урушқоқлар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 54-моддасида ҳам «жабрланувчи» тушунчаси ўз ифодасини топган бўлиб, унга асосан, «етарлича далилларга асосланган ҳамда жиноят оқибатида моддий, маънавий, жисмоний зарар етказилган шахс» тушунилади деб баён этилган бўлса, Маъмурий жавобгарлик кодексининг 295-моддасида “Маъмурий хукуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулдкий зарар етказилган шахс жабрланувчи деб топилади” деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида “Хукуқбузарликдан жабрланувчи – жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида хукуқбузарликдан жабрланган шахс” деб баён этилган.

**Мазкур қонуннинг 43-моддасида “Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасасининг муайян шахснинг хукуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти хукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир” деб тушунчасига таъриф бериб ўтилган.**

**Хукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси** – хукуқбузарлик ларнинг виктимологик профилактикасини амалга ошириш жараёнида маъмурий худудда фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг хукуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида хукуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланиш хавфини тугдираётган омиллар ва хукуқбузарликлар хақида маълумотлар бериш, бу борада уларни огоҳликка ва ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларидан иборат.

## **2-савол. Инспектор-психологларнинг умумий ва виктимологик профилактик фаолиятининг асосий йўналишлари ва чора-тадбирлари.**

Хукуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг чора-тадбирлари ва усусларининг кўплиги ҳамда турли-туманлиги уларни тўлиқ таснифлаш, санаб ўтиш ва таҳлил қилиш имконини бермайди.

Бу ўринда хукуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятларига баҳо бериш аҳамиятлидир, бунда ушбу турдаги профилактиканинг обьектларининг ўзига хослигига эътибор қаратилади.

Хусусан, хукуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг обьекти - **кенг жамоатчиликдир** ва бунда алоҳида шахслар танлаб олинмайди. Масалан,

маҳалла аҳолиси, меҳнат жамоалари (корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари), вояга етмаганлар жамоаси (мактаб, коллеж ва академик лицейлар), ёшлар жамоаси ва бошқалар. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси барчага бир ҳил равища етказиб берилади ва таъсир доираси кенгроқлиги билан ажралиб туради.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг қуидаги асосий иккита йўналиши мавжуд:

**Биринчидан**, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлашга қаратилган усуллар ташкил қиласди. Ушбу усулларнинг хусусияти шундаки, улар бевосита профилактик самара бермайди (ва бериши ҳам керак эмас). Шунга қарамай, ушбу усулларнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг пировард мақсадлариiga эришишдаги ўрни ва аҳамиятини қадрламаслик хато бўлади. Чунки бу жараёнда ҳудуддаги ёки маълум бир гурухлар ўртасидаги муаммолар, низолар ва ҳуқуқбузарликларнинг умумий кўриниши таҳлил этилади.

**Иккинчидан**, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни бартараф этишга бевосита қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш киради, масалан учрашув, маъруза, тарғибот-ташвиқлот ва шу каби чора-тадбирлар амалга оширилади.

Инспектор-психологларнинг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг бошқа турларидан фарқига эътибор қаратиш лозим. Масалан, бошқа профилактиканинг бошқа турлари чора-тадбирлари аниқ бир ҳуқубузарликларни бартараф этишга қаратилган бўлса, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари кўп мақсадли хусусиятга эга бўлади, масалан фуқароларнинг маънавий-ҳуқуқий тарбиясини шакллантириш, уларни қонун ва қонун ости ҳужжатларига риоя қилиш борасидаги тушунчаларини ошириш ҳамда уларнинг фаоллигини ошириш орқали келгусидаги ижтимоий муҳим натижаларга эришиш мўлжалланади.

Инспектор-психологларнинг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий вазифалардан ташкил топган.

Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг йўналишига, тузилишига, даражасига, сабаб ва шароитларига тўлиқ таъсир қилишдан иборатdir. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти субъектлари томонидан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳуқуқбузарликнинг сабаб-шароитлари, бошқа детерминантларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, таъсирини йўқотиш, кучизлантириш бўйича усул ва шаклларни амалга оширишдир.

Инспектор-психологларнинг умумий профилактик фаолиятининг асосий йўналишлари қуидагилардан иборат:

-ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли таклифлар киритиш;

-ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнига, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини, фуқароларни жалб этиш;

-хукуқбузарликларнинг умумий профилактикасини оммавий ахборот воситаларида чиқишлиар қилиш, жойларда маърузалар ўқиш, давра сухбати, учрашувлар ташкил этиш, аҳоли гавжум жойларда хукуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видео роликлар намойиш қилиш, огоҳликка чақирувчи овозли матнни эшигтириш, шунингдек аҳоли гавжум жойларда ҳамда пиёдаларнинг фаол ҳаракатланиш йўналишларида патруллик йўналишларини ташкил этиш, маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш каби профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ташкил этилишини таъминлаш;

-хукуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган янги қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш чора-тадбирларини амалга ошириш ва бу жараёнга хукуқни муҳофаза қилиш органлари, маънавий-хукуқий тарғибот марказлари, таълим муассасаларининг вакилларини, шунингдек олимларни, шоирларни ва депутатларни жалб этилишини таъминлаш;

-маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки алоҳида турдаги хукуқбузарликларнинг содир этилишини тақозо этаётган сабабларни ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлагандан уларни бартараф этиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳудудий ички ишлар органи бошлиғи орқали, вазирликлар ва қўмиталарга эса Ички ишлар вазирлиги томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда тақдимнома киритилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги **Қонунининг 44-моддасида** хукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари қўйидагилардан иборат эканлиги белгилаб берилди:

–хукуқбузарликлардан жабрланганларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

–аҳолига, шу жумладан хукуқбузарлиқдан жабрланганларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усувларини ўргатиш;

–хукуқбузарликдан жабрланганларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўриш;

–хукуқбузарликдан жабрланганларга профессионал хукуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатадиган реабилитация марказларини ташкил этиш;

–хукуқбузарликдан жабрланганнинг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган маҳсус кенг қўламли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усувлари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

—ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки хуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (худудларни) мунтазам равищда назорат қилиш;

—ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрлананаётган ёки содир этилган хуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса хузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш;

—профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;

—хуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуслари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш.

Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш тартибини батафсилроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**1.Хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш.**

Хуқуқбузарликлардан жабрланишга мойил бўлган, жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ва жабрланган шахсларни аниқлаши, уларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиши, шахснинг характери, темпераменти, руҳий кечинма ва ҳолатлари, ҳодисаларга ва теварак-атрофдагиларга муносабати, салбий хусусиятлари, иродаси, мотивлари, дунёқараши ва бошқалар аниқланади. Бундан ташқари, жабрланувчига профилактик таъсир этиш жараёнида унга хос бўлган алоҳида хусусиятлари, хусусан, интеллектуал, иродавий, ахлоқий сифатларнинг ҳисобга олиниши, шахснинг қўтаринки (оптимистик) ёки тушкун (пессимистик) кайфиятига қараб бир хил вазиятни турли шахслар турлича талқинда (яхши ва ёмон таассуротлар асосида) эслаб қолиши мумкинлигини инобатга олиши зарур.

**2.Аҳолига, шу жумладан хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиши усусларини ўргатиш.** Хуқуқбузарликлардан жабрланишига олиб келувчи низолар ва низоли вазиятларни аниқлайди ва ўрганади. Ушбу жараёнда шахслар ўртасида вужудга келган низоларнинг сабаб ва шароитларининг таҳлилларига асосан уларни ҳал этишнинг: а)ўзаро келишув ёки бир-биридан кечирим сўраш; б)етказилган мулкий ёки маънавий зарарни бартараф этиш; в)тарафларнинг яқинлари таъсири имкониятидан фойдаланиш; г)амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ваколатли орган ва муассасага мурожаат қилиш ва бошқа усусларни тушунтирадилар.

**3.Хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиши бўйича чора-тадбирларни кўриш.** Хуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар тўғрисида олинган ахборотларни таҳлил қилинади, бу йўналишда жабрланувчиларни ҳимоя қилиш чораларини амалга оширади. Жабрланувчиларни ҳимоя қилиш қўйидагиларни, жумладан, шахснинг хуқуқларини ҳимоя қилишни, тиббий, психологик, педагогик ёрдам беришни, яқинлари ва бошқалар билан

алоқаларни яхшилашни, жабрланувчиларнинг бузилган ҳукуқларини тиклашни, ўзини ўзи химоя қилиш усулларини ўргатишни назарда тутади.

**4.Хукуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиши.** Ўзбекистон Республикасининг «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг 45-моддасида белгиланган тартибда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун хужжатларига мувофиқ хукуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиши мумкин. Ушбу ихтисослаштирилган муассасалар ҳукуқбузарликлардан жабрланувчиларга хукукий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатади. Мазкур норма талабларига асосан ихтисослаштирилган муассасалар: а)хукуқбузарликлардан жабрланган шахсларни аниқлайди; б)уларга кечичириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатади; в)уларнинг хавфсизлигини таъминлайди; г)яқинлари ва бошқалар билан мулоқот ўрнатишида қўмаклашади; д)хукуқбузарликдан жабрланувчилар ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида тушунтиради; хукуқбузарликлардан жабрланувчиларни ижтимоий реабилитациясини амалга оширади.

**5.Хукуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган маҳсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиши усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиши.** Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги», «Диққат пиёда», «Диққат болалар», «Диққат темир йўл», «Маст ҳайдовчи» каби маҳсус ҳамда тезкор профилактик тадбирлар ўтказилади, жабрланувчиларнинг психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бошқа маҳсус чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

**6.Гайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки хукуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (худудларни) мунтазам равишда назорат қилиши. биринчидан,** маъмурий худуддаги ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки хукуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойлар, жумладан кафе, бар, ресторон, аҳоли гавжум жойлар, ташландиқ ёки қаровсиз бинолар кабиларни аниқлайди,

**иккинчидан,** ушбу жойларни (худудларни) мунтазам равишда назорат қилишни ташкил этиш бўйича қўшимча патруль нарядлари жорий этади ёки уларнинг йўналишларига тегишли ўзгартишлар киритади,

**учинчидан,** мазкур жойларда фуқароларнинг хукуқбузарликлардан жабрланишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради,

**тўртинчидан,** ушбу жойларда одамларнинг жабрланишига олиб келувчи омилларни бартараф этишни сўраб, тегишли ҳокимликларга, мутасадди ташкилотларга асослантирилган таклиф ва тақдимномалар киритади.

**7.Хужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан ахолига ҳуқуқий тарбия ва таълим берии.** Аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, спорт тўгаракларида ўзини ҳимоя қилиш учун куч ишлатишни ўргатиш, оммавий ахборот воситаларида ҳимояланиш усулларини қўллашни намойиш этишини ташкил этиш орқали амалга оширилади. Бу жараён фуқароларга ҳужум қилинган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 37-моддасига асосан «Зарурий мудофаа», 38-моддасига асосан «Охирги зарурат» доирасида куч ишлатиб ўзларини ҳимоя қилишлари ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишни ҳам назарда тутади.

**8.Ғайриижтимоий хулқ-автор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳукуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиши.** Бугунги кунда ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ғайриижтимоий хулқ-автор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳукуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ишонч телефонлари ташкил этилган. Бугунги кунда илғор тажрибаларни ўргангандан ҳолда ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи тегишли орган ёки муассасалар ҳузурида қутқарув хизматларини ташкил этиш ва фаолият юритишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмини яратиш энг долзарб вазифалардан биридир.

**9.Профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиши, уларни амалга ошириши жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиши мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиши.**

Жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатларни:  
а) ҳукуқбузарликтан жарбланувчи бўлишга олиб келадиган сабаб ва шароитлар;  
б) ҳукуқбузар томонидан қўлланиладиган қурол ва усуллар ҳақида огоҳ этиш;  
в) ҳукуқбузарлардан ҳимояланиш усуллари ва уларни қўллаш тактикасини ўргатиш; г) ҳукуқбузарликлар виктимологик профилактикасига доир дастурларни ҳамда унга киритилаётган чора-тадбирларни муҳокама қилиш; д) ушбу дастурларини амалга ошириш жараёнида юзага келаётган муаммо, хато ва камчиликларни аниқлаш; е) уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш ҳамда самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида ташкил этади.

**10.Ҳукуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш.** Ҳукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини таъминлашга хизмат қилувчи, жумладан, фуқароларни ҳукуқбузарликтан ҳимояланиш, ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари, воситалари ва шаклларини ўргатувчи маҳсус миллий электрон адабиётларни тайёрлаш, кўпайтириш, тарқатиш ва ундан фойдаланишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш бугунги кунда ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар олдида турган долзарб вазифалардандир.



Ҳозирги вақтда ички ишлар органлари томонидан амалга оширилаётган профилактик тадбирлар асосан хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот-түшунтирув ишларини олиб бориш ҳамда гайриижтимоий салбий хулқатворга эга бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан тарбиявий профилактик ишларни ташкил этишга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, профилактика инспекторларининг хуқуқбузарларликтарнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш келгусида ушбу фаолиятни самарали ташкил этишга хизмат қиласди.



#### ***Бунинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:***

–фуқароларни турли кўринишдаги жиноятларнинг қурбони бўлишининг олдини олиш (мисол учун, одам савдоси, диний экстремизм ва терроризм ва бошқалар);

–жиноят қурбони бўлиши мумкин бўлган тоифадаги (ишонувчан, қизиқувчан, хуқуқий даражаси юқори бўлмаган) шахсларни аниқлаш ва уларнинг хуқуқий онги ва маданияти ошириш;

–касби жиноят қурбонига айланишига олиб келувчи шахслар (хайдовчилар, инкасаторлар)нинг хушёrlигини ошириш бўйича маслаҳатлар бериш;

–муайян ҳатти-ҳаракатлари билан бошқаларнинг эътиборини ўзига жалб этувчи (ҳар хил турдаги тақинчоқ ва қиммтли буюмларни ёнида олиб юрувчи криминоген хусусиятга эга бўлган шахслар)га виктимологик профилактиканинг мазмуни ва моҳиятини түшунтириш.

Ички ишлар органларининг виктимологик профилактика фаолиятини масарали ташкил этилиши жиноятлардан жабрланиши мумкин бўлган муайян тоифадаги шахсларни ўрганиш ва ўз вақтида ҳамда ушбу йўналишдаги комплекс профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

#### ***3-савол. Инспектор-психологларнинг умумий ва виктимологик профилактик фаолиятини ташкил этиш.***

Хуқуқбузарларник умумий профилактик фаолиятини ташкил этиш жараёнида уларнинг нимага қаратилганлигига эътибор қаратилиши лозим. Хусусан, муайян ҳудудларда салбий хусусиятга эга бўлган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг кўпайиши аҳоли ўртасида түшунтириш ишларини ташкил этилиши ва амалга оширилиши талаб этади.

Хукуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг туб мазмун ва моҳияти бу аҳолини давлатда ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя қилиш, қонунларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, кенг миқёсда хукуқбузарликларнинг сабаб-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш фаолиятидир.

Инспектор-психологларнинг умумий тартибдаги профилактик фаолиятини ташкил этишда ҳамкорликдаги амалга ошириладиган ишларга эътиборни кучайтириш талаб этилади. Ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан хукуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ҳамкорликда амалга оширишлари самарадорлиги юқоридир.

Инспектор-психологларнинг умумий профилактик фаолиятидаги ҳамкорликнинг самарадорлиги биринчидан, бу жараёнда иштирок этувчи субъектларнинг бу соҳадаги ваколатларининг амалдаги қонунларда қанчалик аниқ белгиланганига, иккинчидан, уларнинг бу йўналишдаги фаолияти учун хукукий асос қанчалик даражада ишлаб чиқилганига, учинчидан, улар ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этишининг хукукий механизми қандай даражадалигига, тўртинчидан, ушбу ҳамкорликни ташкил этувчи кадрларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ.

Масалан, профилактика хизматлари диний экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари борасида тарғибот-ташвиқот ишларида диний қўмита вакиллари билан ҳамкорлик қилсалар, бу борадаги тушунтириш ишлари фуқароларга етарли даражада етиб боради, гиёҳвандлик ва сурункали ичқиликбозликни олдини олиш юзасидан ўтказиладиган давра суҳбатлари ёки тарғибот-ташвиқот ишларида соғлиқни сақлаш органлари ходимларининг иштироки самаралироқ бўлади.

Шу боисдан Профилактика инспекторининг фаолиятини режалаштирища хукуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг чора-тадбирларини ўтказилишини ва уларда ҳамкорликда ишлтирок этувчи субъектларни аниқ келтириб ўтилиши ҳамда улар билан келишилган ҳолда тузилиши муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса киладиган бўлсак, Профилактика инспекторининг умумий профилактик фаолиятини ташкил этиш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга:

- ✓ худудлардаги криминоген ва оператив вазиятлар таҳлилига;
- ✓ маълум бир маконда ёки жойларда қайси турдаги хукуқбузарликларнинг содир этилишининг қўплигига;
- ✓ ИИОларига фуқаролардан қайси турдаги хукуқ ва эркинликлари бузилганлиги ҳақида келиб тушган ариза ва шикоятларга;
- ✓ маълум бир ҳудуд ёки жойларда фуқароларнинг айрим қонун ва қонун ости ҳужжатларини билмасликлари ва бошқалар.

Хукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси – бу муайян шахснинг хукуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолият эканлигидан келиб чиқиб, уни ташкил этиш жараёни ҳам бошқа профилактикани турларини ташкил этишдан фарқланади.

Амалиётда бугунги кунгача режаларда жабрланувчилар билан ишлаш ёки жабрланувчи бўлиб қолиш эҳтимоли бўлган шахслар билан амалга ошириладиган чора-тадбирлар ўз аксини топмаган. Аммо, ходимларнинг, жумладан профилактика инспекторларининг айрим ҳаракатлари виктимологик профилактиканинг элементларини ўз ичига олади. Масалан, тунги вақтларда қўриқланадиган обьектлар қоровуллари хизматини назорат қилиш, жамоат жойларида назорат ишларини амалга ошириш, корхона, ташкилот ва муассасаларда, аҳоли яшаш пунктларида паспорт-виза, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, назорат-лицензия фаолияти обьектларини текшириш, фуқаролар билан огоҳлантирув тарзидаги ишларни амалга оширилиши кабилар.

Виктимоген омилларни аниқлаш, бартараф этиш, заарсизлантириш ва уларнинг таъсирини камайтиришга ҳамда виктимлик даражаси юқори бўлган шахсларни аниқлаш, улардаги виктимлик даражасини пасайтириш ва уларнинг жиноий ва бошқа ҳар қандай қўринишдаги тажовузлар қурбони бўлиш хавфини камайтиришга қаратилган комплекс ҳимоя-тарбия чора-тадбирлари амалга оширилади. Эътиборли томони шундаки, хукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолият хукуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсга эмас, балки хукуқбузарликдан жабрланишга мойил бўлган шахсларга ҳамда улардаги бундай мойилликни шакллантирувчи омилларни бартараф этишга қаратилади.

Амалиёт таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари қўллашда қўйидагиларни ҳисобга олишни талаб этади:

**бираинчидан**, «одам савдоси», «экстремизм», «терроризм», «коммавий маданият» хавфи каби бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар таҳдидларидан огоҳ этиш, ёнгин, йўл-транспорт ҳодисалари, баҳтсиз ҳодисаларга олиб келадиган хукуқбузарликлар таҳдидидан огоҳ этиш мақсадида аҳолининг барча қатламига етказиши;

**иккинчидан**, ижтимоий-рухий, жисмоний-физиологик, касби, ижтимоий-моддий аҳволи ва бошқа хусусиятлари билан мулкка қарши жиноятлар жабрланувчисига айланиш хавфи мавжуд бўлган, ўзининг ғайриижтимоий хулқатвори хавфлилиги туфайли шахсга ва мулкка қарши хукуқбузарликлар жабрланувчисига айланиш мойиллиги бўлган фуқароларга нисбатан тушунтириш-огоҳлантирув ишларини амалга оширишни;

**учинчидан**, оила-турмуш ва майший соҳада тез-тез низолар, келишмовчиликлар келтириб чиқарувчи ва бошқа салбий хусусиятларга эга тоифадаги шахсларга нисбатан профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Инспектор-психологларнинг фуқароларни диний экстремизм, терроризм, сепаратизм, гиёҳвандлик, одам савдоси ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноятларнинг содир этилишидан эҳтиёт бўлиш, сақланиш ва унинг салбий оқибатларини тушнтириш, шунингдек, жабрланиши эҳтимоли мавжуд бўлган

шахслар билан индивидуал равищда виктимологик профилактик фаолиятни амалга оширади.

Инспектор-психологларнинг виктимологик профилактиканни худудда кўп содир этилаётган ёки ижтимоий хавфи ошиб бораётган ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган маълум бир тоифадаги шахслар хусусиятидан келиб чиқиб, тарғибот-ташвиқот ёки бошқа турдаги профилактик чора-тадбирлар асосида фуқароларни огоҳликка, ҳушёргликка ва хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этишга чорлаш мақсадида амалга оширилади.

### **Инспектор-психологларнинг виктимологик профилактиканни қўйидаги йўналишларда ташкил этиши керак:**

- ❖ маъмурий худудни профилактик кўздан кечириш ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ❖ ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлардан жабрланишга мойил шахсларни аниқлаш ва уларнинг жиноятдан жабрланиш эҳтимолини камайтириш бўйича тегишли чоралар кўриш;
- ❖ жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб ва қонун хужжатлари талабларига тўлиқ риоя этмайдиган фуқароларни аниқлаш ҳамда уларга ушбу салбий хатти-харакати оқибатида жиноят қурбони бўлиши мумкинлиги ҳақида тушинтириш;
- ❖ фуқароларнинг шахсий, турар-жой, мулк дахлсизлигини таъминлаш ҳамда уларнинг мол-мулкига тажовуз бўлиши эҳтимоли ҳақида тушинтириш ва уларнинг ушбу ўғирлик жиноятлари қурбони бўлишини олдини олиш;
- ❖ маъмурий худудда ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир қўрсатиш;
- ❖ ижтимоий мавқеи, физиологик ҳолати, хулқ-атвори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан виктимологик профилактика чора-тадбирларини қўллаш;
- ❖ фуқароларга алоҳида тоифдаги жабрланиш хавфини тутдираётган омиллар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу борада уларни огоҳликка ва ҳушёргликка чақириш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш;
- ❖ ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлар қурбони бўлган шахслар ҳуқуқбузарлик содир этилишидаги ўрни ва ролини, жабрланишнинг сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- ❖ ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштириб бориш ва амалиётга жорий этиш;
- ❖ ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларга патруль-пост нарядларини жалб этиш;

❖ хужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охирги зарурат чегаралари ҳақидағи маълумотларни тарғибот-ташвиқот қилиш орқали фуқароларда қилинган хужумни бартараф этиш қўникмаларини шакллантириш;

❖ ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида тезкор ахборотлар олиш ва улардан профилактик фаолиятда фойдаланиш;

❖ жисмоний ва юридик шахсларга ўзларининг хавфсизлиги ҳамда мулкларини қўриқлаш бўйича техник воситалар имкониятларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ва ҳуқуқий маслаҳатлар беради ҳамда бошқа чоратадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда бугунги кунда одам савдоси жиноятидан жабрланаётган шасхслар кўпчиликни ташкил этмоқда. Ҳаттоқи жабрланган шахслар ичида вояга етмаганлар ҳам мавжуд. Энг ачинарлиси шуки, одам савдоси жинояти қурбонларининг асосий қисмини аёллар ташкил этади. Мазкур жиноятдан жабрланган шахслар ўзларининг ҳулқ-атворлари, етарли даражада ҳуқуқий жиҳатдан билимга эга бўлмаганликлари ҳамда ишонувчанлиги оқабатида йўл қўйган хатолари туфайли турли мамлакатларда жиноий гурухларнинг қўлида сарсон-саргардон бўлишига олиб келган.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга ошириш усуллари ва шаклларининг турли-туманлиги сабабли уларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш зарурати туғилади. Виктимологик профилактиканинг шакллари оғзаки, ёзма ва қўргазмали тартибда ташкил этилади.

Ҳуқуқий тарғиботнинг кенг тарқалган шаклларидан бири оғзаки тарғиботдир. Оғзаки тарғиботнинг таъсири кенг бўлиб, бир марталик маъруза ўқиши билан олиб борилмайди балки унинг бир қанча қўринишларини қўллаш билан амалга оширилишини талаб этади.

Инспектор-психологларнинг томонидан виктимологик профилактик фаолиятни ташкил этишда виктимоген омилларни бартараф этиш ҳамда виктимлиги юқори бўлган муайян тоифадаги шахсларни аниқлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишда криминологик профилактиканинг анъанавий усулларидан фойдаланилади, аммо улар потенциал жиноятчига эмас, балки потенциал жабрланувчига (жиноий тажовузнинг қурбонига айланмаслиги учун) қаратилади.

Таъкидлаш жоизки, ўзларининг ҳулқ-атвори туфайли жиноятчилик қурбонига айланган шахслар ҳақидағи маълумотлардан фойдаланиб, фуқаролар ўртасида тарғибот-тушунтирув ишларини олиб бориш виктимологик профилактиканда жуда яхши самара бериш билан бирга фуқароларнинг огоҳлигини оширади, уларнинг ўз хатти-харакатлари ва улар мулоқотга киришадиган шахсларнинг ҳулқ-атворига нисбатан танқидий муносабатда бўлишларига ёрдам беради.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берадиган шароитларни аниқлаш давомида виктимоген хусусиятга эга бўлган ҳолатларга эътибор беришлари керак. Булар асосида фуқаролар учун **маҳсус эслатмалар, варақалар, плакатлар** ишлаб чиқилади. Уларда у ёки бу жиноят қурбонига айланмаслик учун фойдали маслаҳатлар берилади (масалан, автомобиль

ҳайловчисига автомашина олиб қочилишига йўл қўймаслик чоралари ҳақидаги эслатма; фуқароларга квартира ўғриликлари содир этилишига имкон берувчи шароитларни бартараф этиш учун эслатма; одам савдоси жинояти қурбони бўлишга олиб келувчи омиллар ҳақида эслатма ва.х.к.).

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чукурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик қўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 3 ва 6 бобларини ўрганиш ва тегишли бандларини конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар:**

- 1-савол.Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси тушунчаси.
- 2-савол.Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тушунчаси.


## **8-МАВЗУ:ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГЛАРНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ВА ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИ.**

**Фото лавхалар.**



## Семинар машғулоти. (2 соат)

Ушбу ўкув машғулоти “*Кластер*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.



### **Мустақил тайёргарлик учун саволлар:**

1-савол. Инспектор-психологларнинг умумий профилактик фаолиятининг асосий йўналишлари.

2-савол. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўtkазиш.

3-савол. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўtkазиш.

### **9-МАВЗУ:ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИ. Маъруза машғулоти. (2 соат)**

#### **РЕЖА:**

1-савол. Инспектор-психологнинг маҳсус профилактик фаолиятининг ўзига хос хусусияти ва ҳуқуқий асослари.

2-савол. Инспектор-психологнинг маҳсус профилактик фаолиятининг асосий йўналишлари ва чора-тадбирлари.

#### **1-савол. Инспектор-психологнинг маҳсус профилактик фаолиятининг ўзига хос хусусияти ва ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Конунига асосан ички ишлар органлари ўз ваколати доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқиш, мамлакатдаги, айrim минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон беряётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш каби вазифаларни бажаришлари белгиланган.

Шу ўринда, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашда алоҳида ўринни эгаллайди.

Ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини мунтазам равишда ташкил этиш лозим эмас, балки уни зарурат туғилгандагина режали, куч ва воситаларни тўғри тақсимлаган ҳолда ташкил этилиши тақизо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Конунида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айrim турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон беряётган шарт-шароитларни

бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишга доир фаолияти **хуқуқбузарликларнинг махсус профилактика-сидир**, - деб таъриф берилган ва ўтказиш шартлари кўрсатиб ўтилган (24-модда).

Хуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ўзига хос хусусияти унинг қачон ва қайси вазиятда, қайси жиноятлар ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ўтказилиши билан ажралиб туради.

Шунингдек, хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси алоҳида кўрсатма, топшириқ, буйруқ ва режалар асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади. Бундан ташқари ушбу профилактиканинг чора-тадбирлари аниқ бир хуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши, хуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг тушунчаси ва унинг чора-тадбирларини ҳамда қайси тоифадаги шахсларга нисбатан ўтказилишини белгилаб берди.

Қонуннинг **25-моддасида** илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари, **26-моддасида** алкоголни суистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари, **27-моддасида** вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қили-нишини чеклаш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш ва уни тарғиб этувчи ҳолатларга қарши кураш йўналишларини ҳамда махсус профилактикасининг чора-тадбирларини белгилаб берди.

**Қонуннинг 3-моддасида қўйидаги тушунчалар бериб ўтилган, жумладан:**

**алкоголь маҳсулоти** – «конъяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти»;

**алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишининг салбий таъсири профилактикаси** – «алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ фуқаролар соғлиғига, аввало, ёшлар соғлиғига, уларнинг жисмоний, маънавий ривожланишига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига таҳдидларнинг ҳамда бошқа таҳдидларнинг олдини олишга ва уларни камайтиришга қаратилган ижтимоий, хукуқий, тиббий чора-тадбирлар ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуи»;

**алкоголга қарамлик** – «алкоголь маҳсулотига патологик ружу қўйиш, алкогодан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (рухий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик (сурункали алкоголизм)»;

**тиббий огоҳлантириш** – «алкоголь маҳсулоти идишининг ёрлиғида ҳамда тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) жойлаштириладиган, алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги ахборот», - деб кўрсатиб ўтилган.

*Қонуннинг 4-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишилари қўйидагича кўрсатилган:*

-фуқаролар соғлиғини сақлаш, алкоголь, тамаки маҳсулот-ларининг заарли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган ҳукуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмууни амалга ошириш;

-фуқароларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, уларнинг соғлиғига алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда бундай таҳдидларни камайтиришга қаратилган профилактика, маърифий фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш;

-алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилиниши соҳасидаги давлат назоратини таъминлаш, шунингдек бундай маҳсулотларнинг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга, уларнинг салбий таъсири профилактикаси-га, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш;

-алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш;

-алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси, шунингдек алкоголь ва тамакига қарамлик диагностикаси ҳамда уни даволаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

-соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш ва уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган профилактика, маърифий тадбирларни амалга оширишда оммавий ахборот восита-ларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирок этиши учун ташкилий-ҳукуқий шартшароитлар яратиш.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрь кунидаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонуни гиёҳвандлик, сурункали ичқиликбозлик каби салбий ижтимоий иллатларнинг

олдини олиш ҳамда уларга мубтало бўлган шахслар билан маҳсус профилактик чора-тадбирларнинг амалга оширилишини белгилаб беради.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирлари шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолати, у муқаддам содир этган жиноят таснифи, тури ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13, 34, 78, 79, 80-моддалари асосида тоифаларга ажратган ҳолда ташкил этилиши лозим. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш, илгари судланганларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши вояга етмаган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ихтисослаштирилган ўқувтарбия муассасаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 29 майдаги 4342-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 3 августдаги 490-сонли қарори қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганларни салбий таъсирлардан асраш мақсадида марказга жойлаштириш тартибини белгилаб беради. Ушбу қарорлар бир қараганда маҳсус профилактик фаолиятига тааллуқли эмасдек туюлсада, аммо ушбу муассасаларга жойлаштириладиган вояга етмаганларнинг тоифалари аксарият ҳолларда маҳсус профилактик тадбирларни амалга оширилиши жараёнида аниқланиши мумкин. Шу боисдан маҳсус профилактиканини ташкил этилишини тақазо этувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқа тадбирларининг ташкил этилиши алоҳида рол ўйнаб, уларни ташкил этишни белгилаб берувчи ҳуқуқий асослар ўз ўзидан ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасининг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳам ҳисобланади.



Хулоса қиласиган бўлсак, ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини тартибга солувчи қонун ва қонун ости хужжатларини бугунги замон талабидан келиб чиқиб, такомиллаштириб бориш уларда янги усул ва шаклларнинг қўлланилишини белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## **2-савол. Инспектор-психологнинг махсус профилактик фаолиятининг асосий йўналишлари ва чора-тадбирлари.**

Хукуқбузарликларнинг махсус профилактикаси асосий йўналишлари ва чора-тадбирлари маъмурӣ худуддаги криминоген вазиятдан келиб чиқиб белгиланади.



Хукуқбузарликларнинг махсус профилактикаси айрим турдаги ҳукуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши; жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши оқибатида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда ҳукуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар, хусусан, илгари судланганлар (25-модда); алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар (26-модда); вояга етмаганларга (27-модда) нисбатан ўтказиладиган ҳукуқбузарликларнинг махсус профилактикасининг чора-тадбирлари белгилаб берилган. Аммо, бошқа тоифадаги ҳукуқбузарликка мойил шахслар ўртасида ташкил этиладиган чора-тадбирлар ҳамда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши сабабли ташкил этила-диган махсус профилактик чора-тадбирлар, уларнинг йўналишлари кўрсатиб берилмаган. Шундай бўлсада, ушбу профилактикани ташкил этишда жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳукуқбузарликларнинг кўпайиши билан ташкил этиладиган махсус профилактика муайян бир ҳудудни қамраб олиб, бошқа тоифадаги ҳукуқбузарлик содир этишга йўналтирилиши мумкин, масалан, қўшмачи, фоҳишаона сақловчи ва фоҳишалик билан шуғулланувчи тоифадаги шахсларнинг кўпайиши «Орият» махсус профилактик тадбирини ташкил этишга асос бўлади.

Ички ишлар органлари томонидан махсус профилактик тадбирлар Ички ишлар вазирининг буйруғи билан Республика миқёсида, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоят Ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг буйруқ ёки кўрсатмалари билан ўтказилганда эса туман (شاҳар) миқёсида куч ва воситаларни тўғри тақсимланишини таъминлаши лозим.

Махсус профилактика ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шартшароитларини бартараф этишга қаратилганлиги сабабли бу жараёнда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари асосий ролни ўйнайди ва шу билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирларини махсус тадбирлардан фарқлаш лозим, масалан «Вал», «Қалъа» каби тадбирлар вазият тақазо этган алоҳида ҳолатларда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирлари илгари судланганлар, сурункали иччиликбозлик ёки гиёҳвандликнинг олдини олишга ёхуд вояга етмаганлар ўртасида ташкил этилиши қўрсатилган бўлсада бошқа йўналишларда ҳам ўтказилиши мумкин. Масалан, паспорт тизими қоидаларига риоя этилиши бўйича «Паспорт-виза», терроризмнинг олдини олиш бўйича «Антитеррор», ноқонуний ўқотар куролларни сақланишини олдини олиш мақсадида «Арсенал», йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш бўйича «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» каби махсус профилактик тадбирлар ўтказилади.

**Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қўйидаги чора-тадбирлардан иборат:**

- ✓ жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шартшароитларини аниқлаш, бартараф этиш;
- ✓ жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ✓ озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитацияга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;
- ✓ жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;
- ✓ жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини норматив ҳуқуқий хужжатлар асосида «Назорат», «Ижро», «Тозалаш-Антитеррор» каби махсус ва тезкор профилактик тадбирларни амалга оширади.

**Гиёҳвандлик, сурункали иччиликбозлик ва психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари.**

гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равища муомалада бўлишининг, улар истеъмол қилинишининг, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равища ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мастлик ҳолатида, гиёхвандлик воситалари, психотроп модда-лар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш;

гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Инспектор-психологнинг ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда алкоголни суистеъмол қилувчи ёки гиёхвандлик воситаларини, психотроп-моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа-моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасига оид бошқа чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрь қунидаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини гайри-қонуний равища тайёрлаш, ташиш, олиш, сақлаш, ўтказиш ёхуд бирор жойга жўнатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлайди ва айдоларни тегишли жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади. Бу тадбирларни қўллаш амалиётида профилактика хизматлари соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда тегишли ишларни ташкил этади ва амалга оширади. Чунки, шахсни сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган bemor деб топиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда тегишли даволаш муассасалари томонидан амалга оширилади. Шахс мажбурий даволашга жўнатиш учун тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортган ҳолларда, у ички ишлар органларининг кўмагида ўн кун муддат ичida наркология муассасасида мажбурий тарзда текширилиши керак. Мазкур тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар тиббий хулоса бўлган тақдирда ички ишлар органлари томонидан уларнинг ўз ташаббусига кўра, ёки bemornинг оила аъзолари ёхуд қариндошларининг, меҳнат жамоаларининг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг, илтимосномалари асосида тайёрланади ва расмийлаштирилади.

Шахсларни мажбурий даволашга жўнатиш масаласи йигирма кунлик муддат ичida bemor яшаб турган жойдаги ёки наркология муассасаси жойлашган ердаги суд томонидан bemor иштирокида ҳал этилади. Bemor

урсиз сабаб билан судга келмаса, у ички ишлар органлари орқали мажбурий тарзда олиб келинади. Суднинг шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ички ишлар органлари томонидан бу қарор қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб кечи билан ўн кунлик муддат ичида ижро этилади.

Инспектор-психологнинг ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Инспектор-психологнинг томонидан мунтазам равища спиртли ичимлик ёки гиёхванд моддаларни истеъмол қилувчи шахслар қуидаги тартибда аниқланади ва зарурат туғилганда мажбурий даволаш муассасасига юбориш чоралари кўрилади:

- аҳоли билан ишлаш, ўтказилган тезкор-профилактик тадбирлар жараёнида олинган ахборотлар;
- соҳавий хизмат ходимларининг ахборотлари;
- вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли бўлган маҳсус даволаш олдини олиш муассасаларининг хабарлари;
- фуқароларнинг аризалари, ташкилот ва ўқув муассасаларининг хабарлари;
- меҳнат жамоалари, шунингдек фуқаронинг яшаш жойидаги жамоатчилик ташкилотларининг маълумотлари.

Сурункали равища спиртли ичимлик ёки гиёхванд моддаларни истеъмол қилувчи шахслар томонидан спиртли ичимлик ёки гиёхванд моддаларни истеъмол қилган ҳолда жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуқларини бузиш, ҳавфсизликларига, соғлиги ва аҳлоқига раҳна солувчи шахсларни сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига чалинишдан огоҳлантириш, ушбу касалликдан даволаш мақсадида тиббий кузатувга олишни тақозо этадиган шахслар.

Сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган доимий яшаш жойи аниқ бўлган шахсларни маҳсус даволаш олдини олиш муассасаларига жойлаштириш борасидаги хужжатларни тайёрлаш ҳудудий профилактика инспекторлари зиммасига юклатилади ва қуидагиларни амалга оширади:

ихтиёрий равища тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортаётган шахслар тўғрисида наркология муассасаларидан тушган хабарга асосида шаҳар-туман ички ишлар органлари раҳбарларининг кўрсатмасига биноан бундай шахслар даволаш муассасаларига мажбурий равища келтирилади.

тўпланган хужжатларни судга жўнатиш учун асослантирувчи хулоса тайёрлайди, бунда тиббий комиссиянинг фикри ва хулосаларига асосланган ҳолда шахснинг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маҳсус даволаш олдини

олиш муассасасида мажбурий даволанишга муҳтоҗлиги, унинг ихтиёрий даволанишдан бош тортаётганлиги акс этирилган бўлиши лозим.

Соғлиқни сақлаш органлари томонидан тоифаларга ажратилган ҳолда шаҳар (туман) ички ишлар органи Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматига тақдим этилган рўйхат асосида алкоголни суистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирларини манзилли, ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолатини, у содир этган ҳуқуқбузарлик турини хисобга олган ҳолда самарали амалга оширади. Профилактика инспектори гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва перекурсорларнинг қонунга хилоф равища муомалада бўлишини, уларнинг истеъмол қилинишини, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равища ишлаб чиқарилишини ҳамда ноқонуний айланишининг (*реализация қилиниши*) олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси ва Жиноят қидирув бош бошқармалари ҳамда уларнинг қуи тузилмалари томонидан ишлаб чиқилган маҳсус топшириқ, режа ҳамда бошқа турдаги бошқарув қарорлари асосида амалга оширади.

Маъмурий ҳудудда мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп-моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа-моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шартшароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича маҳсус профилактика тадбирларини ҳудудий ички ишлар органи ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан биргаликда ишлаб чиқилган маҳсус режа, дастур ва бошқа бошқарув қарорлари асосида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, шунингдек ҳуқуқбузар-ликларнинг маҳсус профилактикаси чора тадбирларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Инспектор-психологнинг маъмурий ҳудудда ҳудудий ички ишлар органларининг Жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш хизмати, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг ваколатли ходимлари томонидан гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа модда-ларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш бўйича маҳсус чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг алоҳида режаси ва кўрсатмаси асосида йилда икки мавсум давомида, биринчи даври **май-июль** ойларида, иккинчи даври **сентябрь-ноябрь** ойларида Республика бўйича «**Қора-дори**» тадбири эълон қилинади ва ўтказилади. Тадбирни ўтказиш учун ички ишлар органлари ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан

Давлат хавфсизлиги хизмати, божхона, мудофаа, Фавқулодда вазиятлар органлари билан келишилган режа асосида фаолиятни ташкил этиши муҳим аҳамиятга эга. «Қора-дори» тадбири давомида таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ноқонуний етиштираётган шахсларни аниқлаш мақсадида аҳоли ер томорқалари, дала майдонлари, тоғли ҳудудлар ва бошқа шунга ўхшаш жойларда текширув назорат ишларини амалга оширади, шу билан бирга ёввойи ҳолда ўсаётган наша ва шунга ўхшаш таркибида гиёҳвандлик воситалари мавжуд бўлган ўсимликларни йўқ қилиш чораларини кўрмаганлик ҳолатларини аниқлайди, айборларга нисбатан маъмурий ёки бошқа таъсир чораларини чораларини кўради.

Инспектор-психологнинг ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўйича маҳсус профилактик тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Конуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳукуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасининг «Ўсмир», «Ғамхўрлик», «Ойна», «Орият» ва бошқа тадбирлари амалга оширилади. Бу тадбирларни ўтказиш жараёнида таълимни бошқариш ва таълим муассасалари, бошқа ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари, вояга етмаганлар ҳукуқбузар-ликлари профилактикасини амалга оширувчи бошқа субъектларнинг иштироқи таъминланиши мумкин.

Инспектор-психологнинг ҳукуқбузарликлар маҳсус профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида маъмурий ҳудудда содир этилган жиноятлар ва ҳукуқбузарликларни, уларни содир этувчи шахсларни тўлиқ ўрганиши ва таҳлил этиши лозим, бу жараёнда улар қандай ҳукуқбузарликлар содир этганлигини турларга ажратиши, қайси турдаги ҳукуқбузарликлар содир этувчи шахсларнинг тоифалари кўпайганлиги, хусусан аёллар, ёшлар ва вояга етмаганлар, илгари судланганлар, рецидив жиноятчилар томонидан содир этилган ҳукуқбузарликларни турларга ажратган ҳолда тадбирни ўтказишга ажратилиши лозим бўлган куч ва воситалар бўйича Ички ишлар органи раҳбариятига таклифлар киритиши мумкин.

### **Инспектор-психологнинг маҳсус профилактик фаолиятини ташкил этиш.**

Инспектор-психологнинг криминоген вазият таҳлили натижаларига асосан маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида обьектда айрим турдаги ҳукуқбузарликларнинг, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсиз-лиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган ҳавфхатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши кучайганда ушбу турдаги ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси, бу турдаги ҳукуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни

бартараф этишга, ғайри-ижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўл-ган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ички ишлар органи Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматига таклиф киритади.



Инспектор-психолог ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан ҳамкорликдаги ишларни ташкил этиши мумкин.

Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар ўргасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шартшароитларини аниқлаш, бартараф этишда жазони ижро этиш муассасалари, жазони ижро этиш инспекцияси ҳамда жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссиялар билан ҳамкорлик қиласи. Шуни алоҳида тақидлаш лозимки, ушбу йўналишдаги ҳамкорликдаги махсус профилактик тадбирларни ташкил этиш учун Ички ишлар органи раҳбариятига таклифлар киритиши ва уларнинг алоҳида топшириги билан юқоридаги хизматлар ва давлат органлари билан келишилган режалар ишлаб чиқиши ва шулар асосида ишларни амалга ошириши лозим.

Профилактика инспектори жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, шунингдек бу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотлар фаолиятидаги ижобий натижалар ва салбий таъсир қилаётган омиллар ҳақида ички ишлар органи Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимига белгиланган тартибда таклифлар киритиши мумкин.

Инспектор-психолог гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва перекурсорларнинг қонунга хилоф равища муюмлада бўлишини, уларнинг истеъмол қилинишини, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равища ишлаб чиқарилишини ҳамда ноқонуний айланишининг

Инспектор-психолог хизмат кўрсатадиган маъмурий худудида «Арсенал», «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги», «Ижро», «Назорат», «Орият», «Ўсмир», «Турмуш», «Спитамен», «Корадори», «Гамхўрлик», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» қаби махсус профилактик тадбирларнинг ўтказилишида иштирок этади.



олдини олиш бўйича профилактика тадбирларни тезкор қидирув хизмати раҳбарлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсус топшириқ, режа ҳамда бошқа турдаги бошқарув қарорлари асосида амалга оширади.

Маъмурий ҳудудда мастлик ҳолатида, гиёхвандлик воситалари, психотроп-моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шартшароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича маҳсус профилактика тадбирларини ҳудудий ички ишлар органи ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан биргаликда ишлаб чиқилган маҳсус режа, дастур ва бошқа бошқарув қарорлари асосида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, шунингдек ҳуқуқбузар-ликларнинг маҳсус профилактикаси чора тадбирларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, маҳсус профилактик тадбирлар ҳудуд-ларда содир этилган жиноятлар ва уларнинг динамикаси, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларнинг миқдори, уларнинг тоифа-лари ҳақидаги таҳлилий маълумотлар асосида ташкил этилади.

Бугунги кунда глобал муаммолардан бири бўлган гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг ўсиб бораётганлиги, яқин шарқ ва Афғонистондаги воқеалар натижасида дунё миқёсида ноқонуний наркотик моддалар савдосининг авж олиб бориши Ўзбекистонга хавф туғдириши мумкинлигини инобатга олиб, ҳамкорлиқдаги маҳсус тадбирларни мунтазам ташкил этиб бориш ҳамда мавжуд куч ва воситалардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, бевосита ички ишлар органлари тизимларида олиб борилаётган ислоҳотларда субъектлар ҳамкорлигининг механизмини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди ва алоҳида чора-тадбирлар белгиланиб, аниқ вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Инспектор-психологнинг ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан ўтказиладиган ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишида мунтазам ҳамкорликни ўрнатиши ва мавжуд куч ва воситалардан юқори даражада фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини ташкил этиш жараёнида қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, ишонтириш усулининг устуворлиги, таъсир кўрсатиши чора-тадбирларини табақалаштириш ва якка тартибдаги ёндашиш каби ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принципларига амал қилинишини талаб этади. Ушбу принциплар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа турларига ҳам тааллуқлидир, ўз навбатида ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси

самарадорлигини ошириш, керакли натижаларга эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қиласиган бўлсак, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси-нинг чоратадбирларини ташкил этишда, энг биринчи навбатда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга эътибор қаратиш керак, худди шундай ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш жараёнида айрим турдаги ҳуқуқбузарлик-ларнинг, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган ҳавфхатарлар ва таҳдидларнинг юзага келишининг сабаблари ва шартшароитларини таҳлил этиш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган кўшимча чораларни, усул ва шаклларни қўллашни талаб этади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 4 бобини ўрганиш.

### **Назорат учун саволлар:**

1-савол. Инспектор-психологнинг махсус профилактик фаолиятини қандай ташкил этади ?

2-савол. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қандай таъриф берилган?

## **9-МАВЗУ: ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИ.**

### **Семинар машғулоти**


Ушбу ўқув машғулоти “*Балиқ скелети*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Балиқ скелети» график органайзер (ГО) тингловчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда тингловчиларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўнималари ривожланади.

Ундан фойдаланиш қуидаги амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи тингловчиларни ГОни қўллаш шарти билан таниширади; ←
- 2) тингловчилар кичик гурӯхларга биритирилади; ←
- 3) гурӯхлар топшириқларни бажаради; ←
- 4) гурӯхлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади; ←
- 5) жамоа гурӯхларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради. ←

**Тингловчилар топшириқларни қуидаги тасвир асосида бажаради:**



**Таҳлил қилинадиган муаммолар:** Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга оширишда айрим муаммолар.

**1-муаммо.** Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан ҳамкорлиги.

**2-муаммо.** Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, шунингдек бу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштиришда салбий таъсир қилаётган омиллар.

**3-муаммо.** Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг, улар истеъмол қилинишининг, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини амалга оширишдаги муаммолар.

### **Мустақил тайёргарлик учун саволлар:**

1-савол. Илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари.

2-савол. Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини тартибга солувчи қонун ва қонун ости ҳужжатлари.

3-савол. Вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасининг «Ўсмири», «Ғамхўрлик», «Ойна», «Орият» ва бошқа тадбирлари амалга оширилиши.

## **10-МАВЗУ: ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИ.**

**Маъруза машғулоти. (2 соат)**

**РЕЖА:**

1-савол. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, уни қўллаш шартлари ва асослари.

2-савол. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора тадбирлари.

3-савол. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари

**1-Савол: Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, уни қўллаш шартлари ва асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 5-бобида Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари белгиланган.

**Якка тартибдаги профилактика** - субъектлар томонидан жиноят, ғайри-ижтимоий ҳаракатлар содир этишга мойил шахсларни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишлардан тўхтатиш ва ижтимоий таъсирга муҳтож шахсларни аниқлаб уларга тарбиявий таъсир ўтказишдан иборат.

Биз ҳаракатимизни хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилишининг сабаб, шароитларига қарши қаратсақ, жиноятларни олдини олишда самарага эришамиз.

Якка тартибдаги жиноятлар профилактикаси бевосита ички ишлар органлари ходимлари томонидан ёки бошқа давлат органлари, ташкилот, муасасалари, шунингдек маҳалла ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорлигига амалга оширилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам ушбу тадбир аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши таъсирлироқ бўлади.

Бундай профилактик тадбирларни режалар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис, мактаб, коллеж раҳбарларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари билан профилактика инспекторларининг ҳамкорликдаги тарбиявий ишлар режаси, маҳаллий хокимиятлар қошидаги ижтимоий “Кўникма марказлари”, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг фаолиятларининг режалари.

Якка тартибдаги жиноятларни олдини олишда шахсни ҳуқуқий онгини ўстириш, уни ғайри-ижтимоий ҳаракатлар содир этишга қарши иммунитетини

ҳамда қонунга бўлган ҳурматни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиши (Суҳбат, матбуот, радио орқали чиқишлиар) муҳим рол ўйнайди.

Жиноятларни олдини олиш фаолиятида жиноятга нисбатан жазонинг қақшатгичлиги эмас балки жазонинг муқаррарлигини таъминлаш катта ўрин тутади. Айрим сабабларга кўра содир этилган жиноят ёки хуқуқбузарликлар учун жазоланишдан сақланиб қолиш жамоада салбий мухитни вужудга келтиради.

### **Якка тартибдаги жиноятлар профилактикаси нима.**

Жиноятларнинг олдини олиш субъектлари томонидан жамиятга қарши зид йўналишнинг мавжудлиги, ғайри-ижтимоий хаёт тарзи, салбий хусусиятлари, хулқи ва одатлари оқибатида жиноят содир қилишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва улар томонидан жиноий хатти-харакатлар содир қилишига йўл қўймаслик мақсадида уларга нисбатан қўлланиладиган ўзаро алоқадор тарбиявий ва бошқача кўринишдаги таъсир чоралари ийғиндисига айтилади.

**Якка тартибдаги жиноятлар профилактикасининг объектлари-** маъмурий худудда яшаётган ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турган муқаддам судланган шахслар, улардан маъмурий назорат таъсири остига тушувчилари, маъмурий назоратда турганлари, бедарак йўқолганлар, қидирудагилар, сўққабош-ёлғиз яшовчилар, профилактик ҳисобида турувчи бошқа тоифадаги шахслар, назорат-лицензия фаолиятига тегишли объектлар, шахслар (ов қуроли эгалари, босмахона, типографиялар, сауна, видеосалон, диско-бар, инсон соғлигига хавфли химиқатлар, газлар билан ишловчи ташкилотлар..) ва ахолининг ижтимоий таъсирга муҳтоҷ қатламлари.

Якка тартибдаги жиноятлар профилактикасини амалга оширишда профилактика инспекторлари кенг жамоатчилик, ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоаларининг имкониятларидан самарали фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Масалан, муқаддам судланган ёки бўлмаса фарзанд тартбиясига салбий таъсир қўрсатувчи ота-оналарнинг яшаш жойида ва иш жойида содир этган хуқуқбузарлик ҳолатини муҳокама қилиш учун, ушбу тоифа шахслар билан тегишли тарбиявий ишларни ташкил этиш учун юбориш шунингдек, диний экстремистик оқимга кириб қолган шахслар ёки бўлмаси ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турган бошқа тоифадаги шахсларнинг ҳақ хуқуқларини паймол қилмаган ҳолда улар билан якка тартибда профилактик суҳбат ўтказиш хам тарбия жихатдан таъсирлироқ бўлади.

### **Якка тартибдаги профилактиканинг шакл ва усуллари**

Жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикаси икки шаклда бевосита ва илк профилактика шаклларида амалга оширилади.

**1. Бевосита шакли** - профилактика инспекторлари 12 та тоифага кирувчи (профилактик ҳисобга олинган) ижтимоий таъсирга муҳтоҷ бўлган шахсларга нисбатан тўғридан-тўғри йўналтирилган профилактик таъсир чоралари. (Маъмурий назоратга олиш, мажбурий даволашга юбориш ва хакозо).

**2. Илк профилактик шакл** – соғлом хаёт кечираётган жамоа учун хавфли бўлмаган хатти-харакатларни содир этаётган шахсга илк профилактик таъсир чораларини кўрсатиш заруратидан далолат берадиган белги. Масалан, ўсмирнинг ўқишини ташлаб кетиши, уйдан қочиб бошқа жойларда тунаши, катта ёшлардагиларнинг мунтазам равишида спиртли ичимлик исътемол қилиши.

Жиноят одатда бирданига (тўсатдан) содир этилмайди.

Аксинча, илгари кўп холларда узоқ давом этадиган ғайри-ижтимоий хулқ оқибатида содир этилиши кузатилади.

Якка тартибдаги жиноятлар профилактикасининг бевосита ва илк профилактик шаклида ишни ташкил этиш учун профилактика инспекторлари кенг жамоатчилик, ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоаларининг имкониятларидан самарали фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Якка тартибдаги профилактик таъсир шахснинг ўзига эмас, балки ижтимоий микромухитга хам боғлиқ, чунки хулқ-атворнинг шаклланишида микромухитнинг ўрни ниҳоятда катта. Масалан одамни-одам бузади дейишади. Хаётда бир шахс иккинчисидан маслахат олади, хуроса қилиб қарор чиқаради ёки жиноят қилишга етаклайди, ундайди.

Жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикаси умумий профилактика билан бир қаторда жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг алоҳида тури сифатида ажратиш билан бирга, айни пайтда умумий ва якка тартибдаги профилактика ўртасида чамбарчас алоқа мавжудлигини инобатга олиш лозим. Жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг асосига умумий ва якка тартибдаги профилактиканинг бирлик принципи қўйилиши керак. Мазкур принцип жиноятларнинг олдини олиш фаолияти субъектларининг асосий кўпчилиги иккала турдаги жиноятлар профилактикасини амалга оширишида ўзининг ташкилий ифодасини топади. Жиноятларнинг олдини олишда кенг қамровлилик катта ахамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз лозим.

**Жиноятлар профилактикаси** жиноятчиликка қарши курашнинг энг инсонпарвар усули хисобланади. Профилактика чоралари нафақат жамият манбаатларига, балки профилактика қилинаётган шахснинг ҳам манбаатларига тўлиқ жавоб беради.

Ушбу ниҳоятда муҳим қоидани профилактик таъсир кўрсатилаётган шахс онгига етказилиши у билан ҳиссий-рухий умумийлик ўрнатишга калит бўлиб хизмат қилиши лозим.

Профилактика инспекторлари якка тартибдаги профилактик тадбирларни режа асосида вазиятдан келиб чиқиб ижодий, ташаббускорона бажариши лозим. Масалан, вояга етмаган ҳукуқбузар сифатида профилактик хисобга олинган ўсмир билан мактаб, коллежнинг тарбиявий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари билан профилактик тарбиявий ишларни олиб бориш режаси, маҳалланинг маърифий, диний, аҳлоқий, тарбиявий ишлар бўйича маслахатчиси билан профилактика инспекторининг хамкорликда ахолининг тарбиявий таъсирга муҳтоҷ қатлами билан профилактик тарбиявий ишлар олиб бориш режасини тузади. Амалиётдаги илфор тажриба таянч пунктида

шу йўналишларда амалга оширилган ишлар хақидаги йиғма жилд қилиниб хужжатлар тикиб борилади.

### ***Профилактик таъсир усуллари.***

#### **Ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш.**

**Ишонтириш** - профилактика қилинувчига тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий методи. Тарбиялаш-ишонтиришдир. Ишонтириш иш ва сўз орқали амалга оширилади. Ишонтириш усули соф тарбиявий хусусиятга эга бўлиб, улар профилактика қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини асло чекламайди. Жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикасида кўлланиладиган одатдаги ишонтириш чораларига сұхбатлар, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларидағи муҳокамалар, жамоатчилик вакилларидан бириктирилган мураббийлар кабиларни тайинлаш киради.

**Рағбатлантириши**-профилактик таъсирнинг мухим методларидан бўлиб шахснинг ижобий қараашлари, хизматларини такомиллаштириш ва мустажкамлашга хизмат қиласди. Рағбатлантириш моддий-маънавий бўлиши мумкин. Профилактика қилинаётган шахснинг ижтимоий муҳит билан муносабатини тўғри йўлга қўйишдан иборат. Масалан. Профилактика қилинаётган шахсни ишга жойлаштиришнинг ўзи етарли эмас, унга жамоа билан тил топишида, унинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланишида қўмаклашиш зарур. Профилактика қилинаётган шахсни гуруҳнинг салбий таъсиридан ажратиб олишнинг ўзи етарли эмас, балки унга ижобий таъсир кўрсата оладиган гуруҳга киришишига хам ёрдамлашиш керак.

**Мажбурлаш** - профилактика қилинувчига тарбиявий таъсирнинг ёрдамчи истисно тариқасидаги усулидир. У фактат бошқа методлар самара бермагандан кўлланилади. Масалан мұқаддам судланганларни маъмурий назоратга олиш, мажбурий даволаш муассасасига юбориш, тажавузкор руҳий касалларни касалхонага ётқизиш.

### ***Якка тартибдаги профилактиканинг субъектлари ва объектлари.***

Юқорида таъкидланганидек, жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикаси чоралари доимо жамиятнинг муайян аъзосига қаратилган бўлади, яъни ахолининг ижтимоий таъсирга муҳтож қатламига мансуб шахслар билан профилактик тарбиявий ишларни амалга оширишдан иборат.

### ***Ушбу чораларнинг бевосита ижрочилари кимлар.***

Махалла фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари, Давлат корхона, муассасалари раҳбарлари, ходимлари, жамоат ташкилотларининг аъзолари, жиноятлар профилактикасини ўз ижтимоий бурчи сифатида амалга оширадиган фуқаролар ташкил қиласди.

### ***Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, уни қўллаш шартлари ва асослари.***

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий

таъсир кўрсатишга доир фаолияти хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасиdir.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, хуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган хуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори тўғрисида, унинг хуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у хуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Хуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

## **2-Савол:Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора тадбирлари.**

**Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўйидагилардан иборат:**

- ✓ профилактика сухбати;
- ✓ расмий огоҳлантириш;
- ✓ хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;
- ✓ ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- ✓ профилактик ҳисобга олиш;
- ✓ мажбурий даволанишга юбориш;
- ✓ маъмурий назорат.



Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

### **Профилактика сухбати.**

Профилактика сухбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади.

## **Расмий огоҳлантириш.**

Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-авторни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 60-сон Қарори билан тасдиқланган.

### **Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берәётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш.**

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-авторли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-авторнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон берәётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

### **Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қўллаш.**

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан қўлланилади.

### **Профилактик ҳисобга олиш.**

Профилактик ҳисобга олиш ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика тадбирлари мажмуидир.

### **Шахсни мажбурий даволанишга юбориши.**

Сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахс томонидан жамоат тартиби, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган ёхуд у аҳолининг хавфсизлиги, соғлиғи ва жамиятнинг ахлоқига таҳдид солган тақдирда ички ишлар органлари «Сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонунчиликка мувофиқ уни мажбурий даволанишга юбориш бўйича чора-тадбирларни кўради.

### **Ички ишлар органларининг маъмурий назорати.**

Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуидан иборат бўлади ва назорат остидагиларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чекловларни кўллашдан иборат бўлади.

Маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш ва тугатиш тартиби, шунингдек қўлланиладиган чекловлар рўйхати жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисидаги қонунчиликда белгиланади.

**Ўзига нисбатан хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахсларнинг хукуқ ва мажбуриятлари.**

**Ўзига нисбатан хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар:**

- ўзига нисбатан қўлланилаётган хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларининг асослари ва хукуқий оқибатларини билишга;

- ўзига нисбатан тўпланган хужжатлар ва бошқа материаллар билан танишишга;

- илтимослар қилишга;

- юридик ёрдам олишга;

- хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органнинг ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Ўзига нисбатан хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши шарт.

Ўзига нисбатан хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**З-савол: Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.**

Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда айрим муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, булар қўйидагилардан иборат:

Туман-шахар ИИБларда ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда профилактик ҳисобга олинаётган шахснинг ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигига эътибор қаратилмаяпти.

Шаҳар-туман ИИБ бошлиқлари тақдим этилган ҳужжатларни имзолаш билан чекланиб, профилактик ҳисобга олинаётган шахс билан профилактик сұхбат ўтказишмаяпти. Профилактика инспекторининг якка тартибда ўтказган сұхбати билан чекланиб қолишишмоқда.

Профилактик ҳисобга олинаётган шахс билан якка тартибдаги профилактик сұхбат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган ерда, шунингдек шахснинг яшаш, ўқиши, иш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланған жойда ўтказилиши белгиланған, аммо профилактик ҳисобга олинаётган шахслар билан фақат таянч пунктіда профилактика инспектори томонидан амалга оширилиши билан чегараланиб қолинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 60-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 151-сонли буйруғида илгари ўтказилган профилактика сұхбати ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ҳолларда, унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилиши белгилаб берилган, лекин ушбу тадбир амалиётда тўлиқ қўлланилмаяпти. Шаҳар-туман ИИБ раҳбарлари эса буни билмайдилар ёки билсалар ҳам эътиборсизлик билан муносабатда бўлиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги 151-сонли буйруғида профилактик ҳисобга олиш асослари белгилаб берилган, лекин айрим ҳолатларда профилактика инспекторлари профилактик ҳисобга олиш учун асос мавжуд бўлсада, шахсни ҳисобга олмасдан уни назоратсиз қолдириш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Айниқса маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар профилактик ҳисобга олинмасдан қолиб кетиши оқибатида ушбу шахслар томонидан қайта маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлмоқда. Шаҳар-туман ИИБ раҳбарлари профилактика инспекторларининг хизмат хоналаридағи ҳужжатларни ойлар давомида ўрганишмайди ва ҳужжатларнинг юритилиши, қайси тоифа шахслар ҳисобга олинайпти, қайси олинмаяпти ва бу ҳақда умуман маълумотга эга бўлмасдан қолмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги 151-сонли буйруғида шахс бир йил муддатга профилактик ҳисобга олиниши ва ҳисобдан чиқариш учун тегишли асослар мавжуд бўлганда ҳисобдан чиқарилиши белгиланган, аммо ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган шахслар профилактик ҳисоб муддати тугаган бўлишига қарамасдан ҳеч бир асоссиз ҳисобдан чиқарилмаслиги ҳолатларига ҳам йўл қўйиб келмоқдалар. Бу билан профилактика инспекторлари томонидан қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилишига сабаб бўлмоқда. Шаҳар-туман ИИБ бошликлари эса бунга эътиборсизлик билан қараб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунига кўра профилактик ҳисобда турган шахс озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога хукм қилинган тақдирда, унга нисбатан тўпланган материаллар суднинг айблов хукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан **беш кун ичида** хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш учун тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборилиши белгиланган бўлишига қарамасдан аксарият ҳолларда профилактик ҳисобда турган шахсларнинг йигма жилдлари тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборилмасдан қолмоқда. Бу ҳолат ҳам жазони ижро этиш муассасаси ходимларининг ушбу шахс тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлмасликларига сабаб бўлмоқда.

Якка тартибдаги профилактик ишларни амалга оширишдаги яна бир муаммолардан биттаси жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларга суд томонидан маъмурий назорат ўрнатишни таъминлаш ва маъмурий назорат қоидаларига риоя этишини назорат қилиш бўлса, профилактика инспекторлари ушбу маъмурий назоратда турган шахсни ҳар ойда белгиланган муддатда Ички ишлар органига келиб рўйхатдан ўтиши билан чекланиб қолмоқдалар. Айрим ҳолатларда ушбу шахс доимий яшаш жойида текширилмасдан қолмоқда ва маъмурий назорат қоидаларига, яъни бўлиши таъкиқланган жойарга бориши назорат қилинмасдан қолмоқда.

**Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишдаги муаммоларни бартараф этиш учун қўйидагиларни амалга ошириш муҳим ўрин тутади:**

Шаҳар-туман ИИБларда хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда профилактик ҳисобга олинаётган шахснинг ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, хукуқбузарлик содир этишга мойиллигига эътибор қаратган ҳолда шаҳар-туман ИИБ бошликлари профилактик ҳисобга олинаётган шахс билан шахсан профилактик сухбат ўтказишлари;

Профилактик ҳисобга олинаётган шахс билан якка тартибдаги профилактик сухбат имконият даражасида шахснинг яшаш, ўқиши, иш жойида ўтказилиши;

Илгари ўтказилган профилактика сухбати ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки хукуқбузарлик содир этишга

мойилликни давом эттирган ҳолларда, бундай шахсларга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилиши шаҳар-туман ИИБ бошлиқлари томонидан назорат қилиб борилиши;

Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги 151-сонли буйруғи асосида профилактик ҳисобга олиш учун барча асослар мавжуд бўлган шахслар тўлиқ профилактик ҳисобга олиниши таъминланиши;

Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш учун тегишли асослар мавжуд бўлганда ҳисобдан чиқарилиши шаҳар-туман ИИБ бошлиқлари томонидан назоратга олиниши;

Профилактик ҳисобда турган шахс озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган тақдирда, унга нисбатан тўпланган материаллар суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан **беш кун ичида** хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чоратадбирларини қўллаш учун тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборилиши таъминланиши;

Жиноят содир этишга мойил бўлган ва суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилган шахсларни доимий яшаш жойида текширилиши колмоқда ва маъмурий назорат қоидаларига риоя этишлари қаттиқ назоратга олиниши лозим.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъruzaga ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 5 бобини ўрганиш ва тегишли бандларини конспектлаштириш.


### **Назорат учун саволлар:**

- 1-савол      Якка тартибдаги профилактиканинг шакл ва усуллари- ?
- 2-савол      Якка тартибдаги жиноятлар профилактикасининг объектлари- ?
- 3-савол      Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари- ?

# **10-МАВЗУ: ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИ.**

## **Семинар машғулоти. (2 соат)**

Ушбу ўқув машғулоти “*Кластер*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.



### **Мустақил тайёргарлик учун саволлар:**

- 1-савол. Якка тартибдаги жиноятлар профилактикасининг объектлари.
- 2-савол. Профилактик таъсир усуллари.
- 3-савол. Якка тартибдаги профилактиканинг субъектлари ва объектлари.
- 4-савол. Ҳукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, уни қўллаш шартлари ва асослари
- 5-савол. Ҳукуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш

### **11-МАВЗУ: ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБГА ОЛИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ, ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЮРИТИЛАДИГАН ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.**

#### **Маъруза машғулоти. (2 соат)**

#### **РЕЖА:**

- 1-савол. Профилактик ҳисобга олиш асослари ва тартиби.
- 2-савол. Шахсни профилактик ҳисобга олиш муддати ва ҳисобдан чиқариш асослари.

#### **1-савол. Профилактик ҳисобга олиш асослари ва тартиби.**

Профилактик ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикасининг «Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва тақороран ҳукуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика тадбирлари мажмуидир.

**Профилактик ҳисоб** – бу жамиятда юриш туриш қоидаларини бузиб, ғайриижтимоий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган шахсларни келгусида қайта ҳукуқбузарликлар содир этмаслигини назорат қилиш ҳамда уларга ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чораларини қўллашни таъминлаш мақсадида юритиладиган ҳужжат ҳисобланади.



Профилактик ҳисоб ҳужжатида ҳисобда турувчи шахсларнинг турмуш-тарзи, яқинлари ва қариндошлари билан муносабати, оила ва жамиятда юриш-туриши ҳақидаги маълумотлар тўпланиб борилади.

**Ўзбекистон Республикасининг “Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасига асосан қўйидаги шахсларга нисбатан профилактик ҳисоблар юритилади:**

- илгари судланганларга улар жиноий жазони ўтаганидан сўнг, ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бундан мустасно;
- ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айлов ҳукми қонуний кучга кирган шахсларга;

–Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларга;

–ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчиларга;

–Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **40, 41, 45, 47, 52, 56, 56<sup>1</sup>, 58, 61, 106, 131, 165<sup>1</sup>, 183, 184, 184<sup>1</sup>, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 187, 188, 188<sup>1</sup>, 189, 189<sup>1</sup>, 190, 191, 201, 202, 202<sup>1</sup>, 240, 241**-моддаларида назарда тутилган маъмурий хукуқбузарликларни содир этганларга;

–ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасаларидан қайтганларга.

Вояга етмаганлар ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиласидаги ота-оналарга нисбатан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари томонидан профилактик ҳисоблар юритилади, ушбу лавозим мавжуд бўлмаган худудий ички ишлар органларида бу тоифадаги шахсларга нисбатан профилактик ҳисоблар профилактика инспекторлари томонидан юритилади.

Профилактика инспектори профилактик ҳисобга олинган шахслар билан якка тартибда профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда шахснинг ёши, жинси, руҳий ҳолати, ижтимоий аҳволи, маълумоти ва мутахассислиги, эҳтиёжлари, қизиқишилари, қобилияtlари каби шахсий хусусиятларини эътиборга олиши лозим.

Маҳалла хукуқ-тартибот масканларида юритиладиган профилактик ҳисоб ҳужжатларида ҳисобда турувчи шахслар билан амалга оширилган профилактик ишлар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг тушунтириш хатлари тикиб борилади, шунингдек профилактик ҳисоблар бўйича ойлик таҳлилий маълумотлар тайёрланиб тегишли равишда туман ИИБ ҲПБга тақдим этиб борилиши профилактика инспекторларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Профилактик ҳисобларнинг юритилиши мақсади қуидагилардан иборат:

**биринчидан**, ушбу тоифадаги шахсларни нормал турмуш тарзига қайтариш;

**иккинчидан**, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

**учинчидан**, жиноятга мойил бўлган шахсларни назоратини амалга ошириш ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган хукуқбузарликларнинг олдини олиш.

Юқоридаги тоифадаги шахсларни профилактик ҳисобга олиш билан бир қаторда улар билан тегишли равишда якка тартидаги тарбиявий профилактик ишларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади, мазкур тоифадаги шахслар маълум бир маънода жамиятда юриш-туриш қоидаларини бузган ҳамда жиноят содир этишга мойил шахс сифатида ўзига хос хусусиятларга эгадир. Улар билан олиб бориладиган якка тартидаги профилактик ишлар Қонуннинг

29-моддаси кўрсатилган ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш орқали амалга оширилади, ушбу чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат:

- ✓ профилактика сухбати ўтказиш;
- ✓ расмий огоҳлантириш;
- ✓ ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитлар ҳақида хабардор қилиш;
- ✓ ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- ✓ профилактик ҳисобга олиш;
- ✓ мажбурий даволанишга юбориш;
- ✓ маъмурий назорат.

Ҳар бир ички ишлар органларининг таянч пунктларида профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг ҳисоби олиб борилади ва ҳар ойнинг 30 санасига қадар туман (шаҳар) ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқарма (бўлим ва бўлинмалари)ларига тақдим этиб борилади.

Туман (шаҳар) ички ишлар органлари масъул ходимлари маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида профилактика инспекторлари томонидан тақдим этган ҳисботларни умумлаштириб, ҳар ойнинг 30 санасига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармасига тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари кейинги ойнинг 3 санасига қадар Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ умумлаштирилган ҳисботни вазирлик Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасига тақдим этади.

**Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида ҳамда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида қўйидаги ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларнинг рўйхати юритилади:**

- сурункали алкоголизмга мубтало бўлган шахслар;
- гиёҳвандликка чалинган шахслар;
- заҳарвандликка чалинган шахслар;
- руҳий касаллар;
- таносил касалликларига чалинган шахслар;
- доимий яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган шахслар;
- жазони ижро этиш инспекциялари ҳисобида турган ҳамда ички ишлар органлари профилактик ҳисобида туриш муддати тугаганлиги сабабли профилактик ҳисобдан чиқарилган, аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида кўрсатилган судланганлик ҳолати тугалланмаган илгари судланган шахслар.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан ҳар чорак якуни бўйича сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка мубтало бўлган, таносил касалликларига чалинган шахслар ҳамда руҳий касаллар рўйхатлари соғлиқни сақлаш муассасаларидан алоҳида сўров хати орқали расман олиб борилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларидан олинган рўйхатлар ички ишлар органлари таянч пунктларига тақдим этилиб, соғлиқни сақлаш идоралари мутахассислари билан ҳамкорликда профилактик тадбирлар олиб борилади.

### **Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш асослари.**



Шахсни профилактик ҳисобга қўйишига қўйидагилар асос бўлади:

- ❖ -ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг “Ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддаси олтинчи хатбошисида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори;
- ❖ -ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишини рад этиш тўғрисидаги қарори;
- ❖ -ўзига нисбатан қамоқقا олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги терговчининг ёки прокурорнинг қарори;
- ❖ -суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми;
- ❖ -шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- ❖ -вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг қарори.



Бир шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун бир қанча асослар мавжуд бўлган тақдирда, асосларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида профилактик ҳисобга олиш амалга оширилади.

### **Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тартиби.**

“Ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш учун масъул бўлган шахс шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимининг, бошқармасининг бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Мазкур қарор шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун асослар мавжудлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мансабдор шахс томонидан

олинган қундан эътиборан ўн кун ичида чиқарилади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нисбатан шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор улар яшаш жойига етиб келган қундан эътиборан уч кун ичида чиқарилади.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарорда қарорни чиқарган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, у чиқарилган сана ва жой, у қайси шахсга нисбатан чиқарилган бўлса, ўша шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш, иш, ўқиши жойи) ва профилактик ҳисобга қўйиш асослари кўрсатилади. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор мазкур қарорни чиқарган шахс томонидан имзоланади.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор профилактик ҳисобга қўйилган шахсга имзо қўйдириб эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради. Қарор ушбу шахсга тасдиқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида, у яшаш жойида бўлмаган ҳолларда эса, унинг турган жойи аниқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида эълон қилиниши керак. Қарор эълон қилинганда шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, бу ҳақда қарорда қайд қилинади.

Шахснинг хулқ-атворини назорат қилиш ва унга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартиbdаги профилактикаси чора-тадбирлари ўз вақтида қўлланилишини таъминлаш мақсадида шахс профилактик ҳисобга қўйилган кунда ички ишлар органлари томонидан профилактика иши очилади.

Шахсни профилактик ҳисобга олиш у профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилади.

#### **Профилактика инспектори профилактик ҳисоб ишини юритиши чоғида қўйидагиларни амалга оширади:**

-профилактик ҳисобга олинган шахсни ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттирмаслик ҳақида огоҳлантиради;

-профилактик ҳисобга олинган шахсни унинг иш (ўқиши) ва яшаш жойидан текширади, унинг хулқ-атвори ҳақида маълумотлар олади;

-якка тартиbdаги барча чора-тадбирлар белгиланган таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартиbdаги ёндашиш тамойилига қатъий амал қилган ҳолда олиб боради;

-жазони ижро этиш муассасасидан бўшатилган шахсларнинг оиласига, шунингдек жамиятга мослашишида кўмак беради;

-профилактик ҳисобга олинган шахсни ўқиши ёки ишга жойлаштирилишида, шунингдек вақтинча яшаш жойи билан таъминланишида, ижтимоий ҳаётга мослашиши учун моддий кўмак олишида ёрдам кўрсатади;

-профилактик ҳисобдаги шахслардан ахлоқан тузалаётган ва ўзида ижтимоий ижобий хулқ-атворни шакллантира бошлаганларини рағбатлантириш ёки аксинча ғайриижтимоий хулқ-атворини давом эттирган

шахсларга нисбатан эса, қонунда белгиланган тартибда мажбурлаш чораларини қўллади.

Профилактика ишларининг юритилиши ички ишлар органи бошлиғи ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари бошлиғи, масъул ходимлари томонидан йилнинг ҳар чорагида камида бир маротаба текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этиб борилади.

## **2-савол. Шахсни профилактик ҳисобга олиш муддати ва ҳисобдан чиқариш асослари.**

Шахсни профилактик ҳисобга олиш у профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан **бир йил мобайнида** амалга оширилади.

Агар профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш даврида “Хуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган янги асослар вужудга келса, шахсни профилактик ҳисобга олиш муддатини ҳисоблаш шахс янги вужудга келган асослар бўйича профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан амалга оширилади.

### **Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш асослари.**

Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш қўйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда амалга оширилади:

- профилактик ҳисобга олиш муддатининг тугаши;
- реабилитация қилувчи асосларга кўра жиноят ишини тугатиш тўғрисида терговчи ёки прокурор томонидан қарор қабул қилиниши ёки суднинг оқлов ҳукмининг қонуний кучга кириши;
- суднинг шахсни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазога ҳукм қилиш тўғрисидаги айблов ҳукмининг ёки тиббий йўсингдаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримининг қонуний кучга кириши;
- қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилиши;
- шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлиги тўғрисида далолат берувчи маълумотларнинг мавжудлиги;
- профилактик ҳисобда турган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига қонунда белгиланган тартибда чиқиб кетган тақдирда;
- профилактик ҳисобда турган шахснинг вафот этиши.

Юқорида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобни амалга ошириш учун масъул бўлган шахс шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимининг, бошқармасининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради.

Профилактик ҳисобда турган шахс озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган тақдирда, унга нисбатан тўпланган материаллар суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан беш кун ичida ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-

тадбирларини қўллаш учун тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборилади.

Профилактик ҳисобда турган шахс доимий яшаш жойини ўзгартирган тақдирда, уни ҳисобга олиш янги доимий яшаш жойи бўйича амалга оширилади.

Профилактик ҳисобда турган шахс озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган тақдирда, унга нисбатан юритилаётган профилактика иши суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан беш кун ичида жазони ижро этиш бош бошқармасига юборилади. Жазони ижро этиш бош бошқармаси ушбу профилактика ишини маҳкум жазо ўтаётган муассасага юборилишини ташкил этади.

Профилактик ҳисобда турган шахс доимий ёки вақтинча яшаш жойини ўзгартирган тақдирда, ушбу шахсга нисбатан юритилаётган профилактика иши шахснинг янги доимий ёки вақтинча яшаш жойида амалга оширилади.

Бунинг учун профилактика ишини юритаётган масъул ходим профилактик ҳисобда турган шахснинг ўзгарган доимий ёки вақтинча яшаш жойини аниқлаб, профилактика ишини ушбу манзилга юбориш учун ички ишлар органи раҳбарияти номидан хат тайёрлаб, профилактик ҳисобда турган шахснинг ўзгарган доимий ёки вақтинча яшаш жойидаги ички ишлар органига юборади.

Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланган кундан кучга киради ва З кун ичида профилактик ҳисобдан чиқарилган шахсга эълон қилинади.

Шахс профилактик ҳисобдан чиқарилганида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати томонидан юритиладиган маҳсус китобга тегишли белги ёзиб қўйилади.

Профилактик ҳисобдан чиқарилган шахсларга нисбатан юритилган профилактика ишлари ички ишлар органлари таянч пунктида З йил давомида сақланади, сўнгра далолатнома асосида йўқ қилинади.

Вояга етмаганларга нисбатан якка тартибдаги профилактика ишини юритиш «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 3-боби «Якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш» талаблари асосида амалга оширилади.

Шахсни ички ишлар органлари профилактик ҳисобига олиш ва профилактик ҳисобидан чиқариш асослари бўлган ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг қарорлари шу куннинг ўзида, суднинг ҳукмлари, қарорлари ва ажримлари эса улар қонуний кучга кирган куни шахс доимий ёки вақтинча яшаётган ҳудуддаги ички ишлар органига алоқа хати орқали тақдим этиб борилади. Шахснинг доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўлмаган ҳолларда профилактик ҳисобга олиш ва профилактик ҳисобдан чиқариш асослари ушбу шахс маҳаллий ҳокимликлар ҳамда манфаатдор ташкилотлар томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда доимий ёки вақтинча яшаш учун

жойлаштирилган ногиронлар уйлари, ётоқхоналар жойлашган худудга хизмат кўрсатувчи ички ишлар органига тақдим этилади.

Профилактик ҳисобда турган барча тоифадаги шахсларнинг рўйхатлари ички ишлар органи навбатчилик қисмидаги компьютернинг алоҳида файлида сақланади ва ушбу маълумотлардан хизматда фойдаланилади. Рўйхат хисбот ойининг якуни бўйича ички ишлар органи ҳисобни қайд этиш инспектори томонидан Ахборот марказидан олинган маълумотлар асосида янгилаб борилади.

Давлат томонидан бу идораларнинг ваколат доиралари ишлаб чиқилиб, уларнинг ҳар бирининг олдига, ўзига хос вазифалар қўйилди. Ички ишлар органлари давлат бошқарувининг таркибий қисми сифатида жамият ҳаётида асосий ўрин тутади. Ички ишлар органларининг асосий вазифаси ўз моҳияти мазмунига кўра Республикада ҳуқуқни муҳофаза қилишга, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини ташкил этишда Ички ишлар органларининг таянч пунктларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади, шу жумладан профилактик ҳисобларни юритиш ва профилактик ҳисобда турган шахсларни назорат қилиш, улар билан якка тартибдаги тарбиявий профилактик ишларни ташкил этиш, ижтимоий ребилитация ва ижтимоий мослаштириш чораларини қўллашда таянч пунктларида ҳамкорликдаги ишларни ташкил этилиши янада самарали ҳисобланади.

Шунингдек профилактик ҳисобда турган шахсларнинг мавжуд муаммоларини ечимларини топиш, уларни қонунларга риоя этиш ва унга амал қилиш руҳида тарбиялаш борасида ҳамда ҳуқуқий маданиятини шакллантириш механизми сифатида намоён бўладим. Ички ишлар ходимларининг давлат органлари, жамоат тузилмалари ва фуқаролар билан ҳамкорлигини таъминлаб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини яхшилашга хизмат қиласи.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 35-39 моддаларини ўрганиш ва тегишли бандларини конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар:**

1-савол. Профилактика инспектори профилактик ҳисоб ишини юритиш чоғида нималарни амалга оширади?

2-савол. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш асослари айтинг?

## **11-МАВЗУ: ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБГА ОЛИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ, ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЮРИТИЛАДИГАН ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.**

### **Семинар машғулоти. (2 соат)**

Ушбу ўқув машғулоти “*Ақлий хужум*” методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга савол ташланади. “Ақлий хужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий хужум” методининг босқичлари қуидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурухланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

#### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1-савол. Профилактик ҳисоб деганда нимани тушунасиз?

2-савол. Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасига асосан қандай шахсларга нисбатан профилактик ҳисоблар юритилади?

3-савол. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг қайси моддаларида назарда тутилган маъмурий хукуқбузарликларни содир этганларга нисбатан профилактик ҳисоблар юритилади?

4-савол. Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чоратадбирлари.

5-савол. Ички ишлар органлари хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида ҳамда маҳалла хукуқ-тартибот масканларида қандай хукуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларнинг рўйхати юритилади?

6-савол. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш асосларини айтинг.

7-савол. Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш асосларини айтинг.

8-савол. Шахсни профилактик ҳисобга олиш муддатини айтинг.

## **11-МАВЗУ: ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБГА ОЛИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ, ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЮРИТИЛАДИГАН ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.**

### **Амалий машғулот. (2 соат)**

#### **РЕЖА:**

1-савол. Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чоратадбирларини амалга оширишда расмий огохлантиришни амалга ошириш.

## **12-МАВЗУ: ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ. Маъруза машғулоти. (2 соат)**

### **РЕЖА:**

1-савол. Ички ишлар органлари томонидан тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш тартиби.

2-савол. Ҳимоя ордерининг ижросини таъминлаш тартиби.

3-савол. Ҳимоя ордерини бериш фаолияти устидан мониторинг олиб бориш тартиби.

**1-савол: Ички ишлар органлари томонидан тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш тартиби.**

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазийқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори қабул қилинди ва “Ички ишлар органлари томонидан тазийқ ва (ёки) зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга бериладиган ҳимоя ордерларини қайд этиш ҳамда ахборот алмашиш борасида иш юритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2020 йил 3 февралдаги 51-сон буйруғи тасдиқланди.

Ушбу қарор асосида “Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида Низом” қабул қилинди.

Шу Низом ички ишлар органлари томонидан тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини, шунингдек тазийқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга ҳимоя ордерининг нусхасини бериш тартибини белгилайди.

Ҳимоя ордери ушбу Низомга серия ва рақамга эга бўлган, қатъий ҳисоби юритиладиган ҳужжат ҳисобланади.

Ҳимоя ордери ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори томонидан ушбу Низомда келтирилган схемага мувофиқ берилади.



Ҳимоя ордери туман (шаҳар) ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида юритиладиган алоҳида дафтарда қайд этилади.

## **Қўйидагилар ҳимоя ордерини бериш учун асос ҳисобланади:**



- тазийқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати;
- жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган хабарлар;
- тазийқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши;
- давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар.

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ва ташкилотлар жабрланган хотин-қизлар бўйича маълумотга эга бўлгач ушбу Низомга мувофиқ шаклдаги хабарномани дарҳол ички ишлар органларига тақдим этади.

Хабарнома қонун хужжатларига мувофиқ ички ишлар органлари навбатчилик қисмидаги дафтарда қайд этилади. Тазийқ ва зўравонлик тўғрисида хабар берган шахслар ва тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда қўриқланади.

Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмида белгиланган тартибда қайд этилган мурожаатлар ва хабарлар дарҳол профилактика инспекторига тақдим этилади.

**Профилактика инспектори ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар ва хабарларни 24 соат мобайнида ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш давомида:**

- жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар ҳамда бошқа шахслар билан ҳолат юзасидан сухбат ўтказади;
- жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш тарзи, тазийқ ва зўравонлик содир этилишининг келиб чиқиши сабаблари ва шартшароитларини ўрганади;
- жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

**Профилактика инспектори мурожаат ва хабарларни ўрганиш якуни бўйича:**

- тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордерини расмийлаштиради;
- зўравонлик содир этган шахсларга ҳимоя ордери берилганлиги тўғрисида жабрланувчининг розилиги билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек, бошқа тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларни хабардор қиласди;

-тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланмаган тақдирда қонун хужжатларига мувофиқ тегишли чораларни белгилайди ҳамда бу ҳақда фуқаролар йиғини раиси, фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари иштирокида далолатнома расмийлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материалларини жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза килувчи органга юборади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили иштирокида кўриб чиқлади.

Шахс ҳимоя ордерини олишни ва уни имзолашни рад этганда, профилактика инспектори холислар иштирокида далолатнома тузади ҳамда уни ушбу хатти-ҳаракатни давом эттирган тақдирда қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида расмий огоҳлантиради ва бу ҳақда жабрланувчини хабардор қиласди.

Ҳимоя ордери расмийлаштирилганда барча ёзувлар қўй (ҳаворанг) сиёҳли ручкада, тушунарли қилиб ёзилади.

### **Ҳимоя ордери уч қисмдан иборат бўлиб:**

-биринчи қисми (асли) тўлдирилгандан сўнг жабрланувчиларга берилади;

-иккинчи қисми (нусхаси) зўравонлик содир этган шахсларга берилади;

-учинчи қисми профилактика инспекторида қолади.

Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Профилактика инспектори ҳимоя ордери берилганидан сўнг уч кун муддатда бу ҳақда тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлимни)нинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси, гурӯҳи) бошлиғини хабардор қиласди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи ҳимоя ордерини расмийлаштириш учун тўпланган материалларни ўрганиб, тарафлар фикрини эшитган ҳолда профилактика инспекторининг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ҳақли.

### **2-савол. Ҳимоя ордерининг ижросини таъминлаш тартиби.**

Ҳимоя ордерида қуйидаги чекловлар назарда тутилиши мумкин:  
-тазийқ ўтказишини ва зўравонлик содир этишини тақиқлаш;  
-тазийқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазийқ ва зўравонликдан жабрланув-чилар билан алоқасини тақиқлаш (иш жойларида ва таълим муассасаларида тазийқ ва зўравонлик-дан жабрланувчининг тазийқ

үтказган ва зўравонлик содир этган шахс билан билвосита алоқасига йўл қўйилади);

тазийқ үтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчининг ҳамда тазийқ үтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш;

тазийқ үтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий заарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклаш;

**Ҳимоя ордери амал қилиш даврида профилактика инспекторлари:**

-тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради;

-хотин-қизларга тазийқ үтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

-ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қиласиди ҳамда унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

**Мехнат органлари:**

хотин-қизларга нисбатан иш жойида тазийқ ва зўравонлик үтказилган ҳолларда, бундай ҳолларга йўл қўймасликка қаратилган, шунингдек, хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини ошириш бўйича ташкилотларда профилактика тадбирларини үтказади;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқлаган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

**Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари:**

-таълим муассасаларида таҳсил олувчилар орасидан хотин-қизларга нисбатан тазийқ үтказиши ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар аниқланганда уларнинг хулқ-атворини тузатиш, шунингдек, тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланганларини ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш чора-тадбирларни амалга оширади;

-тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланганларнинг таълим муассасаларида бўш вақтни мазмунли үтказишини таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этади;

-ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

**Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:**

тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини амалга оширади;

химоя ордери талбларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

### **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:**

хотин-қизларни тазийик ва зўравонлиқдан химоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашади; хотин-қизларга тазийик ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларида қатнашади; химоя ордерининг амал қилиш муддати мобайнида тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи зўравонлики содир этган шахс, шунингдек, жабрланувчи билан келгусида бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фаоллари иштирокида сұхбатлар ўтказади;

бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради.

### **Химоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби.**

Химоя ордери амал қилиши даврида хавф бартараф этилмаган бўлса, химоя ордерининг амал қилиш муддати жабрланувчининг аризасига кўра кўпич билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

### **Профилактика инспектори беш иш куни мобайнида:**



химоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида жабрланувчининг аризасини, шу жумладан, хавф бартараф этилган ёки этилмаганлигини ўрганади;

ушбу масала юзасидан мазкур Низомда кўрсатилган тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг фикри (хулосаси)ни олади;

химоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан тўпланган маълумотларни ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғига киритади.

Ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи икки иш куни мобайнида тегишли хужжатларни ўрганган ҳолда химоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтиради ёки узайтишини рад этиш тўғрисида асосланган қарор қабул қиласди.

Химоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган тақдирда бу ҳақда амалдаги бланкага белги қўйилиб, жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар таништирилади ҳамда зўравонлик содир этган шахслар зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тўғрисида огоҳлантирилади.

Химоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган даврда зўравонлик содир этган шахсларга қўшимча чекловлар ёки профилактик чора-тадбирлар белгиланиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини узайтириш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили иштирокида кўриб чиқилади.

**Ҳимоя ордерининг амал қилиши қуйидаги ҳолатларда тугатилади:**  
жабрланувчи ҳимоя ордерини тугатишни сўраб мурожаат қилганда;  
ҳимоя ордерида белгиланган муддат (узайтирилган муддат) тугаганда;  
жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсдан бири суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

содир этган жинояти учун жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бирига нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланганда;

жабрланувчилар ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бири содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилганда;

жабрланувчилар ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бири мажбурий даволанишга юборилганда;

жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларнинг бири қонун хужжатларига мувофиқ доимий яшаш жойидан узоқ муддатга бошқа мамлакатга чиқиб кетганда;

жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслардан бири вафот этганда.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати тугаганлиги тўғрисида шу куннинг ўзида жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар хабардор қилинади.

### **3-савол. Ҳимоя ордерини бериш фаолияти устидан мониторинг олиб бориш тартиби.**

Ҳимоя ордерини бериш фаолияти устидан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан мониторинг олиб борилади.

Профилактика инспекторлари томонидан тақдим этилган жабрланувчи, зўравонлик содир этган шахсларга берилган ҳимоя ордери тўғрисидаги статистик маълумотлар туман ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари томонидан умумлаштириб, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаларига кейинги ойнинг 2-кунига қадар тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари ушбу маълумотларни ўрганиб, умумлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасига кейинги ойнинг 5-кунига қадар тақдим этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлигининг хотин-қизларни тазиикдан ҳимоя қилиш, шу жумладан, ҳимоя ордерини бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисботи ҳар ойда тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш

бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи хузурида ўтказиладиган тезкор йиғилишларда мухокама қилиб борилади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъruzaga ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги З-сон қарори, ушбу қарор асосида “Тазиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида Низом”ни ўқиб ўрганиш.

### **Назорат учун саволлар:**

1-савол. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби?

2-савол. Нималар ҳимоя ордерини бериш учун асос ҳисобланади?

## **12-МАВЗУ: ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ.**

### **Семинар машғулоти. (2 соат)**

Ушбу ўқув машғулоти “**Савол-жавоб**” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Савол-жавоб» методи мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўқитувчи моҳияти ёритилган мавзу юзасидан саволлар тайёрлайди

Ўқитувчи саволларни тингловчилар эътиборига ҳавола этади

Тингловчилар берилган саволларга жавоб қайтариш орқали мавзуни ўзлаштирганлик даражасини намойиш этади

Ўқитувчи тингловчиларнинг савол-жавобдаги иштирокларини таҳлил қилиб, баҳолайди ва машғулотга якун ясади

## **Ўзув машгулотнинг саволлари:**

1-савол.Химоя ордерини бериш учун асослар;

2-савол. Жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш тарзи, тазийқ ва зўравонлик содир этилишининг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш;

З-савол. Жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари;

4-савол. Тазиик ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда ҳимоя ордерини расмийлашти;

5-савол. Жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар ҳамда бошқа шахслар билан ҳолат юзасидан сухбат;

### **Мустақил тайёргарлик учун саволлар:**

1-савол. Зўравонлик содир этган шахсларга ҳимоя ордери берилганлиги тўғрисида жабрланувчининг розилиги билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек, бошқа тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларни хабардор қилиш.

2-савол. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материалларини жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юбориш.

З-савол. Шахс ҳимоя ордерини олишни ва уни имзолашни рад этгандан амалга ошириладиган харакатлар.

4-савол. Ҳимоя ордери қисмлари.

**12-МАВЗУ: ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗИЙҚ ВА ЗҮРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БҮЙИЧА ФАОЛИЯТИ.**

## Амалий машғұлот. (2 соат)

Режа:

1-савол. Тазиик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини расмийлаштириш тартиби.

# **13-МАВЗУ: ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ МАРКАЗЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ЧИҚАРИШ АСОСЛАРИ.**

## **Маъруза машғулоти. (2 соат)**

### **РЕЖА:**

- 1-савол. Вояга етмаганларни Марказга қабул қилиш тартиби.
- 2-савол. Марказлардан вояга етмаган шахсни чиқариш асослари.

#### **1-саволи: Вояга етмаганларни Марказга қабул қилиш тартиби.**

Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар таълим муассасаларида, профилактика инспекторлари хизмат ҳудудида, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари оиласларда ўрганиш (кузатиш) ва профилактик тадбирларни амалга ошириш жараёнида қаровсиз болаларни аниқлайди.

Вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлиги давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқланган ҳолларда улар бу тўғрисида профилактика инспекторига хабар беради.

Профилактика инспектори бирламчи ўрганиш натижаларига кўра бола қаровсиз қолганлиги тўғрисида хулосага келган тақдирда, ушбу хулосани маҳаллий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғига тақдим этади, маҳаллий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи эса, хулосани кўриб чиқиб, болани Марказга қабул қилиш юзасидан йўлланма тайёрлайди ва уни Марказга юборади.

Марказ ходимлари 5 соат ичида маҳсус автотранспорт воситасида қаровсиз бола сақланаётган манзилга етиб келиб, уни қабул қилиб олади ва белгиланган тартибда Марказга олиб бориб жойлаштиради.

Марказ бошлиғи ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи (Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари — хукуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи)га қаровсиз бола қабул қилинганлиги ҳақида навбатчилик қисми орқали хабар беради.

Марказ бошлигининг сўровига асосан ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаси мутахассислари 3 соат ичида Марказга етиб келиб, қаровсиз болани белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтказади.

Тиббий текширув хулосасига кўра қаровсиз боланинг даволанишга муҳтожлиги (ақлий ва руҳий ривожланишда ёшига нисбатан орқада қолган, тан жароҳати, касаллиги, ҳомиладорлиги) аниқланган ҳолларда у даволаниш учун тегишли соғлиқни сақлаш муассасасига ёки ақлий ва руҳий ривожланишда ёшига нисбатан орқада қолаётган болаларга мўлжалланган муассасага жойлаштирилади.

Марказ 48 соат ичида қаровсиз боланинг шахсини аниқлайди, унинг ўқиши ва хулқ-атворини, оиласидаги муҳитни ҳамда қаровсиз қолишига сабаб бўлган омилларни тўлиқ ўрганади, боланинг ижтимоий-хукукий ҳолатига баҳо бериш натижасига кўра ижобий хулосага келса, уни ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширади.

Марказдан ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширилган боланинг ўқиши, хулқ-атвори ва оиласидаги муҳит бир йил давомида вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар томонидан маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органлари билан биргаликда мониторинг қилиб борилади.

Мониторинг давомида боланинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда қолаётганлиги кузатилса, уни белгиланган тартибда Марказга қайтариш чоралари кўрилади.

Марказ боланинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига баҳо бериш натижасига кўра унинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилада яшаётганлиги ва давлат ёрдамига муҳтожлиги тўғрисида хulosага келса, ушбу болани Марказда 48 соатдан ортиқ, бироқ 30 кундан (зарурат бўлганда 45 кундан) кўп бўлмаган вақт давомида сақлаш ҳақида судга илтимоснома киритади.

Ушбу илтимоснома 24 соат ичida Марказда сайёр ёки онлайн шаклда ўtkазиладиган ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқлади.

Суд илтимосномани кўриб чиқиш жараёнида қаровсиз боланинг ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар) рози бўлмаган ҳолда ҳам уни Марказга ва келгусида ихтисослаштирилган таълим муассасасига қабул қилиш масаласини кўриб чиқади.

Қаровсиз боланинг доимий яшаш жойи бошқа минтаقا худудида бўлса, Марказ 48 соат ичida уни тегишли худуддаги Марказга олиб бориб топширади.

Вояга етмаганларни 48 соатдан кўп бўлмаган муддатга Марказларга қабул қилишга туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошликлари ёки Марказ бошлиғи ёхуд унинг ўринбосарларининг қарори асос бўлади.

Вояга етмаганларни 48 соатдан кўп бўлган муддатга Марказларга қабул қилиш учун суднинг қонуний кучга кирган ажрими асос бўлади.

Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар томонидан вояга етмаганлар назоратсиз ва қаровсиз қолганлиги аниқланганда вояга етмаганлар марказга қабул қилиш учун хужжатларни расмийлаштириш мақсадида туман (шаҳар) ички ишлар органларининг энг яқин таянч пунктига ёки Марказга олиб келинади.

Вояга етмаганларни марказларга қабул қилиш борасидаги тадбирлар мазкур Низомга иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

Марказ бошлиғи ёки унинг ўринбосарлари вояга етмаган шахс ушбу Марказга қабул қилинганлиги тўғрисида мазкур Марказ жойлашган худуддаги прокурорни ва вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияни зудлик билан, лекин узоги билан 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қиласди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия тақдим этилган хужжатларни зудлик билан кўриб чиқиб, 48 соатдан кўп бўлмаган муддатда туман (шаҳар) ички ишлар органлари ёки марказ бошлигининг ёхуд унинг

ўринбосарларининг вояга етмаганни Марказга қабул қилиш тўғрисидаги қарорини келишиб беради.

Вояга етмаганлар ва уларнинг буюмлари Марказга жойлаштирилишидан олдин бир жинсга мансуб икки ёки ундан ортиқ шахслар иштирокида шахсий кўрикдан ўтказилади.

Шахсий кўрик натижасида тан жароҳати ҳолатлари аниқланганда ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига хабар берилади ҳамда Марказда сақланиши ман этилган буюмлар олиб қўйилади ва ўтказилган шахсий кўрик натижасига кўра далолатнома расмийлаштирилади.

Марказга олиб келиниши тақиқланган буюмлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда юритилади.

Пул маблағлари ёки моддий қийматга эга бўлган буюмлар, ҳужжатлар, шахсий ашёлар ва бошқа буюмлар Марказнинг ушбу буюмларни сақлаш учун масъул этиб тайинланган ходимига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ вақтинчалик сақлаб туриш учун топширилади.

Марказга жойлаштирилган вояга етмаганлар тўғрисида маълумот улар Марказга олиб келинган қуннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда юритиладиган вояга етмаганларни рўйхатга олиш китобига қайд ёзуви киритилади.

Марказга қабул қилинган вояга етмаганлар 48 соатгача Марказда сақланса, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги ҳисобга олиш карточкаси (электрон тарзда) тўлдирилади, Марказга жойлаштирилган вояга етмаганлар 48 соатдан ортиқ сақланса, унга нисбатан Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда ҳисобга олиш йиғма жилди юритилади. Йиғма жилд электрон тарзда юритилиши ҳам мумкин.

Жиноят содир этган ва жиноят содир этишда гумонланаётган, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, шунингдек, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари ёки алкоголь ичимликлар таъсирида бўлган, ногиронлик белгиси яққол кўриниб турган, ақли норасо бўлган вояга етмаганлар ҳамда 18 ёшга тўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган шахслар Марказга қабул қилинмайди.

**Марказларга З ёшдан 18 ёшгacha бўлган қўйидаги вояга етмаганлар кечакундуз қабул қилинади:**



ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратисиз ва қаровисиз қолган;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларда яшаётган ҳамда давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтоҷ бўлган;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этганлар;

ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ёшда бўлганлар;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар, агар вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш ёки улар томонидан такроран ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш зарур бўлса, шунингдек, вояга етмаганларнинг шахси аниқланмаган ёхуд унинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган хукуқбузарликларни содир этганлар, агар уларнинг шахси аниқланмаган бўлса ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари хукуқбузарликлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

ўзининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши тўғрисидаги масаланинг суд томонидан кўриб чиқилишини вақтинча кутиб турганлар;

суднинг ажримиға кўра ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига юборилаётганлар.

## **2-ўқув саволи: Марказлардан вояга етмаган шахсни чиқариш асослари.**

- ✓ вояга етмаган шахснинг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (васийлик ёки ҳомийлик органи)га топширилиши;
- ✓ республика ўқув-тарбия муассасасига қабул қилиниши;
- ✓ болалар-мехрибонлик уйига қабул қилиниши;
- ✓ ихтисослаштирилган таълим муассасасига қабул қилиниши;
- ✓ вояга етмаган шахсда марказда қолишига тўскинлик қилувчи касаллик аниқланганлиги сабабли уни соғлиқни сақлаш муассасасига юборилиши;
- ✓ олиб келинган вояга етмаган шахснинг 18 ёшга тўлиши.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

1-савол. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 490-сон қарорини ўқиб ўрганиш.

### **Назорат учун саволлар:**

1-савол. Марказларга неча ёшда бўлган вояга етмаганлар ва қачон қабул қилинади?

2-савол. Марказга қабул қилинган вояга етмаганлар қанча муддатга сақланади?

### **13-МАВЗУ: ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ МАРКАЗЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ЧИҚАРИШ АСОСЛАРИ.**

#### **Семинар машғулоти. (2 соат)**

Ушбу ўқув машғулоти “*Савол-жавоб*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Савол-жавоб» методи мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

#### **Ўзув машғулотнинг саволлари:**

1-савол. Марказлар фаолиятининг асосий йўналишлари.

2-савол. Марказларнинг асосий вазифалари.

3-савол. Марказларнинг ваколатлари.

4-савол. Вояга етмаганларни Марказларга қабул қилиш.

5-савол. Вояга етмаганларни Марказлардан чиқариш асослари.

### **Мустақил таълим учун топшириқ:**

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 490-сон қарорини ўрганиш ҳамда конспект қилиш.

## **13-МАВЗУ: ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ МАРКАЗЛАРГА ҚАБУЛҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ЧИҚАРИШ АСОСЛАРИ.**

**Амалий машғулот. (2 соат)**

**РЕЖА:**

1-савол. Вояга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш учун назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни хужжатлаштириш тартиби.



**Вояга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш маркази.**

## **14-МАВЗУ: ЖИНОЯТ, ҲОДИСАЛАР ҲАҚИДАГИ АРИЗА, ХАБАР ВА БОШҚА МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ.**

**РЕЖА:**

1-савол. Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқишининг хукукий асослари. Асосий тушунчалар.

2-савол. Жиноят-процессуал қонунчилигига асосан жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўладиган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарлар. Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа маълумотлар.

3-савол. Мурожаатларни рўйхатга олиш хужжатларини юритиш, қабул қилиш, рўйхатга олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби.

**1-савол: Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқишининг хукукий асослари. Асосий тушунчалар.**

**Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқишининг хукукий асослари:**

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-445-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 1 январдаги 2-сонли “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2016 йил 12 ноябрдаги 180-сон “Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратурасининг 2018 йил 17 март кунидаги 26/17ққ-сон қўшма қарори қабул қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига мувофик, терговга қадар текширув ёки дастлабки терговни амалга ошириш шарт бўлган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ҳамда Транспортдаги ички ишлар бошқармаларининг қуий шаҳар, туман, тармоқ ички ишлар органлари ва жазони ижро этиш муассасаларида қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқилган материаллар юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳисобини юритиш ва улар устидан назорат қилиш ҳамда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришнинг ягона тартибини белгилайди.

Жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакили жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ҳамда бошқа маълумотларни оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда беришлари мумкин. Оғзаки, ёзма ва электрон кўринишдаги мурожаатлар бир хил аҳамиятга эга.

Ички ишлар органларига жиноят ва ҳодисаларга оид ариза ва хабарлар билан, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар билан ишлашда қуийдаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:**



**жиноят** – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг маҳсус қисми нормаларида жазо қўллаш таҳдиidi билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (харакат ёки ҳаракатсизлик);

**ҳодиса** – табиий ва техноген оғатлар, авариялар, инсонлар билан боғлиқ баҳтсиз ҳолатлар, эпидемия, эпизоотия, ёнғинлар, фуқароларнинг бедарак йўқолиши, фуқароларнинг ёрдамга муҳтож ҳолатда топилиши ва бошқа терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиш талаб этадиган воқеалар;

**мурожаат** – Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига ўрнатилган процессуал қоидаларга биноан терговга қадар текширув ёки дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш шарт бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисаларга оид аризалари, хабарлари ва бошқа маълумотлари;

**электрон мурожаат** – электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон хужжатнинг идентификация қилиш имконини берадиган реквизитларга эга жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги электрон хужжат шаклидаги мурожаат;

**ариза** – жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакили тайёрланаётган, суиқасд қилинган ёки тамом бўлган жиноят оқибатида бузилган хуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ёрдам кўрсатишни сўраб, ички ишлар органига жиноят ва ҳодисалар тўғрисида баён этган мурожаатлари.

Жиноят ҳақидаги аризаларга айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз ёки ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти ҳақида гумон қилинмасдан ва унга айб эълон қилинмасдан олдин берган хабарлари ҳам киради;

**хабар** – жисмоний шахс ёки юридик шахснинг (корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси) ваколатли мансабдор шахси ёки оммавий ахборот воситаларининг жиноят содир этишга тайёргарлик кўрилаётган, суиқасд қилинаётган ҳамда тамом бўлган жиноят ва ҳодиса ҳақида берган ахборотларига доир мурожаатлар;

**бошқа маълумотлар** – жиноят иши қўзғатишга сабаб бўлмайдиган, бироқ жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш учун терговга қадар текширув ўтказиш талаб қилинадиган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар;

#### **оммавий ахборот воситаларининг хабарлари:**

матбуотда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) чоп этилган;

электрон тарзда (радио эшилтириш, телекўрсатув орқали видео ёки кинохроникал дастурларда) намойиш этилган;

умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари (интернет веб-сайтлар) орқали берилган, шунингдек оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар;

**бошқа алоқа техника воситалари** – мурожаат этувчи шахс, жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни телефон, телефакс, телефонограмма, телеграмма, радиограмма шаклида ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) ҳамда Ички ишлар вазирлигининг интернет тармоғидаги веб-сайти ([mvd.uz](http://mvd.uz)) орқали ички ишлар

органларига тақдим этган хабарлар;

**аноним мурожаат** – имзосиз, қалбаки имзоли, шу жумладан электрон шаклдаги ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ва бошқа аноним хабарлар, шунингдек жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг қонуний вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тұғрисидаги маълумотлар күрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар акс эттирилган ахборотлар;

**мурожаатларни қабул қилиш** – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) ва мазкур Йўрикнома талабларига мувофиқ ички ишлар органининг ваколатли мансабдор шахси томонидан жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ишларини амалга оширишга доир ҳаракат;

**мурожаатларни рўйхатга олиш** – келиб тушган ҳар бир жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотлар тұғрисидаги ахборотларни рўйхатга олиш хужжатларида қайд этиш, тартиб рақам бериш ҳамда рўйхатга олингандиги тұғрисида муҳр (штамп) билан тасдиқлаш билан боғлиқ ҳаракатлар;

#### **рўйхатга олиш ҳужжатлари:**

а)жиноятлар тұғрисидаги ариза ва хабарларни ҳисобга олиш 1-шакл китоб;

б)ички ишлар органларига телефон, телефонограмма, телеграмма, радиограмма шаклида ҳамда қўриқлаш ва ёнғин сигнализация ускуналарининг ишлаб кетиши ҳамда ҳодисалар ҳақидаги бошқа сигналларга оид келиб тушган маълумотларни ҳисобга олиш 2-шакл журнал;

в)жиноят ва ҳодисаларни рўйхатга олингандиги тұғрисидаги билдирувталони китобчаси;

г)жиноят иши қўзғатишни рад қилиш қарори тұғрисидаги материалларни ҳисобга олиш журнали;

**мурожаатларнинг ҳисобини юритиш** – ички ишлар органларига келиб тушган ва рўйхатга олинган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларнинг миқдори, ижтимоий хавфлилік даражаси, тури, белгиланган муддатларда кўриб чиқилгандиги, кўрилган чоралар, текширув натижалари бўйича қабул қилинган процессуал қарорлар тұғрисидаги маълумот ва кўрсаткичларни статистик ҳисоботларда акс эттириш;

**ички ишлар органи ва муассаса навбатчиси** – навбатчилик сменаси бошлиғи, тезкор навбатчиси, катта инспектор-навбатчиси, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлигининг Ахборот-диспетчерлик хизмати, саф бўлинмаларининг инспектор-навбатчиси, соҳавий хизматлардаги штат бирликларидан ташқари навбатчи ходим, жазони ижро этиш муассасаси ва тергов ҳибсхонаси бошлигининг ёрдамчиси-тезкор навбатчиси, Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ва ҳарбий қисмлари навбатчиси, таълим муассасаларидағи навбатчилар тушунилади;

**навбатчи наряд** – ички ишлар органининг маъмурий биноси ва худудида кеча-кундуз навбатчиликда қолаётган тезкор хизмат олиб борувчи ходимлар;

**тергов-тезкор гурухи** – шаҳар-туман-тармоқ ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига жиноят ва ҳодиса ҳақида келиб тушган ариза ва хабарлар юзасидан ҳодиса содир бўлган жойда зудлик билан кечиктириб бўлмайдиган тергов-тезкор ҳаракатларини ўтказиш учун тегишли соҳавий хизмат ходимларидан иборат навбатчилик сменаси таркибига кирувчи гурух.

**Ички ишлар органларига келиб тушган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) мазмунига кўра уч турга бўлинади:**

а)жиноят-процессуал қонунига мувофиқ жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўладиган ҳолатлар;

б)текширув якуни бўйича келиб тушган хабар жиноят ҳақида эмас, балки маъмурий хуқуқбузарликларга доир ҳолатлар;

в)жиноят ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлмаган бошқа мурожаатлар.

**2-савол. Жиноят-процессуал қонунчилигига асосан жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўладиган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарлар. Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа маълумотлар.**

**Жиноят-процессуал қонунчилигига асосан жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўладиган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларга қўйидагилар киради:**

а)оғзаки равишдаги ариза – аризачи била туриб ёлғон хабар берганлик ҳақида жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилиб, расмийлаштирилган ва имзолангандан баённома;

б)ёзма равишдаги ариза – мурожаат этувчининг анкета маълумотлари, яшаш ва иш жойи тўғрисидаги ахборотлар тўлиқ акс этирилиб, расмийлаштирилган мурожаат;

в)телефон, телефонакс, телефонограмма, телеграмма, радиограмма шаклида ёки интернет тармоғи орқали ички ишлар органларига тақдим этилган хат-хабарлар;

г)фуқаронинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ариза ва хабарлар;

д)корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ёзма хабарлари;

е)шахс ўзи содир этган жинояти юзасидан айбини бўйнига олиш ҳақидаги ёзма равишида берган арзи ёки ўрнатилган тартибда оғзаки равишида берган арзи расмийлаштирилган баённома.

**Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа маълумотлар қўйидагилардан иборат:**

а)жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан телефон, телефонакс ёки бошқа алоқа техника воситалари орқали берган хабарлари;

б)даволаш муассасалари ходимларининг – фуқаролар баданида тан

жароҳати излари билан мурожаат этиб келган ҳолларда, жиноий хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хабарлари;

в)ички ишлар органларининг маҳсус муассасалари (маъмурий қамоқقا олинган шахсларни сақлаш маҳсус қабулхонаси, аниқ яшаш жойи ва машғулот турига эга бўлмаган шахсларни реабилитация этиш маркази, вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази, ушланган ва қамоқقا олинган шахсларни вақтинча сақлаш ҳибсхонаси) ёки жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган ва тергов ҳибсхоналарида ушлаб турилган шахс томонидан жиноят содир этганлиги аниқланганлиги ёки жиноят аломатлари мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хабарлари;

г)хорижга чиқиши-келиш ва фуқарорликни расмийлаштириш хизмати ходимларининг – фуқаролик паспорт йўқолганлик ҳолати юзасидан мурожаат этилганида жиноят аломатлари мавжудлигига шубҳа уйғотувчи хабарлари;

д)Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг – йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги хабарлари;

е)Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, туманлараро рўйхатга олиш-имтиҳон бўлими ходимларининг – фуқароларнинг автомототранспорт воситаларини бошқариш хуқуқини берувчи гувоҳномалари, транспорт воситаларининг техник паспортлари ва давлат рақам белгилари йўқотилганлиги ҳақида берган аризалари бўйича жиноятга шубҳа тугдирувчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги хабарлари;

ё)қўриқлаш хизмати ходимларининг – қўриқлаш сигнализация ускуналарининг ишлаб кетиши тўғрисидаги хабарлари;

ж)ёнгин хавфсизлиги ходимларининг – ёнгинлар ва ўзганинг мулкини қасдан ўт қўйиш орқали нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ҳолатлари тўғрисидаги хабарлари;

з)матбуот, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан интернет тармоғида эълон қилинган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги хат-хабарлар;

и)юз берган ҳолатлар бўйича сугурта компанияларининг хатлари;

й)тайёргарлик қўрилаётган ёки содир этилган хуқуқбузарликлар билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар;

к)авариялар, ёнгинлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, табиий оғатлар, одамлар билан боғлиқ баҳтсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар;

л)ички ишлар органлари ходимлари томонидан бевосита фош этилган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи билдиргилари ҳисобланади.

Мурожаат ёзма равишда тақдим этилганда, жисмоний шахс ёки юридик шахс ваколатли раҳбарининг имзоси билан тасдиқланади.

Агар, жисмоний шахс ёзма мурожаатини имзоси билан тасдиқлашни имкони бўлмаса, унинг мурожаатини ёзиб берган шахснинг фамилияси, исм-шарфи кўрсатилиб, имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Ички ишлар вазирлигининг веб-сайти орқали жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги электрон шаклдаги мурожаатлар келиб тушганда мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Аноним мурожаатлар ички ишлар органларининг рўйхатга олиш китоби ва журналларида қайд этилмайди, кўриб чиқилмайди ҳамда суриштирув ва тергов органлари учун жиноят ишини қўзғатишга асос бўлмайди. Тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги аноним маълумотлар келиб тушганда тезкор хизматларга жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш ва очища фойдаланишлари учун маълумот-ахборот тариқасида тақдим этилади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар терговга қадар текширув ва дастлабки тергов жараёнида тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқилиши, текширилиши, тўпланган далилларни ишга алоқаси бор-йўқлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Жисмоний шахс ёки юридик шахс ўз вакили орқали мурожаат этганда, вакилига билдирилган ишончнома ва унинг шахсига оид ҳужжатлар илова қилиниши керак.

**Мурожаатлар билан ишлашда ички ишлар органларининг вазифалари ва мажбуриятлари.**

Ички ишлар органлари жисмоний ва юридик шахсларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, уларнинг жиноят ва ҳодисалар ҳақида берган мурожаатларини, шунингдек авариялар, инсонлар билан боғлиқ баҳтсиз ҳодисалар, эпидемия, эпизоотия, ёнғинлар, фуқароларнинг бедарак йўқолиши, табиий оғатлар ҳамда жамоат тартибини сақлашда юз берган ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқишга мажбур.

**Йўриқнома бўйича қўйидаги орган ва мансабдор шахсларга тааллуқлилиги бўйича амал қиласи:**

сuriштируv органларининг суриштируvчилари;

дастлабки тергов органларининг терговчилари;

тезкор-қидируv фаолиятини амалга ошируvчи тезкор хизматларининг ходимлари.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилган тартибларда жиноят ҳақидаги хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва текшируvни ўtkазишга ваколатли бошқа мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади.

**З-савол. Мурожаатларни рўйхатга олиш ҳужжатларини юритиш, қабул қилиш, рўйхатга олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби.**

**Мурожаатларни рўйхатга олиш ҳужжатларини юритиш тартиби.**

Ички ишлар органларига келиб тушган ҳар бир жиноят ва ҳодиса қачон, қаерда содир этилгани, уни содир этган шахслар аниқланган ёки

аниқланмаганидан қатъий назар «Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳисобга олиш» 1-шакл китобидан рўйхатга олинади.

Китобнинг тўғри юритилиши бўйича шахсий жавобгарлик шу сутка давомида навбатчиликда бўлган ички ишлар органи навбатчиси зиммасига юклатилади.

1-шакл китоб ички ишлар органида беш йил сақланади, сўнг далолатнома асосида йўқ қилинади.

Ички ишлар органларига келиб тушган телефон, телекоммуникация, телефонограмма, радиограмма ва бошқа алоқа техника воситалари ҳамда кўриқлаш ва ёнғин сигнализацияси ускуналарининг ишлаб кетиши, шунингдек ҳодисалар ҳақидаги бошқа сигналларга оид маълумотлар ички ишлар органида ягона ҳисобланган 2-шакл журналида рўйхатга олинади.

Ички ишлар органига жиноят ва ҳодиса ҳақида келиб тушган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар юзасидан ўтказилган терговга қадар текширув натижаларига кўра, Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши қўзғатишга сабаб бўлмайдиган материаллар «Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш қарори тўғрисидаги материалларни ҳисобга олиш» журналида рўхатга олинади.

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги материалларни ҳисобини тўғри юритилиши учун шахсий жавобгарлик шаҳар, туман, тармоқ ИИБнинг ҳисоб-қайд этиш ишлари учун масъул бўлган ходим зиммасига юклатилади.

### **Мурожаатларни қабул қилиш тартиби:**

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин.

### **Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар қўйидаги тартибда қабул қилинади:**

а)жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш орқали;

б)фельдъегерлик хизмати ёки бошқа алоқа техника воситалари орқали;

в)Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда ИИВнинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти орқали;

г)ички ишлар органининг фуқароларни қабул қилиш хонасида;

д)жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари учун қулай жойларга ўрнатилган почта қутиси орқали.

Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза ва хабарлар, уларнинг содир этиш жойи ва вақти, шахси аниқ бўлган-бўлмаганлигидан, шунингдек, хабарнинг тўлиқ эмаслигидан қатъи назар, ички ишлар органининг штатли навбатчиси, уларнинг ёрдамчилари ва белгиланган тартибда навбатчиликка тайинланган ходимлар томонидан кеча-кундуз қабул қилинади.

### **Жиноят ёки ҳодиса юз берганда навбатчилик қисм (хизмат)нинг бевосита вазифалари қўйидагилардан иборат:**

а)жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларни зудлик билан қабул қилиш, дарҳол расмийлаштириш, рўйхатга олиш учун тегишли китоб ва

журналларга қайд этиш;

б) содир этилган жиноят ёки ҳодисага баҳо бериш, жиноятни фош этиш, далилларни олиш, жиноят содир этган шахсларни ушлаш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида тергов-тезкор гуруҳи (бундан буён матнда ТТГ деб юритилади) раҳбари ва аъзоларига зудлик билан маълум қилиш, ТТГни воқеа жойига кўздан кечириш учун чиқишини таъминлаш, юз берган ҳолатнинг турига қараб қўшимча кучларни жалб қилиш ва юборилишини ташкил этиш.

### **Мурожаатларни рўйхатга олиш ва уларнинг ҳисобини юритиши тартиби.**

Ички ишлар органининг навбатчилик қисмига келиб тушган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар зудлик билан 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналида рўйхатга олинади ва бу ҳақда тегишли орган бошлиғига ахборот берилади. Ариза ва хабарни кўриб чиқилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ва мазкур Йўриқнома талабларига мувофиқ ташкил этилади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни рўйхатга олиш ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида дарҳол амалга оширилади.

#### **Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарлар:**

ички ишлар органлари навбатчилик қисмига, саф бўлинмаларининг навбатчисига ҳамда суриштирувчи ёки терговчига бевосита мурожаат этганида **1-шакл китобида**;

ички ишлар органларининг телефон ёки бошқа алоқа техника воситалари орқали келиб тушган, шу жумладан қўриқлаш ва ёнгин сигнализация ускуналарининг ишлаб кетиши ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа сигналларга оид маълумотлар **2-шакл журналда рўйхатга олинади**.

1-шакл китоб ва 2-шакл журнал навбатчилик қисмida сақланади ва ички ишлар органи навбатчиси ёки унинг ёрдамчиси томонидан тўлдириб борилади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақида ёзма шаклда келиб тушган хабарларни рўйхатга олишда жисмоний шахснинг аризасига ёки юридик шахснинг ёзма равишдаги хабарига рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи штамп қўйилади.

#### **Штамп ўзида қуйидаги маълумотларни сақлайди:**

- ❖ жиноят ва ҳодисани рўйхатга олиш санаси;
- ❖ қайд этилган тартиб рақами;
- ❖ мурожаатни қабул қилган навбатчининг фамилияси акс эттирилади.

❖ Мурожаатни қабул қилган навбатчи киритган маълумот ва ёзувларни тўғрилигини ўз имзоси билан тасдиқлайди.

1-шакл китоби ва 2-шакл журналини юритиши қоидаларига риоя этмаслик, жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги мурожаатларни тўлиқ ёки ўз вақтида рўйхатга олмаслик, шунингдек кўриб чиқилишини кечикирилиши учун жавобгарлик шахсан ички ишлар органи бошлиғи ва масъул бўлган

тезкор навбатчининг зиммасига юклатилади.

Агар, жиноят ва ҳодисалар ҳақида келиб тушган мурожаат юритувда бўлган жиноят иши ёки суриштирув органининг текширув ҳужжатларига қўшиб қўйилган бўлса, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналга тегишли ёзувларни киритиб қўйиши лозим.

### **Мурожаатларни кўриб чиқиши тартиби.**

1-шакл китоби ва 2-шакл журналда рўйхатга олинган ариза ва хабарлар келиб тушган вақтнинг ўзида ички ишлар органининг навбатчиси текширув ўтказишни ташкил этиши керак.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар рўйхатга олиниб, ИИБ бошлиғи ёки унинг ўринбосарларидан бирига қонуний қарор қабул қилиш учун ахборот берилгандан сўнг 24 соат ичидаги ижро чиқишига топширилиши шарт.

**Ички ишлар органи бошлиғи, унинг ўринбосарлари, суриштирувчи, терговчи ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқишида ёки хабарни текширилишини ташкил этишда, ариза ва хабарда мавжуд бўлган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, ўз ваколатлари доирасида дарҳол қўйидаги кечиктириб бўлмайдиган чораларни амалга оширишлари шарт:**

жиноятнинг олдини олиш ёки содир этилган жиноят ва ҳодисани оғир оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик;

воқеа содир бўлган жойни зудлик билан қўриқланишини ташкил этиш, воқеа жойига тергов-тезкор гурухини ўз вақтида тўлиқ таркибда чиқиши ва сифатли кўздан кечириш, жиноят изларини аниқлаш, далилларни расмийлаштириб олиш;

жиноятга тайёргарлик кўраётган, содир этаётган ёки содир этган шахсларни жиноят устида қўлга олиш учун тергов ҳаракатлари ва тезкор қидирив тадбирларини ўтказиш.

**Ички ишлар органларининг ҳудудий профилактика инспектори йўл-патруль хизмати ва патруль-пост хизмати саф бўлинмалари навбатчилари хизмат ҳудудида жиноят белгилари мавжуд бўлган ҳолатларни аниқлаганларида ҳодиса тўғрисида зудлик билан телефон ёки бошқа алоқа воситаси орқали ҳудудий шаҳар, туман, тармоқ ички ишлар органи навбатчилик қисмига ахборот беради ва ўзига юклатилган мажбуриятлардан келиб чиқиб:**

- жиноятнинг «иссиқ изидан» очилишини ташкиллаштириш;
- ҳолат оғир оқибатларга олиб келишининг олдини олиш;
- жиноят содир этган шахсларни ушлаш;
- жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;
- тергов-тезкор гурухи етиб келгунга қадар ҳодиса содир бўлган жойдаги асл ҳолат ва далилий ашёларни қўриқлаш, рўй берган ҳодисанинг табиати ва тавсифини инобатга олиб бошқа кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни амалга оширишни ташкил этади.

Жиноят ва ҳодисага оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар

рўйхатга олиниши ва дарҳол жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечикмасдан кўриб чиқилиши лозим.

Кўрсатилган муддат ичидаги терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча хужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин.

Алоҳида ҳолларда, ушбу банднинг биринчи хат бошида кўрсатилган муддат суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига кўра қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда, прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

ўтказиш учун қўп вақтни талаб қиласидаги экспертиза, хизмат текшируви, хужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

олис жойларда бўлган ёки чақиравга биноан хозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

ЖПКнинг 330-моддасига мувофиқ, жиноятга оид маълумотларни кўриб чиқиши натижалари бўйича – жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш, ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига кўра юбориш ҳакида қабул қилинган қарорлар, ЖПКнинг 329-моддасида ўрнатилган муддатларда кўриб чиқилади ва бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма равишида хабар қилинади.

Илгари 2-шакл журналида рўйхатга олинган мурожаат бўйича мансабдор шахсдан ёки фуқародан ёзма ариза ёхуд хабар олинганда, шунингдек рўйхатга олинган мурожаатда жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланганда 2-шакл журналининг 7-устунига бу ҳақда ёзилади ва ушбу ариза ёки хабар 1-шакл китобига ўтказилади.

Жиноят ҳақидаги маълумот тасдиқланган тақдирда 2-шакл журналидан 1-шакл китобига ўтказилади.

Бошқа маълумот тарзидаги хабарлар келиб тушганда ички ишлар органининг навбатчиси уларни дарҳол текшириш чораларини кўриш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни ўтказиш учун ТТГ таркибиға кирувчи барча гуруҳ аъзоларини воқеа содир бўлган жойга чиқишини ташкил этади.

**Воқеа жойга етиб келган ТТГ аъзолари ҳодиса юз берган жойда қуйидаги ишларни амалга оширилишини ташкил этади:**

**а)тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш;**

**б)судга оид турли хил экспертизалар тайинлаш;**

**в)гувоҳ ва шоҳидлар ҳамда дастлаб жабр кўрган ва уларнинг кўрсатмасига кўра жиноят содир этган шахс деб топиш учун асос бўлган шахслардан тушунтиришлар олиш;**

**г)жиноят белгилари бор ёки йўқлигини аниқлаштиришга қаратилган**

текширув ҳаракатларни амалга ошириш.

**Агар ички ишлар органида қабул қилиниб, рўйхатга олинниб бўлинган жиноят ва ҳодиса ҳақидаги мурожаат юзасидан ўтказилган суриштирув ҳаракатлари давомида жиноят бошқа худудда содир этилганлиги аниқланса, жиноятни «иссиқ издан» фош этиш, уни содир этган шахсларни, гувоҳ ва шоҳидларни ўз вақтида аниқлаш, далилларнинг сунъий ёки табиий таъсирлардан йўқолишини олдини олиш, шунингдек кечикириб бўлмайдиган бошқа чораларни кўриш мақсадида ички ишлар органининг навбатчиси ёки масъул ходим қўйидагиларни ташкил этади:**

а)тергов-тезкор гурухи таркибига кирувчи ходимларни ҳамда содир этилган жиноятнинг турига қараб тегишли мутахассисларни воқеа жойини кўздан кечириш учун юбориш;

б)воқеа жойини кўздан кечириш давомида жиноятга дахлдор излар ва ашёларни олиш, далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни тўплаш, иш учун аҳамиятли бўлган излардан қолиплар ва нусхалар олиш, фотосурат ҳамда видеоёзувга тушириш;

в)жиноятни фош этишга қаратилган барча зарур бўлган суриштирув ва тезкор-қидириув ҳаракатларини ўтказиш;

г)воқеа содир этилган ҳудудда гувоҳ ва шоҳидларни аниқлаш;

д)жабр кўрганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

е)жиноят натижасида юз берган турли хил талофатларни оғир оқибатларга олиб келишини олдини олиш;

ё)воқеа жойини кўздан кечириш давомида олинган жиноятга дахлдор из ва ашёларни ўраш, муҳрлаш ва сақланишини таъминлаш;

ж)зарур деб топилган ҳолларда тегишли экспертиза тайинлаш ишларини амалга оширишлари шарт.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишлар амалга оширилгандан сўнг, зудлик билан ҳолат бўйича тўпланган суриштирув ҳужжатлари ЖПКнинг 330-моддасига асосан, қўзғатилган жиноят иши эса ЖПКнинг 346-моддасига мувофик, иш бўйича олинган ашёвий далилларни илова қилган ҳолда худудий жиҳатдан терговга тегишлилигига кўра юборилади.

Худудий жиҳатдан юборилган жиноят ва ҳодисаларга оид ишларни юборган орган ҳолатни ўз ҳисобидан чиқариб, бу ҳақда 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналига белги қўяди ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат этувчига ёзма равища хабар қиласи.

Худудий жиҳатдан тегишлилиги бўйича юборилган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар уларни жўнатган идора ҳисобидан чиқарилгандан сўнг ишни қабул қилган ички ишлар органида рўйхатга қўйилади. Бундай ҳолларда кўриб чиқиш муддати ички ишлар органига худудий таалкуқлилиги бўйича келиб тушган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг терговчилари томонидан воқеа жойини кўздан кечириш ҳақидаги материалларини, агарда уларда мавжуд бўлган

маълумотлар яққол жиноят аломатларини кўрсатиб, жиноят ишини қўзғатиш учун қарор қабул қилишга етарли асослар бўлса, суриштирув хизматларига терговга қадар суриштирув ҳаракатларини ўтказиш учун бериш тақиқланади.

Суриштирув ходимининг жиноят иши қўзғатиш тўғрисида чиқарган қарори ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш қарорлари ички ишлар органининг бошлиғи томонидан тасдиқланади. Қарорни тасдиқлаш вақтида мавжуд ҳужжатларни мукаммал ўрганиши, қарор Жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ тўғри, тўлиқ ва холисона қабул қилганлигига шахсан ишонч ҳосил қилиши шарт. Жиноят иши қўзғатиш ва жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида асоссиз қарорлар қабул қилинган ҳолларда орган бошлиғи қўшимча текширувни ўтказилишини ташкил этиш керак.

Ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан қабул қилиниб 2-шакл журналида рўйхатга олинган жиноят ва ҳодиса ёки бошқа маълумотлар ҳақидаги хабар ёлғон бўлиб чиқса ёки олинган маълумот ўз тасдигини топмаса, текширувни амалга оширган ходим 2-шаклдаги журналга ҳолат юзасидан қабул қилинган қарор натижалари бўйича ёзувлар киритиб, имзоси билан тасдиқлади.

1-шакл китоби ва 2-шакл журналиниң барча реквизитлари уларниң бош варағи орқасидаги қоидаларга мувофиқ тўлдирилади. Ҳар қайси маълумот бўйича киритилган ёзувларда ҳодиса қачон юз берганлиги, ким томонидан содир этилганлиги, у ҳақида ким, қандай шаклда хабар берганлиги, уни кўриб чиқиш тартиблари бўйича қандай кўрсатмалар берилганлиги, текшириш учун қандай чоралар кўрилганлиги, кўриб чиқишида кимлар қатнашганлиги, қачон, ким томонидан қандай қарор қабул қилинганлигига доир батафсил маълумотлар ифодаланиши керак.

Маъмурий қамоқقا олинган шахсларни сақлаш учун маҳсус қабулхоналар ҳамда аниқ яшаш ва иш жойи бўлмаган шахсларни Реабилитация қилиш марказлари, шунингдек жазони ижро этиш муассасалари ёки тергов хибсноналари маъмуриятига келиб тушган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар зудлик билан шу муассасалар жойлашган худудий шаҳар, туман, тармоқ ички ишлар органларига тақдим этилади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиши фаолиятининг иш натижалари ҳақида ички ишлар органининг ҳисоб-қайд этиш ходими томонидан ярим йиллик ва йиллик статистик ҳисобот мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ тузилади. Ҳисобот тузиш учун 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали асос бўлиб ҳисобланади.

Рўйхатга олинган мурожаатларни кўриб чиқиши натижаси бўйича жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги материалларни ҳисобини юритиш, ҳисоб-қайд этиш ходими томонидан амалга оширилади.

Ҳисоб-қайд этиш ходими журналдаги маълумотларни, навбатчилик қисмидаги 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали билан ҳар ой якуни бўйича солиштириб, таққослов натижаси бўйича далолатнома тузади ва орган бошлиғига ёзма равишда билдирги билан ахборот бериб боради.

Соддалаштирилган тартибда расмийлаштириладиган жиноятга оид хабарлар бўйича 1 кун муддатда қонуний қарор қабул қилиниши ва 3 кун муддатда назорат тартибида ўрганиш учун прокуратура органларига юборилиши шарт.

Жиноятга оид хабарлар юзасидан терговга қадар текширув якунлари бўйича соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилган жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорлар прокуратура органлари томонидан назорат тартибида 5 кун муддатда ўрганилиб, натижаси бўйича тегишли муносабат билдирилади.

Жиноятга оид хабар берган шахс жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорни имзолашдан ёки тушунтириш беришдан бош тортган ҳолатлар қарорда кўрсатилади ва икки нафар холислар иштирокида расмийлаштирилиб, имзоланади.

Соддалаштирилган тартибда расмийлаштириладиган жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорда терговга қадар текширув давомида аниқланган ҳолатлар тушунарли, аниқ, қисқа ва лўнда баён этилиши лозим.

Мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ жиноятга оид хабарларни кўриб чиқиши натижаси бўйича соддалаштирилган тартибда расмийлаштириладиган жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарордан ташқари бошқа ҳужжат талаб қилинмайди.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бос прокуратурасининг 2018 йил 17 март кунидаги 26/17ққ-сон қўшма қарорини ўрганиш ва тегишли бандларини конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар:**

1-савол Мурожаатларни кўриб чиқиши тартиби қандай амалга оширилади?


2-савол Мурожаатларни рўйхатга олиш ҳужжатларини юритиш тартиби?

### **14-МАВЗУ: ЖИНОЯТ, ҲОДИСАЛАР ҲАҚИДАГИ АРИЗА, ХАБАР ВА БОШҚА МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ.**

#### **Семинар машғулоти. (2 соат)**

Ушбу ўқув машғулоти “*Давра сұхбати*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра сұхбати” методи – айлана стол атрофида берилған саволлар үзасидан тингловчилар томонидан үз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган үқитиши методидир.



Тингловчилардан ушбу савол билдиришларини сўрайди ва айлана столдан бўйича үз фикр-мулоҳазаларини баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

#### **Назорат учун саволлар:**

1-савол. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорларни соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилиши мумкин бўлган жиноятга оид хабарлар.

2-савол. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорларни соддалаштирилган тартибда расмийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари.

3-савол. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорда нималар кўрсатилиши шарт?

#### **Мустақил тайёргарлик учун саволлар:**

1-савол. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган жиноятга оид хабарлар тоифаси.

2-савол. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорни расмийлаштириш.

3-савол. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорларни соддалаштирилган тартибда расмийлаштиришнинг асосий мақсади.

### **14-МАВЗУ: ЖИНОЯТ, ҲОДИСАЛАР ҲАҚИДАГИ АРИЗА, ХАБАР ВА БОШҚА МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ.**

#### **Амалий машғулоти. (2 соат)**

#### **Режа:**

1-савол. Соддалаштирилган тартибдаги жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарорни расмийлаштириш тартиби.

**15-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИШ САБАБЛАРИ ВА УЛАРГА ОЛИБ КЕЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЮЗАСИДАН КОРХОНА, МУАССАСА, ТАШКИЛОТЛАРГА ТАҶДИМНОМА КИРИТИШ ТАРТИБИ.**

**Маъруза машғулоти. (2 соат)**

**РЕЖА:**

1-савол. Таҷдимнома киритишнинг ҳуқуқий асослари.

2-савол. Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича таҷдимнома киритиш тартиби.

3-савол. Таҷдимномани расмийлаштириш тартиби. Таҷдимнома киритиш ва уни кўриб чиқиш юзасидан келиб чиқаётган муаммолар.

**1-Савол: Таҷдимнома киритишнинг ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари белгиланган бўлиб, унда “Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон беряётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон беряётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида таҷдимномалар киритиш” кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 17 моддасида “Ҳуқуқбузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органларига, бошқа ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга бажарилиши шарт бўлган таҷдимномалар киритиш” кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2016 йил 27 ноябрдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотга таҷдимнома киритиш тартибини тасдиқлаш ҳакида” ги 184-сон буйруғи қабул қилинди.

**Мазкур буйруқ билан:**

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотга таҷдимнома киритиш тартиби тасдиқланди;

- Ўзбекистон Республикаси ИИВ бош бошкарма, бошкарма, мустақил бўлимлари, таълим муассасалари бошликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ИИБ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБ бошликларига мазкур буйруқ барча шахсий таркиб томонидан ўрганиб чиқилишини ташкиллаштириш масаласи юклатилди;

- келгусида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилот раҳбарларига белгиланган шакл асосида тақдимномалар киритиб борилиши белгиланди;

- маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш туғрисида корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига тақдимномаларни киритиши борасидаги фаолиятининг аҳволи мунтазам равишда ўрганилиб, мониторинг килиб борилиши белгиланди.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, мувофиқлаштирувчи орган ёки муассасалар ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимнома киритилган ҳолларда ҳам тақдимнома киритилган мансабдор шахс тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичida уни киритган орган ёки муассасага (mansabdar shahsiga) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

Ишни кўриб чиқувчи орган (mansabdar shahs), ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, мувофиқлаштирувчи орган ёки муассасанинг хусусий ажрими ёки ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик, ушбу Кодекснинг 196-моддаларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади».

**196-модда. Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик**

Ҳуқуқбузарликни содир этиш сабабларини ҳамда уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик —

mansabdar shahslarga базавий ҳисоблаш микдорининг икки бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**313-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома**

Ишни кўриб чиқувчи орган (mansabdar shahs) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдим келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичida уни киритган органга (mansabdar shahsiga) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

## **2-Савол: Содир этилган маъмурий хуқуқбузарликлар бўйича тақдимнома киритиш тартиби.**

Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига асосан ички ишлар органлари ходимларининг, маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф эгиш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига бажарилиши шарт бўлган тақдимнома киритиш фаолиятини белгилаб беради.

Маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига бажарилиши шарт бўлган тақдимнома киритиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур тартиб талаблари асосида амалга оширилади.

Маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига бажарилиши шарт бўлган тақдимнома киритиш чоғида қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши юқори турувчи ваколатли органларнинг мансабдор шахслари, шунингдек прокурор назорати ҳамда шикоят бериш ҳуқуқи билан таъминланади.

Ички ишлар органлари ходимлари маъмурий хуқуқбузарликлар юзасидан тақдимнома киритишдан олдин хуқуқбузарликларнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон бергаи шарт-шароитларни аниқлашлари шарт.

Ички ишлар органлари маъмурий хуқуқбузарликка оид ишни кўриб чиқиши чоғида унинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган мазкур хуқуқбузарлик содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида мазкур тартибининг иловасига мувофик маъмурий хуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритади.

*Тақдимнома нусхаси маъмурий хуқуқбузарлика оид иши юзасидан тўпланган хужжатларга қўшиб тикиб қўйилади.*



Ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолият йўналишларининг йиллик, ярим йиллик, чораклик ва иш тахлиллари натижасида аниқланган ҳолатлар юзасидан ёки давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалалари бўйича ҳам тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

Тақдимнома ички ишлар органларининг бошлиғи, унинг ўринбосарлари ҳамда ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика (катта) инспекторлари томонидан имзоланиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнида энг қўп содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг такрорланиши қузатилган ҳамда ушбу ҳолатларни бартараф этишга масъул шахслар томонидан мазкур ҳолатга эътиборсизлик билан ёндашганлиги аниқланган ҳолларда тақдимнома киритилади.



### **Тақдимномада қўйидагилар кўрсатилиши керак:**

- ички ишлар органининг реквизитлари;
- жойи ва санаси;
- хуқуқбузарликнинг қисқача мазмуни ёки тақдимнома киритилишига сабаб бўлган ҳолатлар;
- хуқуқбузарлик содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш буйича амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар;
- кўрилган чора ҳакида ёзма хабардор этиш вақти.

Хуқуқбузарликларнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома юборилган тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбари зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичida тегишинча тақдимнома киритган ички ишлар органини ёзма тарзда хабардор қилиши шарт.

Тақдимнома бажарилмаган ёки етарли даражада бажарилмаган тақдирда тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбари конунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

Ички ишлар органлари ходимларининг, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритилган тақдимномалар ва уларнинг бажарилганлиги ҳақидаги маълумотлар алоҳида йиғма жилдда жамлаб борилади.

### **3-Савол: Тақдимномани расмийлаштириш тартиби. Тақдимнома киритиш ва уни қўриб чиқиш юзасидан келиб чиқаётган муаммолар.**

Маълумки, ички ишлар органлари ходимлари ўз зиммаларидаги хизмат вазифаларини бажариш учун берилган ваколатларини суистеъмол қилмасликлари, аксинча ҳар бир ҳуқуқ ва ваколат ортида халқ ва давлат манфаати, Ватан олдидаги шарафли бурч ва масъулият туришини чуқур англаб етишлари керак.

Бунинг учун эса, биринчи навбатда, ички ишлар органлари ходимлари юксак маънавиятли, ватанпарвар, инсонпарвар, жисмонан бақувват, соғлом ҳамда ўз касби ва замонавий билимлар мажмуини пухта эгаллаган мутахассис бўлишлари керак. Бу ички ишлар органи ҳар бир ходимининг ўз номини оқлаши, том маънода ҳалқ ишончини қозониши лозимлиги ва жамиятда маънавият, адолат қўриқчилари сифатида намоён бўлишини англатади.

Хукуқбузарликлар профилактикасини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган касбий билимлардан бири шубҳасиз жиноятчиликка қарши кураш ва уларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи психологик билимлар ҳисобланади. Ҳар қандай хукуқбузарликни келтириб чиқарувчи психологик омилларни билиш, уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, шунингдек турли тоифадаги хукуқбузарлар билан муомала қилишнинг психологик жиҳатларини ўзлаштириш ва уни амалда қўллай олиш ички ишлар органлари ходимлари, жумладан ҳудудий профилактика инспекторлари фаолиятидаги муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

Ички ишлар органлари тизимида профилактика фаолияти қўп қирралиги ҳамда ўзига хослиги билан ажralиб туради. Сабаби, хукуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи ҳар бир профилактика инспектори хизмат жараёнида турли тоифадаги фуқаролар билан учрашиб, улар билан мулоқотга киришади, бу эса, ўз навбатида, ходимдан чукур психологик билимларни, яъни шахсларнинг руҳий ҳолатлари, психологик хусусиятлари, характеристери ва темпераментларининг ўзига хос жиҳатларини яхши билишни тақозо этади.

Хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ходимлар биринчи навбатда фуқаролар хавфсизлиги, тинчлиги, ҳақ-хукуки ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишлари ва хизмат вазифаларига масъулият билан ёндашишлари талаб этилади, бу эса улардан аввало ўз касбининг билимдони, устаси бўлишни талаб қиласди.

Ходим ўз касбининг билимдони бўлиши учун нафақат юридик фанлар, балки кишиларнинг руҳий ҳолати ва кечинмаларини ҳам яхши билиши керак. Шунинг учун унинг психология илмининг сир асрорларидан хабардор бўлиши ва шу асосда қонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириши тақозо этилади.

### **Тақдимнома киритиш ва уни қўриб чиқиши юзасидан келиб чиқаётган муаммолар.**

Олиб борилган таҳлиллар натижасида ички ишлар органлари хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари профилактика инспекторлари томонидан маъмурий хукуқбузарликнинг содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш масалаларида сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда яшовчи фуқарога нисбатан индивидуал ташхис қўйишга доир билим ва қўнимларини шакллантириш лозим.

Бу борада қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

–профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳудудда яшовчи фуқарога нисбатан индивидуал ташхис қўйишнинг назарий асосларини яратиш;

–профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳудудда яшовчи фуқарога нисбатан индивидуал ташхис қўйиш фаолиятига доир ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш ва жойларга тарқатиш;

–профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда яшовчи фуқарога нисбатан индивидуал ташхис қўйишга доир билим ва кўникмаларини шакллантиришга доир ўқув машғулотларини йўлга қўйиш.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш тўғрисидаги хусусий ажрим ва тақдимнома киритиш асослари ва тартибининг аниқ белгилаб қўйилмаганлиги натижасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи органлар орган (mansabdor shaxs)лар томонидан ўз юритувидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан тақдимнома киритилмай қолмоқда.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, мувофиқлаштирувчи орган ёки муассасалар ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимнома киритилган ҳолларда ҳам тақдимнома киритилган мансабдор шахс тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичida уни киритган орган ёки муассасага (mansabdor shaxsга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилинmasдан қолмоқда.

Бугунги кунда республикамизда жиноий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенг қўлланиммоқда. Бироқ мазкур холатлар бўйича ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритиш йўлга қўйилмаган. Натижада мазкур тоифадаги шахслар ўртасида самарали профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмай қолмоқда.

Амалиётда аксарият судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорлари нусхаларининг тегишли ИИБларга ўз вақтида юборилмаётганлиги сабабли ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, хусусан, профилактик ҳисобга олиш ишлари етарли даражада амалга оширилмаётганлиги билан боғлиқ салбий ҳолатларни бартараф этиш ва шахсларни ўз вақтида профилактик ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқувчи органлар билан Ички ишлар вазирлигининг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни профилактик ҳисобга олиш учун асос бўладиган қарорни ички ишлар органларига ўз вақтида юбориш механизмини белгилаб берувчи қўшма қарорини ишлаб чиқиши амалиётга жорий этиш.

## **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2016 йил 27 ноябрдаги “Маъмурий ҳукуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотга тақдимнома киритиш тартибини тасдиқлаш ҳакида” ги 184-сон буйруғини ўрганиш ва конспектлаштириш.

## **Назорат учун саволлар:**

1-савол. Тақдимномада нималар кўрсатилиши керак?

2-савол. Ишни кўриб чиқувчи орган (мансадбор шахс), ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, мувофиқлаштирувчи орган ёки муассасанинг хусусий ажрими ёки ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик қандай жавобгарликка олиб келади?

**15-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИШ САБАБЛАРИ ВА УЛАРГА ОЛИБ КЕЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЮЗАСИДАН КОРХОНА, МУАССАСА, ТАШКИЛОТЛАРГА ТАҚДИМНОМА КИРИТИШ ТАРТИБИ.**

## **Семинар машғулоти. (2 соат)**

Ушбу ўқув машғулоти «*Сұхбат*» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва тингловчилар ўртасидаги диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сұхбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, тингловчининг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

## **Методни қўллашда қўйидаги тартибда иш қўрилади:**

Ўқитувчи тингловчиларни метод моҳияти билан таништиради

Ўқитувчи мавзу юзасидан тингловчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган масалаларга оид саволларни ишлаб чиқади

Тингловчилар саволлар билан таништирилади

Тингловчилар саволлар юзасидан мулоҳаза юритиб, масала моҳиятини ёритишга киришади

(агар тингловчиларнинг жавоблари қониқарли деб топилса, навбатдаги савол берилади; жавоб қониқарли деб топилмаса, у ҳолда ўқитувчи тингловчига айнан мана шу масалани ойдинлаштиришга ёрдам берадиган қўшимча савол беради)

Ўрганилаётган масаланинг моҳияти тўла ёритилгач, сухбат жараёнига якун ясалади

Ўқитувчи тингловчиларнинг фаолиятини баҳолаб, машғулотга якун ясайди

### **Саволлар:**

1-савол. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 17 моддасида нималар кўрсатиб ўтилган?

2-савол. Суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик;

3-савол. Ҳукуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик;

4-савол. Тақдимномада нималар кўрсатилиши керак;

### **Мустақил тайёргарлик учун саволлар:**

1-савол. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2016 йил 27 ноябрдаги “Маъмурий ҳукуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотга тақдимнома киритиш тартибини тасдиқлаш ҳакида” ги 184-сон буйруғимазмун моҳичтини ўрганиш.

2-савол. Ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, мувофиқлаштирувчи орган ёки муассасанинг хусусий ажрими ёки ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик.

3-савол. Ҳукуқбузарликни содир этиш сабабларини ҳамда уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик.

**4-савол.** Ички ишлар органлари ходимлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан тақдимнома киритишдан олдин ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари.

**15-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИШ САБАБЛАРИ ВА УЛАРГА ОЛИБ КЕЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЮЗАСИДАН КОРХОНА, МУАССАСА, ТАШКИЛОТЛАРГА ТАҚДИМНОМА КИРИТИШ ТАРТИБИ.**

**Амалий машғулоти. (2 соат)**

**Режа:**

1-савол. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома расмийлаштириш тартиби.

**МАВЗУЛАРГА ОИД ТАХМИНИЙ САВОЛЛАР:**

**1-мавзуга оид саволлар:**

1.Шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги деганда нимани тушунасиз?

2.Хуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чоратадбирлар мажмуй нимадан иборат?

3.Хуқуқбузарлик- тушунчасига изох беринг.

4.Жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарлиқдан жабрланган шахс деганда нимани тушунасиз?

5.Ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс ким?

6.Хуқуқбузарлик профилактикасининг турларини кўрсатинг.

7.Хуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи идорани кўрсатинг.

8.Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи идорани кўрсатинг.

9.Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг қайси бобида келтирилган?

10.Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун принципларидан бири кўрсатилган жавобни аниқланг.

**2- мавзуга оид саволлар:**

1.Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ўринбосарлари ким томонидан лавозимга тайинланади?

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ‘Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат

жихатидан янги босқичга кўтариш чора тадбирлари тўғрисида”ти ПФ 6196-сонли Фармони қабул қилинган санани кўрсатинг.

3.Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жихатдан янги тизимини жорий этиш бўйича чора тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси қарорида белгилаб берилган ?

4.Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида ..... босқичма-босқич ташкил этилади.

5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ‘Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ 5050-сонли Қарори қабул қилинган санани кўрсатинг.

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлагини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5005-сонли Фармони қачон қабул қилинган?

7.Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидағи 9 та камчилик ва 10 янги йўналишлар қайси меёрий хужжатда кўрсатиб ўтилган?

8.Худудий ички ишлар органлари ким ҳисобланади ҳамда фаолиятини нима асосида амалга оширади?

9.Профилактика инспекторларига масофавий мурожат этиш шунингдек уларнинг ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи ..... ахборот дастури ишлаб чиқилди.

10.Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сакқаш бош бошқармаси, Хукуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган ..... этиб қайта ташкил этилди.

### **3- мавзуга оид саволлар:**

1.Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси қарори билан белгилаб берилди?

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2833-сонли қарори билан нечта идоралараро комиссиялари ташкил этилди?

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2833-сонли қарори билан ташкил этилган идоралараро комиссияларнинг хозирги кунда фаолият кўрсатаётганларини белгиланг.

4.“Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги” низом қайси меёрий хужжат билан тасдиқланди?

5.Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси раиси ким?

6.“Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссия ишчи органи функциясини ким бажаради.

7.Республика идораларо комиссияларнинг шахсий таркиби ким томонидан тасдиқланади?

8.«Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни» хафтанинг қайси куни амалга оширилади?

9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган санани кўрсатинг.

10.Хафтанинг қайси хуқуқбузарликларга муросасизлик маданиятини шакллантириш, хуқуқий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик хулқ-авторини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички ишлар органлари таянч пунктлари, хукуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида куни «очиқ эшиклар куни»?

#### **4- мавзуга оид саволлар:**

1.“Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050 қачон қабул қилинган?

2.Туман, шаҳар ички ишлар органлари таркибида нечта штат бирликларидан иборат вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог лавозимларини жорий этиш ҳамда уларнинг бевосита хизмат ўташ жойи этиб умумий ўрта таълим муассасаларини белгиланди?

3.2021 йилда умумий ўрта таълим муассасаларининг 2 000 та психолог штат бирлигини жорий йилнинг 1 июлидан қисқартириш эвазига нечта инспектор-психолог штат бирлиги киритилди ва 2022 йилда қўшимча нечта штат бирлигини киритиш орқали уларнинг сони 2 000 тагача етказилди?

4.Кимлар инспектор-психологлар учун умумий ўрта таълим муассасаларида маҳсус жиҳозланган хизмат хоналарини ташкил этиш чораларини кўради, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасига уларнинг фаолиятини тартибга солувчи низомни ва самарадорлик индикаторларини тасдиқлаш учун киритади?

5.Қачон вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам қўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сон Қарори тасдиқланди?

6.Қачон «Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 318-сон буйруғи тасдиқланди.

7.Куйидагилар инспектор-психологларнинг асосий вазифалари хисобланади.

8.Инспектор-психологлар хизмат фаолиятини амалга ошириш вақтида нималар бўлиши шарт?

9.Инспектор-психологлар хизмат хоналарида қандай китобларни юритади.

10.Инспектор-психологларнинг фаолият самарадорлигини белгиловчи индикаторлар нималардан иборат?

#### **5- мавзуга оид саволлар:**

1.Вояга етмаган шахс тушунчасини топинг?

2.Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси тушунчаси қайси жавобда тўғри кўрсатилаган?

3.Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштиришни талаб қилувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, ички ишлар органлари вояга етмаган ички ишлар органларининг бўлинмаларига келтирилган пайтдан эътиборан қанча вақт ичida вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш учун материалларни тайёрлаши шарт?

4.Вояга етмаган ҳукуқбузарларга нисбатан профилактик ҳисоб варақасини юритилиш ёшини кўрсатинг?

5.Вояга етмаганларни профилактик ҳисобга олиш муддатини кўрсатинг?

6.Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

7.Куида кўрсатилган жамоат тузилмаларидан қайси бири профилактика инспекторлари билан вояга етмаганлар ўртасида ҳукуқбузарларни олдини олишда МТПда бевосита ҳамкорликда фаолият юритади?

8.“Вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази”га жойлаштириш ёшини топинг?

9.Профилактика инспектори неча ёшдан вояга етмаган ҳукуқбузарга нисбатан маъмурий жазо чорасини қўллаши мумкин?

10.Вояга етмаган шахснинг тарбиясига салбий таъсир этувчи ижтимоий омилни кўрсатинг?

#### **6- мавзуга оид саволлар:**

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилинган санаси ва рақамини кўрсатинг?

2.Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг асосий вазифаларидан айримларини кўрсатинг?

3.Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига вояга етмаганлар неча ёшда қабул қилинди?

4.Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига вояга етмаганлар куннинг қайси вақтларида қабул қилинди?

- 5.Марказларга қайси тойифа вояга етмаганлар қабул қилинади?
- 6.Марказлардан вояга етмаган шахсни чиқариш асосини қўрсатинг?
- 7.Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар қандай жойларда қаровсиз болаларни аниқлайди?
- 8.Профилактика инспекторлари қандай жойларда қаровсиз болаларни аниқлайди?
- 9.Марказ ходимлари.....максус автотранспорт воситасида қаровсиз бола сақланаётган манзилга етиб келиб, уни қабул қилиб олади ва белгиланган тартибда Марказга олиб бориб жойлаштиради.
- 10.Марказ ..... ичида қаровсиз боланинг шахсини аниқлайди.

### **7- мавзуга оид саволлар:**

- 1.Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини қўрсатинг?
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси қайси манзилда жойлаштирилди?
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси қайси манзилда жойлаштирилди?
- 4.Республика ўқув-тарбия муассасаларига неча ёшдан вояга етмаганлар жойлаштирилади?
- 5.Ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасига вояга етмаган шахсни жойлаштириш учун қўрсатилган субъектлардан қайси бири Илтимоснома киритади?
- 6.Ички ишлар органлари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун зарур бўлган материалларни неча кун ичида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия учун тайёрлаши шарт?
- 7.Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома Вояга етмаганлар ва ёшлар ишлари бўйича идоралараро комиссия уни тақдим этган пайтдан эътиборан, вояга етмаганнинг яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқиладиган муддатни қўрсатинг
- 8.Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья томонидан чиқараладиган ажримлардан бирини қўрсатинг
- 9.Илтимосномани судга юбориш қайси қарор билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги

Низомида белгилаб берилган комиссиянинг ваколатлари асосида амалга оширади?

10. Судга келишдан бўйин товлаётган ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, шунингдек.....га тўлган вояга етмаганлар мажбурий келтирилиши мумкин.

#### **8- мавзуга оид саволлар:**

- 1.Хукуқбузарликдан жабрланувчи деганда нимани тушунасиз?
- 2.Хукуқбузарлик профилактикасининг турларини кўрсатинг.
- 3.Хукуқбузарликлардан жабрланиш холатларини олдини олиш хукуқбузарликлар профилактикасининг қайси турига киради?
- 4.Куйидаги чора-тадбирлардан қайси бири виктимологик профилактикага мансуб?
- 5.“Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда хукуқбузарликлар профилактикасининг нечта тури кўрсатилган?
- 6.Ички ишлар органларининг виктимологик профилактик фаолиятининг асосий объектларига қуйидагиларнинг қайси бири киради?
- 7.Хукуқбузарлик - бу....?
- 8.Виктимологик профилактика тушунчасини кўрсатинг.
- 9.Бугунги кунда жабрланувчилар кўпинча қуйидагилардан қайси турдаги жиноят қурбонига айланишмоқда?
- 10.Хукуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг муайян шахснинг хукуқбузарликлардан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган хукуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари қайси профилактика турига киради?

#### **9- мавзуга оид саволлар:**

- 1.Профилактика инспектори ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган қандай маҳсус ҳамда тезкор профилактик тадбирларда иштирок этади ва хукуқбузарликларнинг маҳсус профилактик чора-тадбирларини ўзига берилган ваколат доирасида амалга оширади?
- 2.Ички ишлар органлари хукуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини қачон амалга оширилишига оширилади?
- 3.Маҳсус профилактик тадбирлар кимнинг буйруғи, фармойиши ҳамда кўрсатмаси асосида ташкил этилади?
- 4.Хукуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини ташкил этишда “.....”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб амалга оширилади.
- 5.Хукуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг айрим турдаги хукуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги хукуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниклаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишига қаратилган маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишига доир фаолияти- ..... дейилади.

6. Республика миқёсида ўтказиладиган махсус профилактик тадбирлар.....?

7. «Хукуқбузарликлар профилактикаси тұғрисида»ги қонунининг қайси бобида махсус профилактик чора-тадбирлари күрсатилған?

8. Хукуқбузарликлар профилактикасининг субъектлари қандай таснифланади?

9. Ички ишлар органларининг виктимологик профилактик фаолиятининг асосий объектларыга қуидагиларнинг қайси бири киради?

10. Хукуқбузарликлар профилактикасининг субъектлари қандай таснифланади?

## **10- мавзуга оид саволлар:**

1. Субъектлар томонидан жиноят, ғайри-ижтимоий ҳаракатлар содир этишга мойил шахсларни жиноят қонуни билан таъқиқланған қылмишлардан тұхтатиши ва ижтимоий таъсирға мухтож шахсларни аниқлаб уларға тарбиявий таъсир ўтказиш қайси профилактика турига киради?

2. Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари «Хукуқбузарликлар профилактикаси тұғрисида»ги қонунининг қайси бобида белгиланған?

3. Якка тартибдаги жиноятлар профилактикасининг объектларини күрсатинг.

4. Якка тартибдаги профилактик таъсир усулларидан бирини күрсатинг.

5. Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларидан баъзиларини күрсатинг.

6. Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалға оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқарыладыған расмий огохлантириш шакли ҳамда уни чиқариш тартиби қайси меёрий хужжат билан тасдиқланған?

7. Якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахсларнинг хукуқларидан айримларини күрсатинг.

8. Куидагилардан қайси бири Хукуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларига киради?

9. Хукуқбузарликлар содир этган шахсларға нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонунчиликда белгиланған тартибда ким томонидан қўлланилади?

10. Профилактик таъсир усулларидан мажбурлаш деганда қандай харакатлар амалға оширилади?

## **11- мавзуга оид саволлар:**

1. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тұғрисидаги қарор профилактик ҳисобга қўйилған шахсга қайси пайтдан эътиборан кучга киради?

2. Профилактик ҳисобга қўйилған шахсга нисбатан қачон ички ишлар органлари томонидан профилактика иши очилади?

3.Профилактика инспектори профилактик ҳисобга олинган шахслар билан якка тартибда профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда шахснинг қайси асосий хусусиятларига эътибор қаратиши лозим?

4.Қайси тоифа шахсларга нисбатан профилактик ҳисоблар юритилади?

5.Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш асосларини кўрсатинг.

6.“Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг қайси моддасида профилактик ҳисоблар юритиладиган шахсларнинг тоифалари кўрсатилган?

7.Профилактик ҳисобларнинг юритилиши мақсадини кўрсатинг.

8.Хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ва заҳарвандликка мубтало бўлган, таносил касалликларига чалинган шахслар ҳамда руҳий касаллар рўйхатлари соғлиқни сақлаш муассасаларидан алоҳида сўров хати орқали қайси вақтларда расман олиб борилади?

9.Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш асосларидан айримини кўрсатинг.

10.ИИО таянч пунктларида қайси тоифадаги хукуқбузарлик содир этишга моил бўлган шахсларнинг рўйхати юритилади.

## **12- мавзуга оид саволлар:**

1.Тазийқ – тушунчасига изоҳ беринг.

2.Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчи – тушунчасига изоҳ беринг.

3.Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳимоя ордери қайси идора томонидан берилади?

4.Ҳимоя ордери қаерда қайд этилади?

5.Ҳимоя ордери қанча муддатга берилади, зарур ҳолларда қанча муддатга узайтирилиши мумкин?

6.Кимлар тузатиш дастуридан ўтказилмайди?

7..... зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради.

8..... тазийқ ва зўравонлик тўғрисида оғзаки ёки ёзма хабар олганда бундай ҳаракатларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган якка тартибдаги чора-тадбирлар кўриши шарт.

9.Ҳимоя ордери неча қисмдан иборат бўлади?

10.Ҳимоя ордери қачондан кучга киради?

## **13- мавзуга оид саволлар:**

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилинган санаси ва рақамини кўрсатинг?

2.Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг асосий вазифаларидан айримларини кўрсатинг?

3. Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказларига вояга етмаганлар неча ёшда қабул қилинди?

4. Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказларига вояга етмаганлар куннинг қайси вақтларида қабул қилинди?

5. Марказларга қайси тойифа вояга етмаганлар қабул қилинади?

6. Марказлардан вояга етмаган шахсни чиқариш асосини кўрсатинг?

7. Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар қандай жойларда қаровсиз болаларни аниқлайди?

8. Профилактика инспекторлари қандай жойларда қаровсиз болаларни аниқлайди?

9. Марказ ходимлари ..... махсус автотранспорт воситасида қаровсиз бола сақланаётган манзилга етиб келиб, уни қабул қилиб олади ва белгиланган тартибда Марказга олиб бориб жойлаштиради.

10. Марказ ..... ичида қаровсиз боланинг шахсини аниқлайди.

#### **14- мавзуга оид саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи санаси ва рақамини кўрсатинг.

2.....-хукуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

3. Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган ички ишлар органига келиб тушган кундан эътиборан қанча муддатда кўриб чиқиласди?

4. Жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат турини кўрсатинг.

5. Мурожаат шакллари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.

6.....- давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

7. Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган ички ишлар органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса қанча муддатда кўриб чиқиласди?

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратурасининг қачон 26/17ққ-сон қўшма қарори қабул қилинди?

9. Жиноятга таъриф беринг.

10. Электрон мурожаатга таъриф беринг.

### **15- мавзуга оид саволлар:**

1. Маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотга тақдимнома киритиш тартиби қайси меъёрий хужжатда белгиланган?

2. Суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик МЖтКнинг қайси моддасида жавобгарлик белгиланган?

3. Хуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик МЖтКнинг қайси моддасида жавобгарлик белгиланган?

4. Раҳбар тақдим келиб тушган кундан бошлаб ..... ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

5. Тақдимнома ..... томонидан имзоланиши мумкин.

6. Тақдимнома нусхаси ..... қўшиб тикиб қўйилади.

7. Тақдимномада нималар кўрсатилиши керак?

8. Тақдимнома киритиш хуқуқбузарликлар профилактикасининг қайси турига киради?

9. Хуқуқбузарликни содир этиш сабабларини ҳамда уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик ..... ?

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 184-сон буйруғи қабул қилинган санани кўрсатинг?

## **ГЛОССАРИЙ**

**Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш** – хуқуқбузарликтан жабрланганга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган шахсларга хуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чоратадирилар мажмуюи.

**Ғайриижтимоий хулқ-атвор** – шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги.

**Хуқуқбузарлик** – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли, ғайрихуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

**Хуқуқбузарликтан жабрланувчи** – жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида хуқуқбузарликтан жабрланган шахс.

**Хуқуқбузарликлар профилактикаси** – хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниклаш, уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниклаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг хуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чоратадбирлари тизими.

**Хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс** – ўзининг ғайриижтимоий хулқ-автори хавфлилиги туфайли хуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

**Вазир - Ички ишлар органлари тизимиға умумий раҳбарликни таъминлайди.**

**Вазир маслаҳатчиси** - ички ишлар органлари фахрийларини муносиб ижтимоий ҳимоя қилиш.

**Худудий ички ишлар органлари** - юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Вазир томонидан тасдиқланадиган низомларга асосан амалга оширади.

**“Smart маҳалла”** - профилактика инспекторларига масофавий мурожат этиш шунингдек уларнинг ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи ахборот дастури.

**«Очиқ эшиклар куни»** - хуқуқбузарликларга муросасизлик маданиятини шакллантириш, хуқуқий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик хулқ-авторини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички ишлар органлари таянч пунктлари, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

**Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар** - таълим муассасаларида, профилактика инспекторлари томонидан - хизмат худудида, маҳалла фуқаролар йигинлари раислари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан — оиласада ўрганиш (кузатиш) ва профилактика тадбирларини амалга ошириш жараёнида қаровсиз болалар аникланади.

**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси** — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниклаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, хуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

**Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган** — вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд хуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган.

**Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила** — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила.

**Назоратсиз** — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-автори назоратсиз қолган вояга етмаган.

**Якка тартибдаги профилактика иши** — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият.

**Ғайриижтимоий хатти-харакатлар** — вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишлиқ, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-харакатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-харакатлари.

**Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари** - назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни марказга қабул қилиш, рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби, вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш ва уларни марказдан чиқаришдан иборат.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 4342-сонли қарори билан республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Гулзоробод» маҳалласи манзилида, республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Баҳт шаҳри «Тадбиркор» маҳалласи манзилида жойлаштирилди.**

**Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси** – хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасидир;

**Айбли виктимлик** - потенциал курбоннинг салбий, хуқуқ ва ахлоқ нуқтаи назаридан номуносиб хулқидан иборат бўлиб, у жиноят содир этилишига имкон берадиган омил ҳисобланади. Масалан, йўл-транспорт ҳодисаларидан фуқароларнинг кўпгина қисми йўл қоидаларига риоя қилмаганликлари оқибатида жабрланадилар.

**Айбиз виктимлик** - умуман ҳаётда, хусусан, жиноятдан аввалги вазиятда ижтимоий маъқул ахлоққа эга бўлган муайян шахснинг (масалан, инкассатор, маҳалла посбони) меҳнат ёки жамоат фаолиятининг хусусияти ёхуд психофизиологик жиҳатлари (масалан, бола, қария, беморлиги кабилар) билан боғлиқ.

**Виктимлик даражаси кам бўлган шахслар** – жисмонан бақувват, воқе-ликка тўғри ёндашувчи ва бошқалар;

**Виктимлик даражаси ўртача бўлган шахслар** – нейтрал шахслар, яъни ўзи низоли ҳолатни келтириб чиқармайдиган, лекин ноҳақликка чидолмайдиган шахслар.

**Виктимлик даражаси юқори бўлган шахслар** – касби, ижтимоий мақоми, биофизиологик хусусияти, моддий аҳволи, маънавий-рухий белгилари кабилар билан боғлиқ ҳолда хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган шахслардир.

**Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси** – хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга ошириш жараёнида маъмурий ҳудудда фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида хуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар ва хуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу борада уларни огоҳликка ва ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларидан иборат.

**Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси** – «Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айrim турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айrim тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир қўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолият.

**Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси** - субъектлар томонидан жиноят, ғайри-ижтимоий харакатлар содир этишга мойил шахсларни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишлардан тўхтатиш ва ижтимоий таъсирга муҳтоҷ шахсларни аниқлаб уларга тарбиявий таъсир ўтказишдан иборат.

**Ишонтириш-профилактика** қилинувчига тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий методи. Тарбиялаш-ишонтиришdir. Ишонтириш иш ва сўз орқали амалга оширилади. Ишонтириш усули соф тарбиявий хусусиятга эга бўлиб, улар профилактика қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини асло чекламайди. Жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланиладиган одатдаги ишонтириш чораларига сұхбатлар, жамоат

ташкилотлари ва меҳнат жамоаларидаги муҳокамалар, жамоатчилик вакилларидан бирингирилган мураббийлар кабиларни тайинлаш киради.

**Рағбатлантириш**-профилактик таъсирнинг муҳим методларидан бўлиб шахснинг ижобий қарашлари, хизматларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Рағбатлантириш моддий-маънавий бўлиши мумкин. Профилактика қилинаётган шахснинг ижтимоий муҳит билан муносабатини тўғри йўлга қўйишдан иборат. Масалан, Профилактика қилинаётган шахсни ишга жойлаштиришнинг ўзи етарли эмас, унга жамоа билан тил топишида, унинг тўла хуқуқли аъзосига айланишида кўмаклашиш зарур. Профилактика қилинаётган шахсни гуруҳнинг салбий таъсиридан ажратиб олишнинг ўзи етарли эмас, балки унга ижобий таъсир кўрсата оладиган гуруҳга киришишига хам ёрдамлашиш керак.

**Мажбураш** - профилактика қилинувчига тарбиявий таъсирнинг ёрдамчи истисно тариқасидаги усулидир. У фақат бошқа методлар самара бермагандан қўлланилади. Масалан муқаддам судланганларни маъмурий назоратга олиш, мажбурий даволаш муасасасига юбориш, тажавузкор руҳий касалларни касалхонага ётқизиши.

**Якка тартибдаги жиноятлар профилактикасининг обьектлари**-маъмурий худудда яшаётган ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турган муқаддам судланган шахслар, улардан маъмурий назорат таъсири остига тушувчилари, маъмурий назоратда турганлари, бедарак йўқолганлар, қидирудагилар, сўққабош-ёлғиз яшовчилар, профилактик ҳисобда турувчи бошқа тоифадаги шахслар, назорат-лицензия фаолиятига тегишли обьектлар, шахслар (ов қуроли эгалари, босмахона, типографиялар, сауна, видеосалон, диско-бар, инсон соғлиғига хавфли химикатлар, газлар билан ишловчи ташкилотлар) ва ахолининг ижтимоий таъсирга муҳтоҷ қатламлари.

**Профилактик ҳисоб** – бу жамиятда юриш туриш қоидаларини бузуб, ғайриижтимоий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган шахсларни келгусида қайта хукуқбузарликлар содир этмаслигини назорат қилиш ҳамда уларга ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чораларини қўллашни таъминлаш мақсадида юритиладиган хужжат ҳисобланади.

**Жинсий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбураш.

**Жисмоний зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиши, хавф остида қолдириши, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа хукуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиши ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя

қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли.

**Зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлифи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан химоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Иқтисодий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Иш жойи** — ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой.

**Руҳий зўравонлик** — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиши-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазийик ва зўравонликдан жабрланувчida ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини химоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Тазийик** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик.

**Тазийик ва зўравонликдан жабрланувчи** — ўзига нисбатан тазийик ва зўравонлик содир этилиши таҳдида остида бўлган ёки тазийик ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс.

**Тазийик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш** — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётини вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазийик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечикириб бўлмайдиган тадбирлар тизими.

**Тазийик ва зўравонликнинг олдини олиш** — хотин-қизларга нисбатан тазийик ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга

қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

**Ҳимоя ордери** — тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазийқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари.

**Вояга етмаган** — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс.

**Қаровсиз** — аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган.

**Жиноят** – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг маҳсус қисми нормаларида жазо қўллаш таҳди迪 билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

**Ходиса** – табиий ва техноген оғатлар, авариялар, инсонлар билан боғлиқ баҳтсиз ҳолатлар, эпидемия, эпизоотия, ёнғинлар, фуқароларнинг бедарак йўқолиши, фуқароларнинг ёрдамга муҳтож ҳолатда топилиши ва бошқа терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиши талаб этадиган воқеалар.

**Мурожаат** – Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига ўрнатилган процессуал қоидаларга биноан терговга қадар текширув ёки дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш шарт бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисаларга оид аризалари, хабарлари ва бошқа маълумотлари.

**Электрон мурожаат** – электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон хужжатнинг идентификация қилиш имконини берадиган реквизитларга эга жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги электрон хужжат шаклидаги мурожаат.

**Ариза** – жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакили тайёрланаётган, суиқасд қилинган ёки тамом бўлган жиноят оқибатида бузилган ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ёрдам кўрсатишни сўраб, ички ишлар органига жиноят ва ҳодисалар тўғрисида баён этган мурожаатлари.

Жиноят ҳақидаги аризаларга айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз ёки ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти ҳақида гумон қилинмасдан ва унга айб эълон қилинмасдан олдин берган хабарлари ҳам киради.

**Хабар** – жисмоний шахс ёки юридик шахснинг (корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси) ваколатли мансабдор шахси ёки оммавий ахборот воситаларининг жиноят содир этишга тайёргарлик кўрилаётган, суиқасд қилинаётган ҳамда тамом бўлган жиноят ва ҳодиса ҳақида берган ахборотларига доир мурожаатлар.

**Бошқа маълумотлар** – жиноят иши қўзғатишга сабаб бўлмайдиган, бироқ жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш учун терговга қадар текширув ўтказиши талаб қилинадиган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар.

## **Оммавий ахборот воситаларининг хабарлари:**

матбуотда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) чоп этилган;

электрон тарзда (радио эшилтириш, телекўрсатув орқали видео ёки кинохроникал дастурларда) намойиш этилган;

умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари (интернет веб-сайтлар) орқали берилган, шунингдек оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар.

**Бошқа алоқа техника воситалари** – мурожаат этувчи шахс, жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни телефон, телефакс, телефонограмма, телеграмма, радиограмма шаклида ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) ҳамда Ички ишлар вазирлигининг интернет тармоғидаги веб-сайти ([mvd.uz](http://mvd.uz)) орқали ички ишлар органларига тақдим этган хабарлар.

**Аноним мурожаат** – имзосиз, қалбаки имзоли, шу жумладан электрон шаклдаги ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ва бошқа аноним хабарлар, шунингдек жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг қонуний вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар акс эттирилган ахборотлар.

**Мурожаатларни қабул қилиш** – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) ва мазкур Йўрикнома талабларига мувофиқ ички ишлар органининг ваколатли мансабдор шахси томонидан жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ишларини амалга оширишга доир ҳаракат.

**Мурожаатларни рўйхатга олиш** – келиб тушган ҳар бир жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотлар тўғрисидаги ахборотларни рўйхатга олиш хужжатларида қайд этиш, тартиб рақам бериш ҳамда рўйхатга олингандиги тўғрисида муҳр (штамп) билан тасдиқлаш билан боғлиқ ҳаракатлар.

**Тақдимнома** - маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотга юбориладиган хужжат.

## **ХУЛОСА**

Президентнинг 2021 йил 12 февраль куни Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида берган топшириғида ушбу лавозимда вояга етмаганлар масалалари бўйича профилактика инспекторлари ишлашлари қайд этилган. Бу лавозимга фақатгина ИИБ ходимлари жалб этилади. Бу инспекторлар асосан куннинг биринчи ярмида бевосита мактабда, ўкувчилар орасида психологик муҳитни яхшилаш, куннинг

иккинчи ярмида маҳаллада ота-оналар иштирокида муаммоли ўқувчилар билан манзилли ишлашни ташкил этишади. Кейинроқ уларнинг фаолиятини тартибга солувчи низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилди.

Умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритиш учун 1 июлядан 1 100 та инспектор-психолог штат бирлиги киритилади, 2022 йилда эса қўшимча 900 та штат бирлигини киритиш орқали уларнинг сони 2 000 тагача етказилади. Яъни, ўртacha ҳисобда ҳар бешта мактабга бир нафар инспектор-психологлар бириктирилди.

Инспектор-психологлар учун умумий ўрта таълим муассасаларида маҳсус жиҳозланган хизмат хоналари ташкил этилади. Уларнинг асосий иш жойи умумий ўрта таълим муассасалари ҳисобланади.

Вояга етмаганларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларга салбий таъсир кўрсатувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш, улар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, хукуқбузарликлар содир этган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган вояга етмаганларни ижтимоий мослаштириш ва ижтимоий реабилитация қилиш чораларини кўриш бу йўналишдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Хукуқни муҳофаза қилувчи органлар, оила, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик зиммасига вояга етмаганлар хукуқбузарлиги ва жиноятчилигининг олдини олиш, худудларда вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, хукуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этиш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашиш, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига ёрдам бериш вазифалари юклатилди.

Хулоса қилиб айтганда, жойларда ёшларни соғлом ва комил инсон қилиб ўстириш ва тарбиялаш, уларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун барча шароитни яратиб бериш, бўш вақтларидан унумли фойдаланиши учун кутубхоналар ташкил этиш борасида турли жамоат ва давлат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликда самарали иш олиб борсак, ҳар томонлама билимли, юксак манаъвиятли ёшларимиз яқин ва узоқ истиқболда мамлакат ва халқимиз ҳаётининг ривожланиши учун бор куч-ғайрат ва салоҳиятини аямайди.

### **Адабиётлар:**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Конунлари**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2019й.;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2019;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2019.;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т, 2019. – Lex.uz; ;

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни./Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда;

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 02 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги ЎРҚ-644-сон Қонуни.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 марта даги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2896-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта даги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июнданги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3786-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4075-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 ноября “Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг юридик йўналишдаги билимларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-23-сон Қарори.

### **Ш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг хукуқий-меъёрий хужжатлари:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 04 январдаги “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 21 ноябрдаги «Хукуқбузарликлар фактлари ҳамда хукуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2627-сонли қўшма Қарори;

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини

ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 151-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотга тақдимнома киритиш тартибини тасдиқлаш ҳақида”ги 2016 йил 27 ноябрдаги 184-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2019 йил 11 июлдаги “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 181-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2016 йил 12 ноябрдаги “Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 180-сон буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотга тақдимнома киритиш тартибини тасдиқлаш ҳақида”ги 2016 йил 27 ноябрдаги 184-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 1 январдаги “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйруғи.

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

Ш.М. Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.;

Ш.М. Мирзиёев Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 48.;

Ш.М. Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.;

Ш.М. Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

#### **V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар**

Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш: Маърузалар курси / Д.С.Мухамадалиев, Ж.С.Мухторов, Б.А.Сайдов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 259 б.;

## **VI. Интернет сайлари**

**http://mvd.uz** (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);  
**http://ipkmvd.uz** (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);  
**http://akadmvd.uz** (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);  
**http://lex.uz** (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси);  
**http://www.tsil.uz** (Тошкент давлат юридик университети);  
**http://www.connect.uz** (Ўзбекистон умумтаълим портали);  
**http://uzsci.net** (Илмий таълим тармоғи);  
**http://www.ziyonet.uz** (Ахборот таълим тармоғи)

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЛИНМАЛАРИ ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГ  
ОФИЦЕРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА ҶАБУЛ ҚИЛИНГАН ХОДИМЛАРНИ  
МАХСУС КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЎҚУВ КУРСИНИНГ  
“ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГ ФАОЛИЯТИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Муҳаррир Н.З.Тасимов

Босишга рухсат этилди\_\_\_\_2023 й. Нашриёт-ҳисоб табоғи 3,5.  
Адади\_\_\_\_нусха. Буюртма №\_\_\_\_. Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
100213. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй.